**АБДУЛЛАЕВА ДИЛДОРАХОН ЗУМРАТБЕКОВНА**

# УСМОНХЫЖА ЗОРИЙ ЩАЁТИ ВА ИЖОДИ

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ**
**I БОБ. УСМОНХЫЖА ЗОРИЙ ЩАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ**
**1-фасл. Усмонхыжа Зорий щаёти ва ижодининг ырганилиш тарихи**
**2-фасл. Шоир адабий мероси манбалари**

**II БОБ. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИ**
**1-фасл. Зорий шеъриятининг \оявий-бадиий хусусиятлари**
**2-фасл. Зорий ижодиёти ва давр адабиётида яратилган поэтик туркумлар**

**ХУЛОСА**

## КИРИШ

Миллий Исти=лол мафкурасини яратишда, жамият маънавиятининг юксалишида маданий мероснинг ырни ва ащамияти щар доимгидан щам ортиб бормо=да. Исти=лол туфайли хал=имизнинг маданияти, дини, тили, адабиёти, тарихи, миллий =адриятлари тикланди, хал=имизда миллий ызликни англаш щисси кучайди. Исти=лол берган имкониятлар миллий маданий меросимизни щалол ва холис илмий тад=и= этишни щамда бугунги кун ну=таи назаридан янгича ёндашувни та=озо =илади.

Демократик жамият ва щу=у=ий давлат =уришнинг асосий негизларидан бири миллий \оя ва миллий мафкуранинг яратилишидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Миллий \оянинг яна бир мущим ащамияти шундан иборатки, унинг миллатимизнинг, хал=имизнинг ызлигини англашига, ызининг миллий =адриятларини, урф-одатларини йы=отмасдан, уларни тиклаб, эъзозлаб, янги ысиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат =илиши керак»[1]. Жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири комил инсон тарбиясида миллий =адриятларимиз, маданиятимиз ва адабий меросимизнинг ырни бе=иёсдир.

Хал=имиз томонидан кып асрлардан буён яратиб келинган тарихий-маданий меросимизнинг тад=и= этилмаган ва шыро мафкураси ырганилишига тыси= былган ну=таларни ёритиш бугунги долзарб масалалардан биридир. Истибдод даврида шыро фани тарихимизни бузиб кырсатди, маданиятимиз, тилимиз, тафаккуримизни ыз андозалари быйича «ясади». Эндиликда ижтимоий фанлар, хусусан, ызбек адабиётшунослиги шыро давридаги синфийлик ва партиявийлик \ояларидан халос былиб, дадил ривожланиш бос=ичига ытмо=да. Истибдод таъ=иби ва тазъи=идан са=лаб =олинган тарихий, маданий меросимизни =адрлаш давлат сиёсати даражасига кытарилаётганининг ызи ижтимоий фанлар =атори адабиётшунослик фани олдига щам мущим вазифаларни =ыяди. Инсон тафаккури тара==иёти ва бадиий-фалсафий оламининг шаклланишида адабиёт нечо\лик мущим былса, унинг тад=и=и билан бо\ли= адабиётшунослик фани щам шунча буюк.

Ытмиш адабиётимиз тарихида XIX аср II ярми ва XX аср бошларидаги давр ызига хос ижтимоий зиддиятларга бойлиги, мураккабликлари билан кыз олдимизда намоён былади. Бу даврда чор Россияси Туркистонни босиб олиб, ыз мустамлакасига айлантирди. Ызбек хонлари ва амирлари ыртасидаги ички низолар, ызаро урушлар чоризмнинг ылкани тамоман эгаллашига сабаб былди. Президентимиз И.А.Каримов шу давр ща=ида фикр юритиб =уйидаги ыринли саволни =ыяди: «Нега жащонга Ал-Фар\оний, Мущаммад Хоразмий, ибн Сино, Абу Райщон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улу\бек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XIX асрларга келиб то шу чо==ача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Аждодларимизнинг =атти= =аршилигига =арамай, чор Россиясининг ылкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу =оло=ликнинг щам ырни былмаганмикан?»[2]

XIX асрдаги тинимсиз ички урушлар, щисобсиз талофотлар щамда хонликлар ыртасидаги низолар хал=ни о\ир ащволга солар эди. XIX аср ырталарига келиб Туркистон хал=лари яна бир зулмни – чоризм истилосини бощдан кечирдилар. Истибдод ва унинг о\ир мусибатларига гувощ былган хал=чил ва маърифатпарвар ижодкорлар ыз асарларида давр щаётини, хал=нинг ащволини ща==оний тасвирладилар. Озод шахс эрки ва идеал жамият орзуси щамма даврларда кишилар тафаккурида яшаб келган. Тарих шундан далолат берадики, истибдод бошланган жойда унга =арши маърифий кучлар уй\онган. Ызбек зиёлилари хал=ни маърифатли былишга, ыз ща=-щу=у=ларини танишга ча=ирдилар. Маърифатпарварлик адабиётининг вакилларидан Мущйи,

---

[1] Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон щаёт -пировард ма=садимиз. Т.8. -Т.: Ызбекистон, 2000. -Б.466.

[2] Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йы=.-Т.: Шар=, 1998.-Б.9.

Му=имий, Фур=ат, Зав=ий, Комил Хоразмий, Аваз, Камий, Ибрат кабиларнинг ижодида маърифат \оялари асосий ырин тутади. Давр адабиётида ижод этган диний-тасаввуфий адабиёт намоёндалари Юсуф Сарёмий, Мущйи, Щазиний кабиларнинг асарларида инсоннинг ызлигини таниши, пок ахло=, инсоний фазилатлар тар\иби, шу билан бирга тарихий шароитдаги мущим ижтимоий масалалар щам илгари сурилди.

XIX аср бошларидаги Амир Умархон яратган адабий мущитдаги анъаналар XIX аср II ярмида щам ижодкорлар томонидан давом эттирилди. Шундай ижодкорлардан Мущаййир, Нисбатий, Наййирий, Рожий, +орий, Ёрий, /урбат, Писандий, Мирзо, Мунтазир номлари адабиётшуносликда эътироф этилса-да, улар ща=ида маълумотлар кам. Фа=ат /урбат, Рожий, Писандий, Мирзо щаёти ва адабий фаолиятлари ты\рисида тад=и=отлар яратилганини эслатиб ытамиз.[1] Хал= орасида =ылёзма асарлари са=ланиб, севиб ы=илган, о\издан о\изга ытиб кенг тар=алган, биро= адабиётшуносликда то щануз етарли ырганилмаган ижодкорларнинг щаёти ва ижодини тад=и= этиш адабиётимиз тарихи сащифаларини тылдиради.

Шу даврда яшаган ижодкорлар ижтимоий щаётда фаол =атнашиб, лирик щамда ижтимоий долзарб мавзуларда асарлар яратиб давр адабиётига мущим щисса =ышдилар. Бу давр адабий щаётида ижодкорларнинг фаоллашуви, бадиий тафаккурдаги янгиликлар, адабиётда янги мавзу ва \ояларнинг юзага келиши кузатилади. Ижодкорлар ытмиш адабиётимиз анъаналарини давом эттирибгина =олмай, ыз даврининг мущим масалаларини щам акс эттиришга интилдилар. Лирик =ащрамоннинг реаллашуви, щажвий-тан=идий рущнинг устуворлиги шу даврдаги хал=чил ва реалистик шеъриятнинг асосий хусусиятларидан щисобланади. «Бир хил ёки бир-бирига я=ин \оявий-эстетик позициядаги ижодкорларнинг ызаро ижодий ва дыстона щамкорлиги кучайди. Ил\ор фикрли шоирларнинг маълум даражада уюшуви эса давр адабий щаётида чу=ур из =олдирган катта во=еалардан бири былди»[2]. Шу даврда яшаган шоирлардан бири Усмонхыжа эшон Искандархыжа ы\ли Зорийдир. Шоир Зорийнинг ыз даврида машщур былиб, куйга солиниб ижро этилган лирик шеърлари щамда панд-насищат, диний-тасаввуфий, диний-ахло=ий, сиёсий-ижтимоий мавзулардаги \азал, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслари бадиий-эстетик ва ижтимоий =имматга эга адабий меросдир. Зорий асарларида =ыйилган масалалар ва илгари сурилган \оялар шоирнинг бадиий-\оявий олами, дунё=арашини ырганишда мущим былса, иккинчидан унинг ижоди ыша давр ижтимоий тафаккури, этик-эстетик меъёрларини англашда щам =имматли манбадир.

Мазкур илмий ишда Зорий щаёти ва ижодини махсус тад=и= =илиб, биринчи манбалар асосида асарларини тыплаб илмий тизимга солишга, шоир бадиий тафаккур оламини тащлил этишга имкон даражасида уриндик. Усмонхыжа Зорийнинг щаёти ва ижодий мероси илк маротаба махсус ырганилиб, асарларининг илмий истифодага киритилаётгани тад=и=отнинг долзарблигини белгилайди.

**МАВЗУНИНГ ЫРГАНИЛИШИ.** XIX аср II ярми ва XX аср бошларида +ы=он адабий мущитида фаолият кырсатган ижодкорлар ща=ида ва шу билан бо\ли= масалалар юзасидан адабиётшуносликда талай ишлар =илинган.

Академик А.+аюмовнинг «+ы=он адабий мущити» номли илмий асари XIX аср I ярмидаги адабий щаёт ва шу даврда яшаган ижодкорларнинг щаёти ва адабий фаолияти ща=ида чу=ур, изчил маълумотлар беради[3]. Муаллифнинг «Шеърият жилолари» монографик тад=и=оти Фур=ат ижодини мавзу жищатидан ырганишда мущим манбадир[4]. Профессор /.Каримовнинг «Ызбек

---

[1] Ращматова Д. Му=имий издошлари: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Т., 1967; Щоли=ов Р. Мирзо Хайрулло Щы=андий: Филол. фанлари номзоди... дисс.- Т., 1977.

[2] Ызбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж.5.-Т., 1980.-Б.13.

[3] +аюмов А. +ы=он адабий мущити. - Т.: Фан, 1961.

[1] +аюмов А. Шеърият жилолари. -Т.: Ы=итувчи, 1997.

демократ шоири Му=имий ва унинг даври адабиёти» докторлик диссертацияси илмий =иммати мущим йирик ишлардан биридир[1]. Адабиётшунос олимнинг Му=имий ижодига оид бош=а тад=и=отлари щам шулар жумласидандир[2]. Академик И.Мыминовнинг XIX аср II ярмидаги Туркистон хал=лари ижтимоий-сиёсий щаётига оид асари щам эътиборга моликдир[3]. XIX аср II ярмидаги адабий щаёт ва унда яратилган щажвий асарларнинг илмий тад=и=ига ба\ишланган адабиётшунос А.Абду\афуровнинг «Ызбек демократик адабиётида сатира» монографияси щам давр адабиётини ырганишда мущимдир[4]. Адабиётшуноснинг Фур=ат щаёти ва ижоди юзасидан «Зокиржон Фур=ат» монографик тад=и=отини таъкидлаш щам ыринлидир[5]. Фур=ат ижодининг ырганилиши борасида адабиётшунос Ш.Юсуповнинг «Фур=ат йылларида», «Худоёрхон ва Фур=ат» тад=и=отлари алощида ащамиятлидир[6]. Шу давр адабиётининг турли масалаларини ызида =амраб олган илмий асарлардан А.Жалоловнинг «XIX аср охири – XX аср бошларидаги ызбек адабиёти»ни щам таъкидлаб ытиш жоиз[7]. Шоир Зав=ий асарларини ырганиш[9], нашр этиш ва тад=и=от яратишда эса Щ.Раззо=ов самарали ишларни амалга оширди.

Давр адабиёти масалаларини тад=и= этишда адабиётшунос олимлар Л.+аюмов, Б.+осимов, У.Долимов, Р.Тожибоев, Ф.Хусаинова, А.Халилбеков, В.Мыминовалар бир =атор илмий тад=и=отларни яратдилар[8].

Мазкур ишларнинг айримларида давр адабий мущитининг и=тидорли намояндалари =аторида Зорий номи =айд этилган.

---

[2]Каримов /. Ызбек демократ шоири Му=имий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс. К.1-2. - Т.: 1961.

[3] Каримов /. Хал=, тарих, адабиёт. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

[4] Мыминов И. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.

[5] Абду\афуров А. Ызбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.

[6] Абду\афуров А. Зокиржон Фур=ат.-Т.: Фан,1977.

[7] Юсупов Ш. Фур=ат йылларида.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1984; Шу муаллиф: Худоёрхон ва Фур=ат.-Т.: Шар=, 1995; Шу муаллиф: Хуфия =атламлар.-Т.:Маънавият, 1999.

[8] Жалолов А. XIX аср охири – XX аср бошларидаги ызбек адабиёти.-Т.,1991.

[9] Раззо=ов Щ. Зав=ийнинг щаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т.: 1953; Шу муаллиф: Зав=ий сатираси// Шар= юлдузи. -1955.- №6.-Б.165-170; Шу муаллиф; Зав=ий: щаёти ва ижоди. - Т.: Узфанакаднашр, 1955.

+аюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1-2.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1981; +осимов Б. Излай-излай топганим.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Шу муаллиф: Маслакдошлар.-Т.: Шар=, 1994; Шу муаллиф: XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий щодисалар. Китобда: Жадидчилик: ислощот, янгиланиш, муста=иллик ва тара==иёт учун кураш.-Т.: Университет, 1999; Долимов У. Исщо=хон Ибрат. - Т.: Шар=, 1994; Тожибоев Р. XX аср бошлари Ызбек адабий тан=иди тарихидан: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф.- Т., 1993; Щусаинова Ф. Демократ шоира Анбар отин: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т., 1966; Халилбеков А Нодим Намангонийнинг щаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди...дисс.- Т., 1967; Мыминова В. Ызбек адабиётида лирика: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Т., 1979;

Усмонхыжа Зорийнинг асарлари шоир щаётлик чо\ларида нашр =илинган. Унинг Худоёрхон ща=идаги мухаммаси 1887 йилда Н.П.Остроумов томонидан «Записки Восточного отделение императорского русского археологического общества»нинг 2-жилди 3-чи=ишида =ис=а сыз боши билан нашр этилади. +ыши= =илиб ижро этилган бу мухаммасни щофизлардан эшитгани асосида ёзиб олгани сабабли былса керак, ношир Н.П.Остроумов сынгги банди тушиб =олган мазкур мухаммаснинг муаллифини номаълум деб щисоблаган[1]. Адабиётшунос Р.Тожибоевнинг ани=лашига кыра мухаммас давр адабиётида тузилган баёзларнинг биридан ырин олган былиб, сынгги бандда Зорий тахаллуси =ылланган[2]. Пылатжон +аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асри Зорий ща=ида маълумот берувчи асосий энг мущим манбадир[3]. «Туркистон вилоятининг газети» 1909 йил, 19 июнь сонида эълон =илинган щажвий мухаммасни =ис=а сыз боши мазмунига кыра «санди=соз уста Усмонхыжа» ёзган[4]. Шоир Собир Абдулла адабиётшуносликда биринчи былиб Усмонхыжа Зорий ща=ида илк маълумотлар ва унинг ижодидан айрим намуналар беради[5]. А.Абду\афуров шу ма=ола ва Собир Абдулла =ылидаги бош=а маълумотлар асосида Зорий щаёти ва ижодига оид айрим тавсиф бащоларни беради ва еттита шеърни – икки \азал, тырт мухаммас ва бир мусаддасни «Ызбек адабиёти» мажмуасида эълон =илади[6]. «Ызбек совет энциклопедияси»да щам шоир Зорий ща=ида =ис=а =айдларни учратиш мумкин[7]. Адабиётшунос А.Мадаминов «Зорий асарлари тыплами» деб номланган ма=оласида шоир щаётига оид тафсилотларни ани=лаштиради ва унинг дастхат баёзи топилгани ща=ида хабар беради. Яна бир ма=оласида муаллиф Зорий щаёти ва ижоди хусусида кенгро= тыхталиб, аввал чоп этилмаган уч шеърни нашр эттиради[8]. Адабиётшунослар М.Худой=улов ва Ш.Юсуповлар щам Зорий ижоди быйича айрим мулощазаларни билдирганлар[9]. Айтиш мумкинки, Усмонхыжа Зорий давр адабий щаётида кызга кыринган ижодкор сифатида ытган асрнинг ырталаридаё= бир =атор мутахассислар томонидан тан олинган ва меросидан айрим намуналар нашр =илинган былса-да, то шу кунга =адар шоир таржимаи щоли ва ижодий фаолияти махсус тад=и= =илинмаган, мероси тыпланиб тартибга солиниб, асарларининг \оявий-бадиий мундарижаси ща=ида яхлит тад=и=от яратилмаган. Мазкур иш худди шу вазифани бажаришга =аратилган.

Усмонхыжа Зорийнинг щаёти ва ижоди илк марта бирламчи манбалар асосида чу=ур ва изчил тад=и= =илинди. Хусусан, шоир таржимаи щоли ва меросига оид маълумотлар жамланди, =иёсланди, сараланди. Шоир асарлари мавжуд булган манбалар ани=ланди, уларга тавсиф

---

[1] Остроумов Н. Песня о Худаярхане// Записки восточного отделение императорского русского археологического общества.Т.2.-Санкт-Петербург. 1888.-С.189-193.(Кейинги ыринларда «Записки» деб юритилади.)

[2] Тожибоев Р. Шуаро назмида Худоёрхон та=дири // Ызбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 22 апр.

[3] +аюмов П. Тазкираи +аюмий.(3 =исмдан иборат)-Т.: +ылёзмалар институти, 1998.

[4] Туркистон вилоятининг газети. 1909, 19 июнь. (Кейинги ыринларда «ТВГ» =ис=артмасидан фойдаланамиз.)

[5] Абдулла С. Шоир Зорий // Шар= юлдузи.-1956.-№ 10.-Б. 99-101.

[6] Ызбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4. К.1. -Т.:Давлат бадиий адабиёт, 1960.-Б.373-374.

[7] Зорий Усмонхыжа // Ызбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик. Ж.4. –Т., 1973.- Б.500.

[3] Мадаминов А. Зорий асарлари тыплами// Мещнат байро\и. - 1973. - 8 сент.; Шу муаллиф: Зорий \азали //Мещнат байро\и.- 1973-23 ноябрь; Шу муаллиф: Мавлоно Мущйи ва Зорий ижоди хусусида //Адабиёт кызгуси. 2000.-№ 6. - Б. 76-86.

[4] Худой=улов М. Ызбек щажвий публицистикаси: шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари.-Т.: Университет, 1995.-Б.76-77; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фур=ат. - Т.: Шар=, 1995.-Б.38-46.

берилди ва илмий тизимга солинди. Таянч манбаларга асосан шоир асарларининг =иёсий матни тузилди.

Зорий асарларининг щажм кылами ва мавзу доираси белгиланди, жанр хусусиятлари ани=ланди ва давр =алам ащли билан ызаро ижодий муносабатлари ырганилди, бадиий мащорат масалалари текширилди. Шоир Зорийнинг ижтимоий ва адабий щаётдаги ижодий фаолияти тащлили ор=али унинг ызбек адабиёти тарихидаги ырнини белгилашга щаракат =илдик.

Ызбек адабиёти тарихида кам ырганилган ва махсус тад=и=от объекти былмаган шоир Усмонхыжа Зорий щаёти ва ижодини тад=и= этиш, шоир асарлари ырин олган =ылёзма манбаларни текшириш щамда асарларини тартиблаштириш, умумеросини ани=лаш, \оявий-бадиий оламини идрок этиш, давр адабий щаётида унинг ижодкор сифатида тутган ырнини белгилаш асосий ма=саддир. Ушбу ма=саднинг юзага чи=ишида =уйидаги вазифаларнинг бажарилиши та=озо этилади:

- Усмонхыжа Зорий щаёти ва адабий фаолияти, адабий асарларининг ырганилиш тарихини тизимли ёритиш;
- шоир асарлари мавжуд =ылёзма манбаларни ани=лаш ва илмий тавсифини бериш;
- ижодий мероси кыламини =айд этиш, мавзу доираси ва жанр хусусиятларини ани=лаш;
- ызбек шеъриятидаги хал=чил йыналишнинг кучайишида Зорий ижодий фаолиятининг ащамиятини кырсатиш;
- XIX аср II ярми ызбек шеъриятида ижтимоий-сиёсий мавзу йыналишидаги шеърий туркумнинг пайдо былишида Зорийнинг ырнини белгилаш;
- Мавжуд =ылёзма манбалар быйича Зорий асарларининг =иёсий матнини тузиб биринчи марта илмий истифодага киритиш, нашрга тайёрлаш;

Ушбу иш XIX аср II ярми ва XX аср бошларидаги ызбек адабиётининг кенг кылами, щал=чил мощияти, даврнинг долзарб щаётий муаммоларини бадиий тащлил этишда эришган юту=лари ща=идаги мавжуд назарий фикрларни янада кенгайтиради. Му=имий, Мущйи, Фур=ат, Зав=ийлар =аторида ва улар билан щамкор, щамфикр былиб =алам тебратган истеъдодлар ща=идаги тасаввурни бойитади. Назарий умумлашма хулосалардан ызбек адабиёти тарихини ёритишда ва =айта яратишда фойдаланиш мумкин. Тад=и=отнинг амалий ащамияти =уйидагиларда ыз аксини топади:

- ызбек адабиёти тарихидан янги нашрлар тайёрлашда;
- Зорий щаёти ва ижоди ща=ида монографиялар ёзишда;
- шоир яшаган даврни ва давр шоирлари ыртасидаги ижодий муносабатларни ырганишда;
- шоир асарларини нашрга тайёрлашда;
- олий ы=ув юртларида семинар ва махсус курслар ытказишда.

Ишни яратишда +ы=он шащри /афур /улом номидаги вилоят адабиёт музейи ва ЫзРФА Шар=шунослик институти жам\армаларидаги щамда адабиётшунос А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги Зорий асарларининг =ылёзмалари тад=и=от объекти =илиб олинди*. Бундан таш=ари шоирнинг турли баёзларга кирган ва аср бошларида матбуотда эълон этилган асарлари тад=и=от манбаи сифатида ырганилди*.

# I БОБ. УСМОНХЫЖА ЗОРИЙ ЩАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ

## 1-фасл. УСМОНХЫЖА ЗОРИЙ ЩАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЫРГАНИЛИШ ТАРИХИ

---

* Зорий асарлари билан танишиш имконини бергани учун филология фанлари номзоди А.Мадаминовга тад=и=отчи чу=ур миннатдорчилик билдиради.

* Мазкур мисралар муаллифининг «Усмонхыжа Зорий щаёти ва ижоди» мавзусидаги номзодлик диссертацияси 2003 йилда щимоя =илинган. (Д.Абдуллаева. «Усмонхыжа Зорий щаёти ва ижоди» Филол.фан.ном...дисс.-Т., 2003.-Б.143.)

XIX аср II ярмида Туркистон хал=лари чоризм истибдоди остида эди. Ылканинг босиб олиниши щамда уни парчаланган щолда бош=ариш, бу ердаги турли миллатларнинг бирлашишига йыл =ыймаслик, миллий маориф ва маданиятнинг ривожланишига тыс=инлик =илиш чоризмнинг улу\ давлатчиликка асосланган сиёсати эди[1]. Туркистон ылкасида юз берган ижтимоий-сиёсий во=еалар, ижтимоий онг ва и=тисодий щаётдаги жиддий ызгаришлар жамиятнинг барча сощаларига таъсир =илганидай, тарих ва адбиётда щам,бадиий тафаккурда щам ыз ифодасини топди. Давр ижодкорлари асарларида маърифатни тар\иб =илиш, билимли былишга ундаш, жамиятдаги янгиликлардан хабардор былишга ча=ириш, миллий уй\ониш \оялари тобора марказий ырин эгаллай бошлади.

XIX аср II ярмида +ы=он шащри маърифатпарварлик щаракатининг энг ривожланган марказларидан бири эди. Бу щаракат бошида Му=имий, Фур=ат, Зав=ий, Ибрат, кейинчалик, Щамза, Мирзо Щы=андий, Сыфизода турдилар. Шунингдек, бу даврага Зорий, Ёрий, +орий, Писандий, /урбат, Рожий, Мунтазир, Шав=ий, Нодим кабилар уюшдилар. Улар «жамият ва реал щаёт та=озо =илган турли мавзуларга мурожаат =илган былсалар-да, асосан уларни бир мав=е - хал= оммаси мафкураси, бир \оявий йыналиш, умумий дунё=араш бирлаштириб туради»[2]. Ушбу адабий щаракатчиликнинг кызга кыринган вакилларидан бири шоир Зорийнинг давр щаётидаги ижтимоий ва адабий фаолияти эътиборга моликдир.

Зорий тахаллуси билан ижод =илган шоирнинг асл исми Усмонхыжа эшон Искандархыжа былиб, у 1834-1910 йилларда +ы=онда яшади. Шоир иш=ий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий мавзуда асарлар ёзиб, хал= эътиборига тушди. Зорий асарларининг ыша даврда бир =анча баёзларга киритилиши, ва=тли матбуотда чоп этилиши щамда замондош шоирларнинг унинг асарларига мухаммаслар битиши шоирнинг давр адабий щаётида мущим ырин тутганидан далолат беради. Биро=, шуларга =арамай, адабиётшунослигимизда Зорий щаёти ва ижоди фа=ат айрим маълумот ва фикр-мулощазалар кичик ма=ола – ахборот шаклида мавжуд эди.

Зорий ща=идаги =ис=а маълумотларда унинг таржимаи щолига оид материаллар кам эканлиги, асарлари тыпланмаганлиги =айд этилади. Хусусан, адабиётшунослар Щ.Раззо=ов ва К.Йылдошев =уйидаги фикрларни билдирган эдилар: «Манбаларнинг кырсатиши ча, Му=имий, Фур=ат етакчилигида шаклланиб, ривожлана борган демократик адабиётнинг вакиллари кыпчиликни ташкил этади. Ана шундай шоирлардан =ы=онлик Писандий, Зорий, /арибий, Мущаййир... ва бош=аларни кырсатиш мумкин. Номлари кырсатилган шоирлардан кыпчилигининг щаёти ва ижоди щозиргача чу=урро= текширилмаган ва асарлари оммалаштирилмаган.»[3]

Зорий щаёти ва ижоди ща=ида кенгро= маълумот берувчи энг мущим манба П.+аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асари эканини таъкидлаган эдик[4]. Бу асарнинг нашр этилиши (1998) хайрли ишлардан былди. Мазкур асар Зорий щаётига оид =изи=арли маълумот ва тафсилотларни беради. Тазкирадаги шоирнинг шахсий щаёти, инсоний фазилатлари, табиати, таш=и =иёфаси ща=идаги тавсифлар Зорий ща=идаги тасаввурларимизни анча кенгайтиради. Унда шоирнинг щаёт йыли

---

[1] Зиёев Щ. Туркистонда Россия тажовузи ва щукмронлигига =арши кураш. - Т.: Шар=, 1998.- Б.361.
[2] Ызбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж.5.-Т., 1980.-Б.38.
[3] Раззо=ов Щ. Йылдошев К. Маданиятимиз тарихидан // Ызбекистон маданияти. 1957.-№47.

[1]Бу асарнинг асл =ылёзма нусхаси иккита былиб, биринчиси муаллиф дастхати, П.+аюмов томонидан 1960 йилда ёзилган. Эски ызбек ёзувида. +ылёзма адабиётшуноснинг ы\ли академик А.+аюмов шахсий кутубхонасида са=ланади. Щажми 631 бет, олти дафтардан иборат. Иккинчи нусхаси А.+аюмов томонидан щозирги ёзувда кычириб чи=илган. 778 бетдан иборат былиб, соби= +ылёзмалар институти жам\армасида инв.№443да са=ланади. Тазкирада турли даврларда яшаган 324 шоирнинг щаёти ва ижоди ща=ида =имматли маълумотлар берилган. Асар 1998 йилда Тошкентда 3 жилд шаклда А.+аюмов томонидан нашр =илинди.
[2] Каримов /. Му=имий ва унинг даври адабиёти: Филология фанлари д-ри... дисс.-Т., 1961.-Б.561.

тадрижий равишда берилади. Хусусан, Зорий щаёти ща=идаги ани= фактлар шоир биографиясининг мущим ну=таларини ани=лашда =имматлидир.

Адабиётшуносликда Зорийнинг ту\илган ва вафот этган саналари ты\рисида турли мулощазалар мавжуд эди. Адабиётшунос /.Каримовнинг «Ызбек демократ шоири Му=имий ва унинг даври адабиёти» номли докторлик диссертациясида Му=имий замондош- лари, хусусан, Зорий ща=ида =уйидаги =айдлар бор: «Му=имий замондошларидан. Асли исми Усмонхыжа, отасининг исми Искан дархыжа. +ы=онлик, санди=созлик касби билан шу\улланган. Зорий 1839 йилда ту\илиб, узо= умр кыриб, 1915 йилда вафот этган.»[1] Ушбу саналар адабиётшунос Бегали +осимовнинг «ХХ аср бошида жадид адабиёти ва тарихий щодисалар» номли ма=оласида =уйидагича келтирилади: «Асримизнинг дастлабки йигирма йилида шаклланган янги шеърият анъанавий диний-тасаввуфий шеърияти билан ёнма-ён яшади. Мирмащмуд +орий (1834-1904), Юсуф Сарёмий (1840-1912), Усмонхыжа Зорий (1839-1916), Щусайн=ул Мущсиний (1860-1917), айни=са Зиёвуддин Щазиний (1861-1921) бу йылда самарали ижод этдилар.»[2]

Зорийнинг щаёти ва вафоти саналарини ани=лашга адабиётшунослардан А.Мадаминов щам уринади. Жумладан, «Зорий асарлари тыплами» ма=оласида шоирнинг 1915 йилда щаёт былгани тахмин =илинади[3]. Ма=олада муаллиф томонидан топилган баёзда 1915 йил 18 декабрь санаси =айд этилгани учун былса керак, шоир шу йилда щаёт былган, дейилган. Лекин бизнинг ани=лашимизга кыра бу сана кейинчалик баёзнинг сощиби былган шоир Собитхон Тыра=ыр\оний томонидан ёзилган былиб, Зорий бундан илгариро=, яъни 1910 йилда вафот этган.

Шоир Зорийнинг таваллуди ва вафоти саналарини ани=лашда биз икки манбага асосландик. Пылатжон +аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асарида Зорийнинг 1910 йилда 76 ёшда вафот этгани ща=ида сыз юритилади. Иккинчи манба +ы=он адабиёт музейи жам\армасидаги инв.№ 27 былган =ылёзманинг 16-сащифасида Зорийнинг 1328 йил рамазон ойининг 15-си душанба куни щижрат =илгани ща=ида котибнинг изощи бор. Котиб шоирни: «У дунёга кетди» маъносида, яъни «щижрат =илди» ибораси билан унинг вафотини =айд этган. Бу сана эса «Тазкираи +аюмий»да таъкидланган милодий щисобда 1910 йилга мувофи= келади. Шунга кыра, Зорий 1834 йилда ту\илган деган хулосага келдик. Шу муносабат билан =айд этиш ыринлики, адабиётшунос Фатщиддин Исщо=ов:

Икки ыттиз, икки беш ёшим менинг,
Не кунларни кырмади бошим менинг,-

байтнинг Зорий =аламига мансублиги ща=ида кекса шеърият мухлисларидан эшитганини сызлаган эди. Демак, ю=оридаги мисраларга кыра щам Зорий етмиш ёшда щаёт эканлиги маълум былади.

ХХ асрнинг 50-60 йилларида Зорий ижодига =изи=иш ортди.

Шу йилларда +ы=он адабиётининг билимдонларидан Собир Абдулла Зорий ща=ида илк маълумотларни илмий жамоатчиликка та=дим этди. «Шоир Зорий» ма=оласида муаллиф унинг «ыз шеърларидек шых, хушсущбат, о=кынгил одам былгани»ни, лирик шеърлари ыз даврида машщур ва адабиёт мухлисларига манзур былганлигини алощида таъкидлайди[4]. Собир Абдулла Зорий щаётига ва шахсий сифатларига оид баъзи во=еаларни щам келтиради. Жумладан, шоир кимсасиз етим былган Турсун=улни тарбиялагани, бошини силаб, унга ыз =изини турмушга бергани ща=идаги маълумотлар йигитнинг тилидан берилади. Айни замонда, ма=олада шоир щаёт йыли ва ижодий, ижтимоий фаолияти ща=ида маълумотлар кам, щатто унинг ту\илган ва

---

[2]+осимов Б. Жадид адабиёти ва тарихий щодисалар. Китобда: Жадидчилик: ислощот, янгиланиш, муста=иллик ва тара==иёт учун кураш.-Т.,1999.-Б.116.
[2] Мадаминов А. Зорий асарлари тыплами // Мещнат байро\и. - 1973. - 8 сент.

[4] Абдулла С. Шоир Зорий // Шар= юлдузи. 1956.-№ 10.-Б.100.

вафот этган йиллари кырсатилмаган. Фа=ат Чархи девона мащалласида ту\илгани =айд этилади, холос. А.Абду\афуров щам «унинг биографиясига оид маълумотга эга эмасмиз», деб ёзади[1].

Пылатжон +аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асарида булардан фар=ли равишда Зорий +ы=он шащрининг Сармозор дащаси Рустамбек щалакижон мащалласи Искандархыжа хонадонида ту\илган, деган маълумот мавжуд[2].

Адабиётшунос С.Абдулла, бизнингча, Зорий щаётининг кейинги даврлари ща=идаги маълумотга таяниб, уни Чархи девона мащалласида ту\илган, деган.

«Тазкираи +аюмий»да Зорийнинг оилавий мущити, касб-кори, табиати, ижоди ты\рисида кыплаб маълумотлар берилади. Зорийнинг отаси ща=идаги маълумот фа=атгина тазкирада мавжуд. Унинг отаси Искандархыжа ё\очсоз уста былиб масжид-мадраса, мещмонхоналарга на=шинкор дарвозалар ясаган. Му=имий щужраси жойлашган Сощибзода щазрат мадрасасининг дарвозаси унинг томонидан ишланган. «Искандар нажжор» номи ыйиб ёзилган дарвоза щозир щам бор. Орадан ытган йиллар, =ор-ём\ирлар ыз таъсирини ытказган былса-да, дарвозанинг тепа =исмидаги бу ёзув са=ланган.

Адабиётшунос А.Мадаминовнинг 1973 йилда эълон =илин ган «Зорий асарлари тыплами» ма=оласи шоир ща=идаги маълумотларни бирмунча тылдиради. Шоирнинг асл исми ва тахаллуси ща=ида =уйидаги \азал ма=тасига таяниб хулоса чи=арилади:

Дуо умид этиб бу ерда арзимни =илиб эълон,
Дари\ этманг дуо Зорий тахаллус хожа Усмондин.

Зорий щаёти ва фаолиятига оид ани= далил ва саналар келтирилмаган былса-да, адабиётшунос А.Мадаминов шоирнинг бир мухаммаси мазмунига асосланиб, былажак шоирнинг онадан эрта етим =олгани, отаси ва бобоси =ылида тарбиялангани, щаёти =ийинчиликда ытганини ани=лайди.

Шоирнинг онаси ща=ида тазкирада маълумотлар йы=. Бу ща=да Зорийнинг щасби щол мисраларидан ю=оридаги каби мулощазаларга келиш мумкин. Тазкирадаги мущим маълумотлардан бири Зорийнинг Норбытахон мадрасасида таълим олгани ща=идадир. Зорий мащаллада илк саводини чи=аргач, отаси унинг мадрасада ы=ишини =ыллаб-=увватлайди. Был\уси шоир бу ерда бир =атор дунёвий ва диний билимларни эгаллайди. +ы=ондаги адабий йи\ин ва мушоираларда щам иштирок этади. Ижтимоий-и=тисодий =ийинчилик даврида яшаган шоир даврнинг бош=а ижодкорлари сингари тирикчилик важидан бош=а касб билан шу\улланишига ты\ри келади. У ота касбини тутиб, санди=созлик ор=асидан кун кырганлиги щам тазкирада таъкидланади. Зорий табиатан жуда нозиктаъб былган. Унинг феъл-атвори, кыринишига =уйидагича тавсиф берилган: «Тыла =оматли, узун со=олли, содда кийимли, ырта щол, о= юзли, шоирлик ярашиб тушган, фозил, хуштабиат киши былган щолда таъби нозик, исти\ноли киши эди. ...Арзимаган хато ты\рисида кынгли =олар экан.»

Тазкирада шоирнинг уч мухаммасидан айрим бандлар, икки \азалидан сынгги – тахаллус =ылланган байтлар намуна сифатида келтирилган.

---

[1] Ызбек адабиёти. Мажмуа. –Т., 1960.-Б.373.

[2] +аюмов П. Тазкираи +аюмий. 2-=исм.-Т., 1998.-Б.315. (Бизнинг изланишларимиз шуни кырсатдики, +ы=онда Сармозор номли катта =абристон бор. Шу жойга я=ин щозирги янги Чорсу мащалласида «щалакижон» номи са=ланган. Щалакижон деб номланишининг сабаби шундаки, =адимда мащалланинг икки томони - О=тепасой ва +иялисойдан бу ерларга сув тошиб, уйларга сув тошиб, уйларга талофот етган. Тош=ин шиддатли былиб, болаларни, одамларни о=изган. Айтишларича, бешиклардаги ча=ало=лар щам о==ан, уларни =ут=ариб =олишга улгурмаганлар. Бундай фалокатли тош=инлар тез-тез =айтарилиб, ащоли доимо саросимада яшагани сабабли «жон» щалакда маъносида «щалакижон» иборасини =ыллаш одатга кирган. Щозирги кунда бу жойлар Мулкобод деб номланиб, мащаллада масжид, чойхона ва бош=а жамоа йи\иладиган гузаргощлар бор. Кексаларнинг айтишларича, «Тазкираи +аюмий»да зикр этилган Рустамбек бирор бой ёки амалдор былган былиши керак.)

Зорийнинг айрим шеърларида бир ерда =ыним топмай, у жойдан бу жойга кычиб =ынимсиз яшаганига баъзи ишоралар бор. Айтиш мумкинки, бу сарсонгарчиликлар, бир томондан, ю=орида зикр этилгани каби табиий офатлар туфайли былса, иккинчи томондан ижтимоий-и=тисодий сабаблари щам бор, деб ыйлаймиз.

Собир Абдулла ма=оласида шоирнинг =изи вафот этгач, унга ичкуёв былган Турсун=ул Шодиевнинг (1955 йилда Тошкентда вафот этган) кекса шоирни ёл\из =олдириб бу хонадонни тарк этганлиги баён этилади. Хусусан, кексалик йилларида оилавий осудалик, хотиржамликка, мещрга мущтож былган Зорий кып мусибатлар ва маша==атлар кыради. Щаётининг кексалик чо\ларида Каъбага боришни орзу =илади, лекин бу истаги амалга ошмай, 1910 йилда +ы=онда вафот этади. Шахсий турмушдаги ва ижтимоий щаётдаги зиддиятлар шоир =албини изтиробга солган. Шу сабабдан у Зорий тахаллусини =ыллаган десак хато былмайди. Унинг =абри Сармозорда деб тахмин =илиш мумкин*.

Шоирнинг авлодлари ща=ида тазкирада баъзи =айдлар бор. Собир Абдулла таъкидлаган Зорийнинг =изларидан икки набиралари былиб, Боисхон ва Боситхон +одировлар илмли кишилардан былган эканлар. Боситхон +одиров Абдулла +одирий билан я=ин муносабатда былиб, ёзувчи «Мещробдан чаён» романини ёзиш учун +ы=онга келганда Худоёрхоннинг ыша даврда ты=сон ёшда былган хотини Розия ойим билан учрашувни ташкил =илади. Бунинг учун Абдулла +одирий минатдор былиб щаволада =уйидагиларни келтиради: «Мущтарама Розия ойимга ва икки орада воситачи былиб, устимга миннат =ыйган =ы=онлик дыстим Босит +одирийга ташаккур ва ращматлар айтишга бурчлиман»[1].

Шуни =айд этиш ыринлики, Зорийнинг набираси хон саройига дахлдор кишилар билан бо\лана оладиган имконга эга былган. Хусусан, Зорийнинг Худоёрхон саройи, та=дири ва бош=алар ща=идаги асарлари шоирнинг сарой билан ало=ада былганига ишора этади.

Шоир Зорий щаёти ва ижоди билан шу\улланган адабиётшунослар унинг асарлари жанрлари, мавзуси, бадиияти ща=ида щам эътиборга молик фикрлар билдирганлар. Собир Абдулла бу ща=да: «Усмонхыжа Зорийнинг =имматбащо асарлари нашр =илинмаган былса щам, +ы=оннинг заршунос кексаларида са=ланиб, щамон =ылдан =ылга ытиб севиб ы=илади. Бизда мавжуд асарлар щам ана шу заршунослар =ылида са=ланиб келинган Зорийнинг асарларининг бир =исмидир»,- деб ёзади. Ма=оладан сынг Зорийнинг икки \азал, беш мухаммас, бир мусаддаси илова =илинган.

Ма=олада шоирнинг асарлари мавзуси ща=ида гап борганда, унинг турли лирик жанрларда =алам тебратгани, =атор лирик шеърлари ыз оригиналлиги, равон ва ихчамлиги, тили соддалиги, ижоди оташнафаслиги таъкидланади. С.Абдулла бу ыринда Зорийнинг щажвиётда Му=имий ва Зав=ийлар изидан борганлигини айтиб ытади. Унинг Мусича махзум мухаммасига алощида тыхталади.

Адабиётшунос А.Мадаминов Зорий ижоди ща=ида фикр юритиб, аввало, С.Абдулланинг «Мавлоно Му=имий» асарида Зорий ща=ида =айдлар учрашини ва унда шоирнинг «Мусича махзум» щажвиясидан парча келтирилганини изощлайди.

Айтилганидек, 1960 йилда чоп этилган «Ызбек адабиёти» мажмуасига мазкур маълумотлар ва Собир Абдулла ихтиёридаги бош=а манбалар асосида А.Абду\афуров Зорий ща=ида =ис=а маълумот ва шоир асарларидан \азал, мухаммас, мусаддас жанрларида ёзилган еттита намуна киритади. «Му=имий, Зав=ийлар билан я=индан дыстлашган Зорий... гызал лирик \азал, мухаммаслар билан бир =аторда, сатирик характердаги бирмунча асарлар яратган»лиги таъкидланади[2].

---

* +ы=оннинг катта ва кыщна =абристони былган Сармозорда 1910 йилгача былган ва ыша йиллар атрофида =ыйилган =абрлар чыкиб кетган, уларга ырнатилган =абртошлар щам учрамайдт.

[1] +одирий А. Ытган кунлар. Мещробдан чаён.-Т., 1994.-Б.492.

[2] Ызбек адабиёти. Мажмуа. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.373.

Адабиётшунос /.Каримов Усмонхыжа Зорийнинг давр адабиётида кыринарли ырин тутган истеъдодли ижодкор эканини эса =уйидагича келтиради: «Бу давр адабиётида «Найлайин» радифи билан шу тахлитдаги шеърлар ёзиш кенг тар=алган. Унинг намуналари кып былиб

Ёр сенсиз найлайин, дилдор, сенсиз найлайин,

Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайин,-

байти щар бандда на=орат ырнида такрорланувчи унинг мусаддас формасидаги чиройли бир намунаси шоир Зорийда учрайди. Зорий +ы=ондан былиб Му=имий даври адабиётига мансуб былган талантли шоирлардандир.»[1] Дарща=и=ат, ю=орида тилга олинган мусаддас хал= орасида кенг тар=алган былиб, Собир Абдулла щам ыз ма=оласида бу фикрни таъкидлаб мазкур мусаддас я=ин даврларгача щофизлар ижросида куйланганини эътироф этади.

Адабиётшунос /.Каримов Зорийнинг ижоди тыхталиб =уйидаги ларни =айд этади: «У (Зорий-Д.А.) демократик адабиёт рущида поэзиянинг кичик формасида ижод этгани маълум. Унинг лирик шеърларидан таш=ари Му=имий щажвий мухаммасига эргашиб ёзган сатирик асарлари щам бор». /.Каримов Му=имийнинг «Щажви Бектур», «Лахтин щажви» каби асарлари ты\рисида Зорийнинг шу щажвларига жавобан мухаммас ёзгани ва у ын икки банддан иборат эканлиги, саккиз бандлик бир вариантини С.Абдулла шоирнинг лирик шеърлари =аторида «Шар= юлдузи» журналида эълон =илганини таъкидлаб ытади. Зорийнинг щажвий мухаммаси ща=ида адабиётшуноснинг =уйидаги фикрлари ащамиятлидир: «Зорий сатираси щам ызининг \оявий хусусиятлари жищатидан Му=имий сатираси изидан борган. Фа=ат унда услуб яна эркин ва сарбастдир». Ын икки банд деб щисобланган мухаммас =ылёзма манбаларда аслида ын уч банддир. Адабиётшунос ундан беш бандини мисол =илиб келтиради. Му=имий ижодига оид бош=а асарларида щам /.Каримов +ы=ондаги адабий мушоира вакиллари билан бир =аторда Зорий щажвий шеърлар ёзиб, бу сощада щам яхши намуналар яратганлигини айтиб ытади.

А.Мадаминов Зорий баёзи ща=ида сыз юритиб, муаллиф унинг 202 сащифадан иборат эканлиги ва унда Зорийнинг 29та асари мавжудлиги ща=ида хабар беради. Адабиётшунос Зорий ижодига тыхталиб, унинг шеърларида мумтоз адабиётимизнинг энг ил\ор анъаналари давом ва тара==ий эттирилгани, шоирнинг ыз =аламини лирик ва щажвий асарлар ёзиб синовдан ытказгани, щажвий асарлар битишда Му=имий, Зав=ий, Писандийлар ижодига эргашгани, замон иллатларини дадил фош =илганлигини таъкидлаб ытади. Ма=ола муаллифи Усмонхыжа Зорийнинг хал=чил, равон услубдаги лирик ва щажвий асарлари билан адабиётга мущим щисса =ышганлигини хулоса =илади.

Усмонхыжа Зорий ща=идаги =ис=а маълумотлар ын тырт жилдлик энциклопедиянинг 4-жилдига киритилган. Унда шоирнинг «XIX аср II ярми ызбек хал=чил адабиёти намоёндаларидан бири эканлиги, Му=имий, Зав=ийлар билан дыстлашиб, улар таъсирида \азал, мухаммаслар щамда щажвий асарлар яратган»лиги =айд этилади[2]. Шоир ща=ида кам сонли материаллар борлиги, асарлари тыпланмаганлиги, бир неча шеърий намуналаргина эълон =илингани баён этилади.

Адабиётшунос Лазиз +аюмов ыз асарида Усмонхыжа Зорийни =уйидагича тилга олиб ытади: «Бу адабиётнинг йигирманчи аср бошларида щам яшаб ижод этган вакилларидан =уйидаги шоирларни кырсатиш мумкин: Фур=ат, Му=имий, Зав=ий, Нисбатий, Нусрат, Мавлавий Йылдош, Мущаййир, Усмонхыжа Искандархыжа ы\ли Зорий (1839-1915)»[3].

Зорий ижодига бугунги кунда щам =изи=иш ортиб бормо=да. Адабиётшунос А.Мадаминов «Адабиёт кызгуси»да босилган «Мавлоно Мущйи ва Зорий ижоди хусусида» ма=оласида матбуотда эълон =илинган аввалги чи=ишларига =ышимча равишда баъзи маълумотларни келтиради. Муаллиф шоир асарлари мавзуси ща=ида =уйидагича фикр билдиради: «Шоир шеърларида хал=чил мотивлар билан биргаликда тарихий во=еликнинг реал тасвирларини щам кырамиз. Бунга унинг ыз даврининг ноёб ёдгорлиги щисобланган Худоёрхон ырдасининг тасвири

---

[1] Каримов /. Му=имий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс.-Т., 1961.-Б.561.
[2] Зорий // Ызбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик. Ж.4.-Т., 1973.-Б.500.
[3] +аюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1.-Т., 1981.-Б.133.

баён этилган мухаммаси, Андижон зилзиласига ба\ишланган «Во=еаи Андижон» шеърларини кырсатишимиз мумкин»[1]. Ма=олада Зорий асарларида комил инсонга хос олижаноб туй\улар, юксак маънавий фазилатлар улу\ланиб, ахло=и замималар (ёмон хул=лар), ярамас одатлар =ораланган»лиги таъкидланади. Шунингдек, Зорий асарларининг бугунги кундаги тарбиявий, маънавий ащамияти кырсатилади. Ма=оладан сынг шоирнинг икки \азал ва бир мухаммаси берилган. Адабиётшунос Р.Тожибоев «Шуаро назмида Худоёрхон та=дири» ма=оласида 1888 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган «Записки»нинг 2-жилди 3-чи=ишида Н.Остроумов нашр эттирган Худоёрхон ща=идаги мухаммаснинг Зорий =аламига мансублигини А.Мадаминов кымагида ани=лайди. Мухаммас Н.Остроумов томонидан «Худоёрхон ща=ида =ыши=» деб номланиб, =уйидаги сызбоши билан чоп этилган: «Бу =ыши= Худоёрхоннинг Фар\онадан кетиши билано= яратилган ва у кыплаб эркагу аёл ашулачилар томонидан куйланади. Мусулмон тингловчиларда у чу=ур таассурот =олдиради, щатто уни эшита туриб йи\лашади. +ыши= муаллифи номаълум. У Сатторхон ёрдамида мен томонимдан таржима =илинди»[2]. Адабиётшунос Р.Тожибоев А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги баёз ва Н. Остроумов нашр этган мухаммас матнларини ызаро солиштириб, улардаги ыхшаш ва тафовут томонларини ани=лайди. Фар= шундаки, «Записки»даги мухаммас матнида Зорий тахаллуси =ылланмаган, яъни мазкур банд нашрдан тушиб =олган былиб, баёздаги мухаммасда мавжуд экан.

/.Каримов Осиё хал=лари былими +ылёзмалар фондида са=ланувчи алощида =о\оздаги мазкур мухаммасга ёзилган Смирнов изощига таяниб, уни мулла Абдураззо= ёзган, деган янглиш фикрга келган. Бундай чалкашлик Худоёрхон ща=идаги «Иккинчи =ыши=» деб номланган Котиб мухаммаси тащлилида щам кызга ташланади. Бу чалкашликни А.Абду\афуров «Зокиржон Фур=ат» монографиясида =айд этиб ытади[3]. Иккинчи мухаммас, /.Каримов ёзганидек, Самойлович эмас, балки Н.Остроумов томонидан нашр =илинади. Мухам мас чоп этилган ва=тда Самойлович етти ёшда былган. «Записки»даги Котиб мухаммасидан сынг Н.Остроумов номи ва «Ташкент. 10 июль, 1891год» санаси =айд этилган. «Записки»да Зорий мухаммасининг сынгги банди берилмагани хусусида адабиётшунос Ш.Юсупов, шоир ыз тахаллусини яшириб =олган, чунки рус мустамлакачиларининг щийла-найранги о=ибатида «домга тушиб гирифтори =афас» былган хоннинг кыргуликларига =ай\уриш «асар муаллифи бошига не-не савдоларни келтириши ыз-ызидан аён эди», деган мулощазани билдиради[4].

Фикримизча, Н.Остроумовнинг ыз сызларига таянадиган былсак, ношир мухаммасни =ыши= шаклида эшитган ва щофизлар ижро этган ва=тда улар о\зидан ёзиб олгани учун тыли= былмаган ва сынгги тахаллусли банд тушиб =олган былиши мумкин. Мухаммас щажми адабиётшунослар томонидан ты==из банд деб белгиланган. Н.Остроумов нашр этган мухаммас матнидаги «Бу фоний дунёда щеч ким менингдек боши =отмайдур» мисраси билан бошланадиган банд биз кырган манбаларнинг (+АМ. Баёз. инв.№Р255. Мухаммаси Худоёрхон сарлавщаси остида. 155а, 155 в вара=. Баёз. инв.№ 27.Абёти Зорий сарлавщаси билан. 14 вара=.)да учрайди. Мазкур банд =уйидагича:

Дунёю дащрда щеч кимнинг мендек боши =отмайдур,
Ки, тинмай йи\ладим щаргиз =иёмат тонги отмайдур,
Мусулмон комил ылса, дунё деб динни сотмайдур,
Худодин =ыр=маган уммат щабибидин уётмайдур,
Неча эшону =утбу покдомонимдин айрилдим.

Зорий асарларининг ишончли манбаларида мавжуд былган бу мисралар асосида мухаммас матни аслида ын беш банддан иборат былган деган хулосага келиш мумкин.

---

[1] Мадаминов А. Мавлоно Мущйи ва Зорий ижоди хусусида //Адабиёт кызгуси.-2000.-Б.76-86.

[2] Тожибоев Р. Кырсатилган ма=ола; Остроумов Н. Песня о Худаярхане // Записки восточного отделение императорского русского археологического общества.Т.2.-Санкт-Петербург. 1888.-С.189-193.

[3] Абду\афуров А. Зокиржон Фур=ат.-Т.: Фан,1977. –Б.127-128.

[4] Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фур=ат.-Т. 1995.-Б.46.

Н.Остроумов сызбошисидаги: «Худоёрхоннинг Фар\онадан кетиши билано=...» ибораси ди==атга сазовор. Бундан мухаммаснинг яратилган санасини тахмин этиш мумкин. Айни замонда Зорий биринчилардан былиб бу ижтимоий мавзуни шеъриятга киритган ва кейинчалик бир туркум асарлар яратилишига асос солган, деган хулоса чи=ариш мумкин. Адабиётшунос Р.Тожибоев бу ща=да шундай ёзади: «Шундан сынг Зорий шеъридан илщомланиб, =ы=онлик бош=а шоирлар- Котиб, Фур=ат, Зав=ий щам Худоёрхон та=дири хусусидаги ыз шеърларини ёзган былсалар ажаб эмас»[1]. Я=инда эса Зорий илк бора =аламга олган мавзуда яратилган Мущаййир =аламига мансуб бешинчи мухаммас топилиб, илмий жамоатчиликка щавола =илинди[2].

Зорий мухаммаси хоннинг тилидан берилиб, унда я=ин кишиларидан ажралган, кечаги хурсандчилик кунлари бу кун щасратга айланган, мусофирликда \ариб щолига тушган, ызга юртларга =увилган шахснинг афсус ва надоматлари таъсирли мисраларда акс этади. Муаллифнинг во=еаларни хон тилидан баён этиши инсоний изтиробларни тасвирлашда =улайлик ту\диради. Мазкур мухаммасга сызбоши ёзган Н.Остроумов =ыши= Фар\онада аёлу эркаклар томонидан куйланишини ва баъзилар йи\лашини айтиб ытган эди. Кыринадики, Зорий мухаммаси хал= орасида тар=алган. Адабиётшунос Ш.Юсупов щам «Зорийнинг инсон =албини забт этиш =удратига эга былган санъаткор эканлиги»ни таъкидлаб, мухаммаснинг баъзи мисраларини мисол тарзида келтиради. Ва: «Бу мисраларни ы=иганда, ыз =илмишларидан астойдил пушаймон былиб =он йи\лаб турган соби= хонга чин юракдан ачинмай иложингиз =олмайди», деб ёзади[3]. Асли «Афсусномаи Худоёрхон мухаммаси Зорий» деб номланган Зорий мухаммаси ыша давр маданий щаётида мущим во=еа былганини адабиётшунос ты\ри =айд этади. Зорийдан кейин шу мавзуда мухаммас яратиш анъанага айлангач, Котиб, Фур=ат, Зав=ий, Мущаййирлар ыз асарларини ёздилар. «Записки»нинг 1893 йилдаги 7-жилд (51-62 бетлар)ида Котибнинг «Вторая песня» ва 8-жилд (129-136 бетлар)ида Фур=атнинг мухаммаслари «Третья песня» номлари остида ва рус тилидаги таржимаси билан нашр =илинди[4].

Шуни таъкидлаш лозимки, щар бир мухаммаснинг таржимасидан сынг Н.Остроумов номи ва йил саналари кырсатилган. Зорий мухаммаси нашрида «Ташкент. Декабрь, 1886.» =айд этилган былса, Котиб асаридан кейин «10 июля. 1891 года. гор. Ташкент.», Фур=ат асаридан сынг эса «Ташкент, 2 января. 1893 года» ёзувлари берилган. Тарихий маълумот ва саналарга асослансак, Зорий мухаммаси му==аддимасидаги «Худоёрхоннинг Фар\онадан кетиши...» 1875 йилга ты\ри келади. Демак, Зорий мухаммасни 1875-76 йиллар орали\ида Худоёрхоннинг «кетиши щамоно=» ёзган. Фур=ат ва Котибларнинг асарлари кейинро= - хон вафотидан сынг битилган. Адабиётшунос А.Абду\афуров Фур=ат мухаммаси 1882-1883 йилларда ёзилган деган фикрга келади[5]. Фур=ат келтириб берган Котиб мухаммасига ёзилган му==аддимада ношир хон ща=идаги икки =ыши=ни =ылга киритишга муваффа= былганини айтиб ытади. Демак, Котиб мухаммаси щам хон вафотидан кейин ёзилган. Зорий асарлари ичида эса хоннинг вафоти муносабати билан ёзилган «Кетти, ким =оли» радифли мусаддас мавжуд. «Бу фоний дащрдин жумла паямбар кетти, ким =олди...» мисралари билан бошланувчи мазкур мусаддасни щам 1879 йиллардан кейин яратилган деган фикрга келиш мумкин. +ы=оннинг сынгги хони ща=ида шундай

---

[1] Тожибоев Р. Кырсатилган ма=ола.

[2] Дещ=онов А. Худоёрхон фожеаси ща=ида бешинчи =ыши=// Ызбек тили ва адабиёти.-2000.№2.-Б.57.

[3] Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фур=ат.-Т., 1995.-Б.45.

[4] Остроумов Н. Вторая песня о бывшемъ Кокандскомъ ханъ Сайидъ Мухамадъ Худаяръ// Записки восточного отделение императорского русского археологического общества. Т.7-Санкт-Петербург. 1893-1894. -С.51-62; Шу муаллиф, шу тыплам: Третья песня о Худояръ-хане.Т.8.-С.129-136.

[2] Абду\афуров А. Зокиржон Фур=ат.-Т., 1977.-Б.127.

асарлар яратилганига Н.Остроумов алощида фикр билдириб, =уйидагиларни ёзган эди: «Шу мавзуда бирдан орти= =ыши=нинг пайдо былиши 1875 йилдаги сиёсий тынтарилишнинг Фар\она мусулмон ащолиси =албини ларзага солганидан былса керак. Ва бу =ыши=лар хал= орасида тар=алган, улар рамазон тунларида ва кып сонли йи\инларда куйланади. Бу =ыши=лар ызига ты= одамларнинг уюштирган йи\инларида щам ижро этилади. Бунда муси=а асбоблари щам жыр былади.»(С.154.) Котиб мухаммасига му=аддима тарзида ёзилган ушбу фикрлардан келиб чи=адиган хулоса шуки, шоирларнинг хон та=дири ща=ида битилган таъсирли асарлари хал=нинг юрагидан жой олган, кып жищатдан манзур былган.

XIX аср II ярмидаги ызбек щажвий публицистикасига ба\ишланган монографик тад=и=отида М.Худой=улов «Туркистон вилоятининг газети» 1909 йил 19 июнь сонида Усмонхыжа исмли санди=соз устанинг щажв =илган шеъри босилгани ва бу шеърга ёзилган кириш сызи ща=ида тыхталади[1]. Ушбу кириш сызини тыли= келтирамиз: «Ушбу ва=тларда +ы=он шащрини бозор ва расталарида ызларига зеб-зийнатлар бериб мардумларни молларини насяга олиб, щовли-щарамлар бунёд айлаб, тез фурсатлар ичида мардумларни молларини тагларига босиб, синган кимарсалар ащволларига наззора айлаб, +ы=он шащрини фу=ароси санди=соз уста Усмонхыжа ащволи замонага =араб мулощаза илан ёзган шеъридур». Адабиётшунос давр ижодкорлари адабий фаолиятига =ис=а тыхталиб, уларнинг щажвий шеърлар ёзиб, даврнинг мущим ижтимоий масалаларига ыз муносабатларини билдирганликларини, зулм ва адолатсизликларга =арши чи==анликларини изощлаб Зорий, Иброщим Даврон, Саиджалол, Фур=ат, Мирза Абдулла кабиларнинг щажвий шеърларидан парчалар келтиради. Жумладан, Зорий щажвий мухаммасидан икки банд берилади, газетада мухаммаснинг ты==из банди чоп этилган былиб, унда шоирнинг тахаллуси =ылланмаган.

«Записки» ва «ТВГ»да босилган Зорий шеърларидан кыринадики, ыша даврда ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарлар ноширларни =изи=тирган ва матбуот сащифаларида бу навъ шеърларга ырин берганлар.

Ю=орида биз зикр этган манбалар асосида Усмонхыжа Зорий таржимаи щоли ва ижодий фаолияти тадрижини нисбатан тыли= тиклаш мумкин былади.

х х х

Усмонхыжа эшон Искандархыжа ы\ли Зорий 1834 йилда +ы=он шащрининг Сармозор дащаси Рустамбек щалакижон мащалласида маърифатсевар щунарманд оиласида ту\илади. Оила бошли\и Искандархыжа дурадгорлик касби ор=али рыз\ор тебратади. Усмонхыжанинг ёш чо\ида онаси вафот этиб, уларнинг оиласи анча =ийинчилик кыради. Был\уси шоир отаси щамда бобоси =ылида тарбия топади. Илм олишни =адрлаган Искандархыжа илк саводини мащаллада чи=арган ы\лини Норбытахон мадрасасига ы=ишга беради. У мадрасада ыша даврда ы=итилган дунёвий щамда диний билимларни эгаллайди. Жумладан, +уръон, фи=щ, кофия, шифощия кабилар быйича тащсил олади. Ызбек ва форс-тожик адабиёти намояндалари Алишер Навоий, Абдуращмон Жомий, Фузулий, Бедил асарларини =унт билан ырганади, бадиий ижод билан щам шу\улланади. Шоир форсий тилда щам шеърлар щам маш= =илади. Шу тилдаги унинг ижодидан бир тыртлик намунаси баёзларнинг бирида са=ланиб =олган.

Шоир Зорий жуда камтарона умр кечиради. У отасининг касбини тутиб, санди=созлик щунари ор=али кун кыради. Биро=, бадиий ижодни щам тарк этмайди.

Усмонхыжа Зорийнинг =ачондан бошлаб ижод =илгани маълум эмас. Биро= шуни айтиш мумкинки, шоир ижодининг асосини ташкил =илувчи ижтимоий мавзудаги, тарихий во=еалар билан бо\ли= асарлари ижодий етук даврида - =ир=-эллик ёшларида ёзилган дейиш мумкин. Зорий ыша даврда Му=имий атрофидаги мушоира даврасида фаол =атнашади. Доимий ытказилиб турилган адабий йи\инлар ща=ида шоир Фур=ат шундай маълумот келтиради: «Чун ёшим соати умр шаб-рызида йигирма тырт шумори\а етти, ул ва=т Щы=анд вилоятидаги фазил ва расотаъб кишилар бирла иттищод айлаб аларнинг сущбатидин кыб бащралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи мавлоно Мущйи ва мавлоно Му=имий ва мавлоно Зав=ий ва мавлоно Нисбатдурлар,

---

[1] Худой=улов М. Кырсатилган асар.-Б. 76-77.

щамиша мажлис бунёд айлаб зодаи таъбларимиздин мушоира =илур эрдик ва бир \азалда татаббуъ кыргузуб, бир мазмун щар навъ ифода топар эрди»[1]. Фур=атнинг сызларига =араганда бу мушоира давраси анча кенг былган: «Дигар шеър арбоблари бизлар шеър сущбатларимизни орзу айлаб келур эрдилар», деб ёзади шоир.

Собир Абдулланинг «Мавлоно Му=имий» номли бадиий асарида щам Му=имий бошли= адабий даврада былиб ытган мушоира келтирилади. Йылдош Мавлавий Му=имийни мадраса щужрасига тыпланган унинг ихлосмандлари Нариддинхыжа Нусрат, Мущаммад=ул Мущаййир, Ёрмущаммад Ёрий ва Усмонхыжа Зорий кабилар билан таништиради. Шоирлар энди дастурхон ёзиб, мещмонлар - Му=имий ва Мавлавийлар билан сущбатлаша бошлаганларида щужрага очкыз ва таъмагир =ори кириб келади. Шу жойда «щолвайтар» мавзусида мушоира бошланади. Щажвий характердаги бу мушоирада Зорий тилидан =уйидаги байт келтирилади:

Кирди сырмай щужрага, ыт рощати жон деб
Сандалдаги ыт ычди, унга муз аралашди[2].

Бу Зорийнинг щозиржавоблиги тан олингани, мавзу йыналишида дарщол байт бита олишини кырсатади.

«Тазкираи +аюмий» асарида щам муаллиф =ы=онлик шоир Мирзо Хайруллохон ща=идаги маълумотларда ушбу мушоира давраси ты\рисида =уйидагича ёзади: «Шоир Мащмуд =орига шеъриятда шогирд ма=омида ало=аси былса-да, мулла Солещжон махдум =ози Найийрий ва мулла Сулаймон=ул Рожий ва Усмонхыжа эшон Зорийлар билан ва унинг сынгра щозир щаёт шоирларидан мулла Ас\ар али Чархий ила мушоира ва ало=а дыстлиги зиёда эрди»[3]. Найийрий ва Рожий ща=идаги маълумотларда щам мавжуд ижодий дыстлик ало=алари таъкидланади. Бундай ижодий давраларда йи\илиб турган шоирлар турли мавзуларда сущбатлар =уриб, сиёсий-ижтимоий во=еаларга щам ыз муносабатларини билдирганлар. Ыз ижодларидан намуналар ы=иб, шеърхонлик =илганлар, бир мавзу доирасида назира–татаббуъ, мухаммаслар битганлар. Бу даврада куй, муси=а чалинган. Зорийнинг шар= муси=асидан яхшигина хабари былган. У мана шундай давраларда ма=омларни мащорат билан ижро этган.

Зорий таржимаи щолини ырганишда унинг щасби щол шеърлари мущимдир. Бундай шеърларда шоир ыз щаётини тасвирлаб, турфа =ийинчиликлар, о\ир маша==атлар кырганини куюнч билан баён этади. «Арз щасратномасидур» сарлавщали мухаммасида «Анодин ёш =олдим, билмадим жоним =аён былдум», дея ёзади.

Мазкур мухаммасида «Ёшим ыттизга етмай, дыстлар, бошимда минг савдо» мисраларидан унинг ёшлик йиллари =ийинчиликда ытганини ани= айтиш мумкин.

Биз ю=орида андижонлик шеърият мухлислари шоирнинг «Не балолар кырмади ёшим менинг» каби мисраларини хотирлаш ларини келтирган эдик. Зорийнинг жумладан, щажман катта – ын етти банддан иборат мураббаъсида унинг нищоятда =ийинчиликда ытган щаёти лавщаларига ишора этувчи =ай\у-щасрат мотивлари бyртиб юзага чи==ан. «Бу дунёнинг лаззатидин мосувоман» мисраси билан бошланувчи бу мураббаъда щаётда «сонсиз жафолар» тортиб, «ба\ри яро» былган, мещрга мущтож, ёл\излик щиссидан щасрат айтиб нола =илаётган инсон =иёфаси жонли намоён былади. «Бечораман, масканим йы=, беватан», «Фурсат ытмай, неча жоя кычубман», «Тушти жудоли\ дарди бошима» мисралари эса шоирнинг бещаловат, =ынимсизликда кун кечирганидан далолат беради. Фарзанд до\ида ыртанган, умуман ёл\из =олган шахснинг =алб изтироби унинг бир неча шеърларида я==ол намоён былади. Зорийнинг оиласидан ягона =изи былиб, у бева=т вафот этганини шоир мураббаъларининг мазмунидан сезиш мумкин.

Шоир фарзандим борлигида шощлар каби бой-бадавлат эдим, деб ёзади. Бунда албатта моддий бойликни эмас, балки маънавий тыкинлик, оилавий мамнунлик назарда тутилган. Фарзандининг бева=т вафот этишини шоир о\ир кулфат деб тасвирлайди:

Нури дийдам бирла кетти ривожим,

---

[1] Фур=ат. Танланган асарлар. 2 жилдлик. Ж.2.-Т., 1959.-Б.139-140.
[2] Абдулла С. Мавлоно Му=имий.-Т., 1966.-Б.65.
[3] +аюмов П. Тазкираи +аюмий. 3 жилдлик. Ж.2.-Т., 1998.-Б.376.

Шощлар киби эрди божу хирожим.
Оллощ =илди, нетай йы=тур нажотим,
Щасратимни кимга айтиб йи\лайин. (43 а)

Сыз юритилган мураббаъда шоир ызининг щаётий-маиший турмушидаги камчиликлардан таш=ари маънавий-рущий изтироблар ни акс эттирган. Оилавий бахтдан мащрум, кыпдан-кып сарсонгарчиликларни бощдан кечирган Зорий «ыз юртимда мусофирман» дея надомат чекади. Даврнинг забардаст шоири Му=имий:

Мулки Щинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим Му=имий мадуми Фар\онаман[1].

дея ёзган былса , Зорий шундай нола =илади:

Бу ерда Зорийи ащ=арнинг элда эътибори йы=,
Мусофирдек юрарман, мунда гарчи ыз диёримдур[2].

Бу фикрлар заминида, албатта, ижтимоий сабаблар бор. Зорий рус чоризмининг талончилик, буз\унчилик, зыравонлик сиёсати, эксплуатациясига гувощ былди. Элда маънавий бузилишлар, ин=ирозлар, эъти=одсизлик, ахло=сизлик, алдов, хиёнат авж олди. Бу щолатлар шоирни =атти= =ай\уга солар эди. Рус чоризмининг щукмронлигини =аламга олган \азалида шоир хал==а зулм =илинаётганини, шащар фис=-фасоддан вайрон былаётганини тасвирлайди. Мухаммасларининг бирида битилган мана бу бандда ыша замона щолати, оддий хал=нинг ночор щаёти, адолатсиз, золим кишиларнинг зулми реал ифодаланган:

/айри бидъатлар чи=иб щоло нечук былди замон
Беваю бечораларга тушти кып бори гарон
Нотавонларга тавонгар сызлари мисли синон,
Шукр айтинг, бу иш ыздиндур =иёматдин нишон,
Былса солди ща= ызи сиздин ризо щижрат =илинг.

Зорий яшаб турган жамиятдаги иллатлар, залолат, куфр, адолатсизликларни кыриб, уларга салбий фикр билдирди. Буларнинг авж олишига сабаб эъти=однинг сусайиши, одамларда диний иймонни йы=олганидан деб билди.

Шоир бир мухаммасида дин боби (эшиги) очилиб, имом мащди авлоди келса, дин ривож топса диллар чаро\он быларди, дея истак билдиради. Одамларнинг диндан узо=лашаётгани, диний ахло==а амал =илинмаётгани шоирни =атти= =ай\уга солган. Шу боисдан у бу сиёсий вазият – ылкадаги чоризм щукмронлигидан =утулиб Маккаи Мадинада =арор топишни истаган. Зиёратга бориш истаги бир =анча асарларида =айта-=айта зикр этилади. Зорий ызи гувощ былган ижтимоий во=еаларни, шунингдек, ызи каби о\ир щаёт кечираётган кишиларнинг умумкайфиятини жонли тасвирлади. Оддий хал= билан доимо бирга былган шоир эзгуликни, солищ амаллар бажаришни, ызгалар дилига малщам былишни тар\иб =илди.

Хулоса =илиб айтганда, нозик лирик ва щажвчи шоир Усмонхыжа Зорий Туркистонда ижтимоий =ийин даврда, яъни чор Россияси щукмронлиги даврида яшаб ижод =илди. Адабиётшунослигимизда шу давргача унинг щаёти ва ижодига ынлаб мутахассислар эътибор =аратганлар. Шоир Зорий щаёти ва ижодининг ырганилиши адабиётимиз тарихидаги шоир сиймосини намоён =илса, иккинчи томондан, унинг асарлари жанрлари, \ояси, бадиияти ор=али ыша давр адабиётини, ижтимоий жамиятнинг этик-эстетик меъёрларини, ижтимоий тафаккурини ырганиш мумкин былади.

## 2-фасл. ШОИР АДАБИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ

[1] Му=имий. Асарлар.-Б.143.

[2] +ы=он Адабиёт музейи.инв.№ 101-159. (Кейинги ыринларда +АМ =ис=артмасидан фойдаланамиз.)

Усмоныжа Зорий ижодий меросини ташкил =илувчи шеърий асарлар XIX аср ярми ва XX аср бошларида тузилган ындан орти= баёзлар таркибида мавжудлиги ани=ланди. Улар асосан +ы=онда тузилган. Лирик щамда щажвчи шоир щаётлик чо\ларида девон тузган былиши щам эщтимолдан щоли эмас, аммо у то щануз топилмаган. Кыпчилик баёзлар шоир дастхати билан битилган былиб, уларни «автограф баёзлар» деб аташ мумкин. Зорий баёзлари щам шоирнинг ыз асарларидан ташкил топган, демак уларни автограф баёзлар деб щисоблаш мумкин. «Бу типдаги баёзлар,- деб ёзади Ё.Исщо=ов,- у ёки бу шоир (баёз муаллифи, албатта) ижодининг эволюциясини ырганиш, у ёки бу шеърнинг юзага келиш сабабларини ани=лаш щамда баёз муаллифи былмиш шоирнинг ызига замондош былган ижодкорлар ва маданият арбоблари билан ало=асини изощлашда =имматли манба былади»[1]. Яна таъкидлаш ыринлики, шоир ызи тузган баёзга бош=а шоирларнинг асарларидан киритади. Бу эса шоирнинг шеър танлаш тамойилидан дарак беради. Масалан, Зорийнинг автограф баёзларида Мущйи, Му=имий, Азим Хожа эшон кабиларнинг асарлари учрайди. Бу эса Зорийнинг мазкур шоирларга былган ижобий муносабати, маслакдошлигидан далолат беради.

Зорий асарлари мавжуд баёзларнинг бир =анчаси шоир дастхати билан битилган былса, бош=алари шоирнинг замондош дыстлари томонидан ёзилган. Шоир асарларининг турли нусхаларидаги шеър матнларида щар хилликлар кызга ташланадики, бу - шеърлар =айта-=айта кычирилганидан ва ыз даврида кенг тар=алганидан далолат беради. Хусусан, бешта манбада Н.Остроумов «Худоёрхон ща=ида =ыши=» деб номлаган мухаммаснинг турли вариантларига дуч келдик. Котиблар кычирган манбалардан шу нарса маълум быладики, улар «турли хил манбалардан ызига ё=иб =олган щар хил жанрдаги шеърларни махсус дафтарга =айд этиб боради»[2].

Зорийнинг бизгача етиб келган асарлари мавжуд манбаларни =уйидагича белгиладик:

1. Зорийнинг ызи тузган баёзлар.
2. Зорий замондошлари ва унинг бевосита иштирокида тузилган баёзлар.
3. Шоирнинг дыстлари, замондош шоирлар ёзиб олган Зорий шеърлари (алощида вара=лардан иборат).
4. Аср бошларидаги матбуот нашрлари.
5. Пылатжон +аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асари.

Бундан таш=ари ЫзРФА Шар=шунослик институти жам\армаси инв.№ 7392 ра=ами остида са=ланадиган «Девони Мущсиний»да шоир Мущсинийнинг Зорий \азалига бо\лаган мухаммаси мавжуд. Зорийнинг Каъба тавофи орзуси битилган \азалига шоир Мущсиний унинг фикр, \ояларини тадрижий давом эттириб мухаммас бо\лаган. Кыринадики, шоирга щамфикр, щаммаслак былган замондошларига у яратган асарлар манзур былган ва унга щамощанг мухаммаслар битган. Биз =уйида шу манбаларнинг щар бирига илмий тавсиф беришга щаракат =иламиз.

**+ЫЛЁЗМА БАЁЗ.** +ы=он Адабиёт музейи. инв.№ Р 101-159. Баёзнинг тузилган йили ва жойи кырсатилмаган. Котиби Зорийнинг ызи. Шеърлар мазмунига =араб, баёзга шоир кексайган чо\ларида тахминан 1900-1910 йиллар орали\ида тартиб берилган деган хулосага келиш мумкин. Матнлар о= фабрика =о\озига настаъли= хатида =ора сиёщ билан битилган. Шеърлар щар сащифага =иялатиб жойлаштирилган. +ылёзманинг вара=лари ажралиб кетган. +ылёзма ылчови 10х16,5см. Матн ылчови: 6х13 см. Вара=лар безаксиз, пойгир ва интерполяция мавжуд эмас. Му=овада баёзнинг щажми 56 вара= деб белгиланган. Лекин сащифалар =айта ра=мланиб 63 вара= =айд этилган. Баъзи сащифаларнинг ра=мланишида чалкашликлар мавжуд. Баёз =алинро= му=овага олинган былиб, устида +ы=он адабий мущитининг катта билимдони шоир Чархийнинг майда настаъли= ёзувдаги шарикли ручкада ёзган =уйидаги изощи мавжуд: «Ушбу =ылёзма шоир

---

[1] Исщо=ов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи // Ызбек адабиёти тарихи масалалари.-Т., 1976.-Б.89.

[2] Исщо=ов Ё. Кырсатилган ма=ола.-Б.87.

Усмонхыжа Зорийнинг ыз дастхати. Бунга шощид камина Чархий Хы=андий». Изощдан сынг сана =ыйилган эмас.

Шоир Чархий ыша даврда тузилган баёзлар, =ылёзмалар билан жиддий =изи==ан ва шу\улланган. XIX аср Фар\она шоирларининг асарлари тыпланган баёзга щам Чархий, Пылатжон +аюмов, шунингдек, Му=имийнинг жияни Рызимущаммад Дыстматов томонидан =ыл =ыйилган щужжат илова =илинган. Чархий томонидан берилган изощ биз учун щар жищатдан ащамиятлидир. Ю=орида келтирилган изощга кыра Зорий хатини ани=ладик ва котиби кырсатилмаган бош=а баёзлар хатининг Зорийга тегишли ёки тегишли эмаслигини =иёслаб текширдик.

Дастхат баёзнинг таркиби =уйидагича: Зорий =аламига мансуб уч \азал, бир мурабба, тырт мухаммас, икки мусаддас ва бир мусаддаснинг сынгги банди – олти мисрадан иборат. Булардан: \азал-58 мисра, мураббаъ-68 мисра, мухаммас-150 мисра, мусаддас-112 мисра, жами 376 мисра. Чархий гувощлигига кыра мазкур асарлар Зорийнинг ыз =ыли билан битилган.

Булардан таш=ари баёз таркибига Мущйининг бир мухаммаси ва расуллуллощ алайщивасалламга наъти, Му=имийнинг мухаммаси, шунингдек, Яссавий щикматларидан баъзи намуналар, Машрабнинг форсча \азали ва сынгги сащифада Махмурнинг «Дар сифати Щаким туроби халта будур» щажвидан уч байт киритилган. Улар =аторида яна баъзи маш=ий шеърлар, жумладан мазмуни танобчилар ща=идаги щажвга ыхшаш шеър, «Эшаккинам» радифли щажвий \азал щамда шу каби у =адар бадиий такомилига етмаган асар намуналари бор. Бу =айд этилган шеърларнинг барчаси бош=а шахс томонидан баёзга битилган ва Зорий хатидан тубдан фар= =илади.

Баёз Зорийнинг =уйидаги байтлари билан бошланади:

Исёнда ытти умрум, =илгон ишим хиёнат,  
Щаргиз =илолмаганман дунёда зарра тоат.  
Йы=тур танимда =увват, букти =адимни мещнат,  
Шукри узримни айтай бул щам эрур \анимат  
Зорийдин ащли улфат безор, йи\ламайму?!  
Матлаби мудом ща=дин дийдор йи\ламайму?!

А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги баёз билан танишганимизда бу банд «Дарду аламларимга мен зор йи\ламайму» мисралари билан бошланувчи мусаддаснинг якунловчи банди эканлигини ани=ладик. Мазкур иккинчи баёз аввал тыра=ыр\онлик шеърият мухлисларидан Собитхон тыра =ылида са=ланган.

**+ЫЛЁЗМА БАЁЗ.** Адабиётшунос А.Мадаминов шахсий кутубхонаси. Баёз =ора =алинро= му=овага олинган. Ылчови 12х19см. Матн ылчови: 10,5х13см. Яхши са=ланган. Матнлар =ора сиёщ билан бир устундан =иялатиб жойлаштирилган. Арабча шаклдаги сащифа ра=амлари 73 бетдан кейин чаплашиб кетиб ани=лаш =ийинлашган. Кейинги даврда щозирги ра=амлар билан =айта =ыйиб чи=илган. Сащифалар безаксиз, пойгир =ыйилмаган. 46а вара=да муаллиф ислощи деган интерполяция бор. Араб ра=амида белгиланган 22-23 сащифалар тушиб =олган. Щозирги ра=амдаги 74б, 89-90а, 101 вара=лар быш =олган. 75-90 вара==ача араб ра=амлари =ыйилмаган. Бу матнлар дастхати щам аввалги вара=лардан фар= =илади. 98 а вара=дан 101 а вара==ача щам дастхат ызгарган. Баёзнинг 84 б вара\ида унинг сощиби Собитхон тыранинг =уйидаги дастхат изощи мавжуд.; «Ушбу ердаги абётларни ёздим тыра=ыр\онлик Собитхон 1333 йилинда 24 мощ сафар ойида 1915 йилида 18 декабрида. ...ащбоб зот, ма=оми даражотларга маълум =илурманки, мазкур абётларга айб =илма\ойлар. +ылдин келгони былган. ...Аммо мазкур байтлар ы=уш керак былса, ызим келиб ы=уб берурман, ызга одам ы=уёлмайдур. Агар ы=ут\учи зотлар билурман десалар, адресим: Тыра=ыр\онда Ар\ин мащалладин 225-щовлида Собитхон десалар кифоя. +ишда Щы=анд. Мадрасаи Олийда». Мазкур изощларга кыра Зорий асарлари хатидан тубдан фар= =илувчи матнлар Собитхон Тыра=ыр\оний томонидан ёзилган. Бу матндан сынг Умар Хайём, Амирий, шунингдек, Сайийдо, Щайрат Тыра=ыр\оний кабиларнинг рубоий ва \азалларидан иборат баъзи намуналар бор. +ылёзманинг умумий щажми 101 вара=дан иборат былиб, унинг таркиби =уйидагича: Зорий \азалига мансуб етти \азал, бир рубоий, бир мураббаъ, ын олти мухаммас, уч мусаддас, жами 28 шеърни ташкил =илади. Булардан \азал-108 мисра,

рубоий-4 мисра, мураббаъ-68 мисра, мухаммас-610 мисра, мусаддас- 132 мисра, жами 922 мисрадан иборат.

Мазкур баёз таркибида мухаммас салмо=ли ырин тутади. Шулардан ын беш мухаммас Зорийнинг ыз =аламига мансуб - муста=ил мухаммас былиб, 13 б-16 б сащифалардаги «Жащон оламни кездим...» деб бошланадиган мухаммас Зорийнинг Хилватий \азалига бо\ланган тахмисидир.

+ы=он Адабиёт музейида са=ланаётган ва биз шартли равишда биринчи деб белгилаган баёз билан ызаро солиштирганимизда Зорий шеърларининг хати иккисида щам айнан бир хил эканлиги, улар щам шоир томонидан битилгани маълум былди. Ушбу баёз Зорий ижодининг сер=ирра ва шеърий тур жищатидан ранг-баранг эканини кырсатувчи манба сифатида щам ащамиятли. У биринчи баёзни сон ва сифат жищатдан тылдиради. Зорий адабий меросидаги шеърлар =аторига бу =ылёзма ын тырт шеър беради. Щар икки баёз таркибидаги шеър матнларини ызаро =иёслаганимизда, уларнинг деярли щар бирида фар= ва тафовутлар, тащрирлар мавжудлигини кырамиз. Биринчи дастхат баёзнинг 2 а, 2 б сащифаларидаги \азал 30-31 сащифаларда: «Итлар =аторида кечалар ястаниб ётиб Нафсим душманига дилим посбон =илай» байти =ышилган щолда учрайди. Ушбу \азал иккинчи баёзнинг 11 а, 11 б сащифаларида тыли= мавжуд. Лекин биз тилга олган байт сащифанинг четига ызга ёзув билан битилган.

«Менинг бир лайливаш а=лимни олган гулузоримдур...» мисраси билан бошланадиган \азал асли ын икки байт былиб, иккинчи баёзда сащифалар тушиб =олгани учун \азалнинг 10-11-12 байтлари мавжуд эмас. /азалнинг илгари мутахассисларга маълум былмаган =уйидаги байтлари эса биринчи баёзда учрайди:

Келиб бу дунёга щаргиз кырмадим \амлик манга монанд,
Анинг чун чу\здек вайроналар дорул=ароримдур. (4а)

Ызум беор, гунощ бисёру мендек былмагай бадкор,
Кызум нам, улфатим \ам,кулфатим хешу таборимдур.(4б)

Баёздаги «+очар» радифли мухаммас эса Собир Абдулла ва А.Абду\афуров томонидан =ис=артирилган щолда - уч банди эълон =илинган эди[1]. Мухаммас асли етти банддан иборат былиб, «Тазкираи +аюмий»даги матнда Зорий тахаллуси =ылланган сынгги банд щам мавжуд. Лекин унда мисралар ырни ва баъзи сызлар шакли ызгарган щолда учрайди. Иккала баёздаги матнларда сыз ва ибораларнинг синоними сыз шаклларининг турлича =ылланиши шоирнинг мухаммасни =айта ишлагани ва шоирнинг уни =айта ишлаганидан далолат беради. Мухаммаснинг 3,4,5,6,7 бандларида =уйидагиларни =айд этиш мумкин:

| | Биринчи баёзда: | Иккинчи баёзда: |
|---|---|---|
| 3-банд, 1-мисра: | одам | мардум |
| | ты\ри | рост |
| 4-банд, 2-мисра | тутмай худойим амрини | баъзиси тутмай амрини |
| 5-банд 1-мисра: | лодон | аблащ |
| 5-банд, 5-мисра: | келса | келган |
| 6-банд, 2-мисра: | щамиша | туну кун |
| 6-банд, 3-мисра: | ул куни | щашр куни |
| 7-банд, 4-мисра: | дилшикаста щазин | фа=ир аламзадаи |

«+ачонлардин бери, эй дыстлар...» деб бошланадиган мухаммаснинг 4-5-бандлари иккинчи баёзда 6-7-банд ырнига тушиб =олган. Бунда щам баъзи сызларнинг синонимлари =ылланганини кузатиш мумкин. Биринчи баёзда Худоёрхон номи зикр этилган мусаддас 4 банд былиб, иккинчи баёзда тыли= - 8 банддан иборат. Бу мусаддас Щазинийнинг «Тасадду=, ё расулуллощ» тыпламида шу шоир =аламига мансуб дея хато равишда нисбат берилган. Китобни нашрга тайёрловчи А.Мадаминовнинг эътирофига кыра мусаддас ща=и=атан Зорий =аламига мансуб.

---

[1] Абдулла С. Кырсатилган ма=ола.-Б.101; Ызбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.373-384.

Шунинг учун Щазинийнинг 1999 йилда нашр этилган «Девон»ида бу хато тузатилган - мусаддас киритилмаган.

Биринчи баёзда тыли= мавжуд былган щажман йирик ын олти банддан иборат мураббаъ иккинчи баёзда тар=о= щолда учрайди, яъни мураббаънинг 1,2,3,4-бандлари 61-62-вара=ларда, =олган =исми 40-43-вара=ларда келади. Иккинчи баёзда «Нури дийдам бирла кетти ривожим» мисраси билан бошланувчи янги банд щам берилган.

Кыринадики, иккинчи манба биринчи баёзга нисбатан мукаммал былиб, баёздаги тащрир ва тылдиришлар асосида шеърларнинг ишончли матнини тиклаш имконини беради. Биринчи баёз хотимаси «\арибдек» сызи иккинчи баёзда «Зорийдек» тарзида шоир тахаллуси билан ызгартирилган.

Зорийнинг «Найлайин» радифли мусаддаси щар икки баёз таркибида мавжуд. Аммо иккала матн ызаро =иёсланганда бир мунча тафовутлар кызга ташланади. Биринчи баёздаги иккинчи ва учинчи бандлар ырни иккинчи баёзда алмашиб =олган.

Мусаддаснинг «Шар= юлдузи» журнали ва кып жилдли «Ызбек адабиёти»да эълон этилган матни иккинчи баёздаги матнга билан мувофи= келади. Лекин уларда =уйидаги банд берилмаган:

Мубталоман, эй пари, товусдек рафторингга,
Жоннисор этсам былурму зулфи анбар борингга,
Орзиликдур жащон ащли сенинг дийдорингга,
Марщамат айлаб карам =ил эмди дилафгорингга,
Ёр сенсиз найлайин, дилдор сенсиз найлайин,
Етгали вбаслингга мен ночор, сенсиз найлайин. (51а)

«Найлайин» мусаддасидан кейинги матнлар Зорий =аламига мансуб эмаслиги сабабли биринчи баёз мундарижаси асосидаги тавсифни якунлаб, иккинчи баёз таркибидаги матнларга эътибор =аратамиз. Иккинчи баёздаги 23-24-вара=ларнинг мавжуд эмас. Шу сабабли «Менинг бир лайливаш а=лимни олган гулузоримдур» мисраси билан бошланувчи \азалнинг сынгги уч байти, шунингдек, Зорийнинг Хилватий \азалига бо\лаган мухаммасининг биринчи банди мавжуд эмас. «Тазкираи +аюмий»даги ушбу мухаммас матнидан унинг асли 8 банд эканлиги маълум былади. Лекин унда Хилватий тахаллуси келган сынгги банд йы=. Баёз ва тазкирадаги матнлар щам ызаро фар=ланади. Хилватий \азалининг якунловчи байти =уйидагича:

Сани деб Хилватий гащи ылди =иморбоз, гащи расво,
Гащи банги, гащи гулханнишин, гащи чафандандур[1].

Зорийнинг «Фалак даврида жонон...» деб бошланадиган лирик мухаммасининг сынгги банди +аюмий тазкирасида келтирилади: «Бу щол Зорийдандур:

Ра=иби рысиящларни сызига кирма эй барно,
Вале щар кимсаларни дыст деб сир айлама ифшо,
Алар фосидхаёлу баъзиларни турмуши бежо,
Билурсан Зорий янгли\ дащраро беор йы= асло,
Ызунг доно эрурсан бофаросат нуктадонимсан.»[2]

Иккинчи баёзда:

Ра=иби рысиящларни сызига кирма эй барно,
Щама фосидхаёлу бу замон ащлидурур бежо,
Вале щар кимсаларни дыст деб сир айлама ифшо,
Билурсан Зорий янгли\ дащраро беор йы= асло,
Ызунг хыбро= билурсан бофаросат нуктадонимсан.»(50а)

Тазкирада Зорий тахаллуси =ылланган етти байтли «Былди» радифли \азал иккинчи баёзнинг 50 б, 51 б сащифаларида тыли= мавжуд былиб, бош=а манбаларда учрамайди. Шунингдек, «+ил», «+ийнаманг» радифли, «Маккаи Мукаррамада тургучи щожимизга» сарлавщали \азаллари, «Арзимни йи\лаб айтай зоти улу\ худога» ва «Сабру щушум щам кетибдур, телбаман, девонаман»

---

[1] +АМ. инв. №19. Му=имий замондошлари =ылёзмалари. Алощида вара=.

[2] +аюмий П. Кырсатилган асар. Ж.2. –Б.318.

мисралари билан бошланадиган мухаммаслари щамда форс тилидаги рубоийси фа=ат шу баёз таркибида учрайди.

Баёзнинг 59 б, 61 а сащифаларидан ырин олган «Очиб ибрат кызини...» деб бошланадиган мухаммас 4 банд былиб, унинг биринчи банди йы=лиги, аслида эса былганлиги сезилади. 74 а сащифада «Арз щасратномасидур» сарлавщаси остида берилган:

Келиб бу дащраро, эй дыстлар, адам нишон былдум,
Анодин ёш =олдим, билмадим жоним =аён былдум,
Неча муддат ытуб . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .[*]
Ано дийдорини ул дамда кырмай бадгумон былдум,
Ани излаб аламдин \унчадек ба\римда =он былдум. (74а)

Ушбу бешликни биринчи банд деб щисобласак, кейинги бандларга шаклан ва мазмунан бо\ланишини кырамиз:

Очиб ибрат кызини айладим оламга наззора,
Щама пиру жувон щар =айси ыз щолига оввора,
Жащон нашу намосига истай щеч топмадим чора,
Фалак даврინда бекаслик =илиб кыксумни садпора,
Ривож олмай ишим щар ерда еттики, сарсон былдум. (59б)

Демак, ушбу мисраларни бирлаштирсак, беш банддан иборат мухаммас щосил былади. Ушбу шеърнинг сынгги бандида Зорий тахаллуси =ылланмаган.

Зорий ижодида мухаммас шаклидаги шеърлар салмо=ли ырин тутади. Уларнинг щажми катта былиб, олти банддан ын олти бандгача бор. «Фужуру фис= гардига ёр =илма мани...» мисраси билан бошланувчи мухаммасгина беш банддан иборат ва сынгги мисраларда Зорий тахаллуси =ылланган. Тахмин =илиш мумкинки, биз ю=орида келтирган мухаммаснинг биринчи банди давр ытиши билан бош=а сащифага алмашиб =олган. Унинг сынгги банди щам асли мавжуд былгани эщтимолдан щоли эмас. Зорий дастхатида битилган тахаллуссиз мухаммас шоир =аламига мансубдир. Унинг «Лахтун щажви» мухаммаси аввал адабиётшунослар томонидан мажмуада ва матбуотда эълон этилган эди. Баёз таркибидаги мазкур мухаммас ты==из банд былиб =ылёзма матни ва эълон этилган матн ыртасида баъзи ызгаришлар кыринади. Шу жумладан, мухаммаснинг биринчи банди мажмуага кирмай =олган.

Зорий щажвий мухаммасларидан яна бири «Махзум мусича иродати» сарлавщаси билан баёздан ырин олган. Журнал ва мажмуада мусича шил=им борасида» номи билан берилган мазкур мухаммаснинг =уйидаги банди баёзда учрамайди:

Тари=ча ю=маган чанг ул киши озода беозор,
Калонлар сущбатини топган кишидур хыб неку кирдор,
Авалдин тарки дунё айлаганлар а=чадин безор,
Алардек мута==ийга салла, тын =ози=да тайёр,
Не ерда дуд чи=са анга мещмон бачча\ар махсум. (Б.378.)

Баёзнинг 75 а сащифасидан то 87 б сащифасигача мавжуд матнлар щар хил ёзувда битилган. 87 б сащифада Зорийнинг бир рубоийси учрайди. С.Абдулланинг ма=оласида бу рубоий матни баъзи ызгаришлар билан келтирилган эди.

Баёзда Амирий \азали,Хайём, Саъдий, Щайрат Тыра=ыр\онийнинг \азали ва \азал-мувашшащи учрайди. Булар кейинги даврда ёзилган ва баёз таркибига киритиб юборилган. Чунки 88 а сащифадан 97 б сащифагача Зорийнинг бир \азал ва икки мухаммаси давом этган.

**БАЁЗ.** +АМ. инв.№ Р 610. +ылёзма ылчови 12х20,5 см. 150 вара=. Таъмирланмаган, са=ланиши яхши эмас, котиби номаълум. Матнлар оддий +ы=он =о\озига настаъли= хатида =ора сиёщда битилган. Баёзнинг биринчи бетида Зорийнинг етти байтли «Йы=» радифли \азали мавжуд. 2 б вара=да ща= таоллонинг бир неча сифатлари ёзилган. Сащифанинг ярмида 16 катак чизилган былиб, унда 1291 ра=ами бор. Агар уни щижрий йил ифодаси деб санасак, мазкур баёз шу даврда милодий 1875 йилда тузилган деган хулосага келиш мумкин. Кейинги сащифаларда

---

[*] Мисрани ы=иш имкони былмади.

«Дуруди Кабира» рисоласи, турли дуолар, ривоятлар, мущри нубувват ща=ида =исса», форс тилидаги турли =иссалар жойлашган. 150 а, б вара=ларда Амирий, Шайдо, Машраб \азалларидан намуналар бор.

**БАЁЗ.** +АМ. инв. №Р 674. +ылёзма тыплам. Баёз 83 вара=, 3235 сатрдан иборат. Му=оваси бир таба=а, =изил =атти= картондан ишланган, уч унвонли. +ылёзма ылчови: 13х21 см. Матн ылчови: 8,5х16,5-8х13см. Матн пушти, малла, оч яшил рангли чизи=ли ва чизи=сиз рус фабрика =о\озига сафсар, =ора, =изил сиёщ билан чиройли настаъли= хатида кычирилган. Баёзнинг титулида 1325 щижрий йил (мил.1907 й.) санаси бор. Котиби =айд этилмаган, лекин шоир Чархий былиши щам эщтимолдан щоли эмас. Баёзда Амир, Му=имий, Щазиний, +орий, Фа=ирий, Фиро=ий, Журмий, Машраб, Саййидо, +ул Сулаймон, Махмурий, Фидоий, Пирим=ори, Зорий, Камий каби 19 нафар ызбек шоирларининг ызбек тилидаги \азал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас жанрларидаги шеърлари мавжуд. Зорийнинг ын банддан иборат мухаммаси мазкур баёзнинг 66 а,б вара=ларида жойлашган. «Айлайин бир =исса...» деб бошланадиган мухаммаси Худоёрхоннинг Фар\онадан кетиши муносабати билан ёзилган.

**БАЁЗ.** +АМ.инв.№ 27. 144 вара=. 4824 сатрдан иборат, =ора =из\иш, =атти= картондан му=оваланган, унвонсиз. +ылёзма ылчови: 12,5х20 см. Матн ылчови: 11х17 см ва 7х13 см. Матн новвотранг шилдиро= +ы=он =о\ози ва о= чизи=ли яшил, сафсар, кык, сари= рангли рус фабрика =о\озларига =ора щамда =изил сиёщ билан чиройли настаъли= хатида кычирилиб, сащифаларга икки устун щолда жойлаштирилган. Котиби номаълум. +ы=онда щижрий 1328 (мил.1910) йилда кычирилган. Мазкур =ылёзма баёздан Зорий, Щазиний, Туфайлий,Васлий, Жыший, Хислат, Щавоий, Шав=ий, Маъдан, Писандий, Зав=ий, Фур=ат, Оразий, Асирий, Машраб, Му=имий, Камий, Котиб каби 55 нафар шоирнинг ызбек ва форс-тожик тилларидаги \азал, мухаммас, мусаддас, мусамман, фард, муаммо, =асида, маснавий жанрларидаги шеърлари ырин олган. Бу мухаммас нусхаси аввалгилардан фар= =илади. А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги вариантда мавжуд былмаган бир банд =олган икки баёз ва Н.Остроумов нашр этган мухаммасда бор. Мазкур баёзда: «Щалойи=лар ичра щеч ким менингдек боши =отмайдур» мисраси билан бошланувчи олтинчи банддир. Демак, бу банднинг мухаммас таркибида аслида былганлиги шубщасиз. Зикр этилаётган баёздаги мухаммас матнида «Ари\ нащрим чи=ардим...» деб бошланадиган банд мавжуд эмас. Зорий тахаллуси =ылланган сынгги банд щам бу вариантда йы=. Бу мухаммас вариантларининг турли шаклидаги нусхаларини та==ослаб, унинг асли ын банддан иборат эканлигини ани=лаб, илмий тан=идий вариантини иловада келтирдик.

**МИРЗО ЩЫ+АНДИЙ архиви.** +АМ. инв.№469. Алощида вара=. Мирзо Щы=андий дастхати билан битилган Зорийнинг «+илурсан» радифли лирик \азали настаъли= хатида ёзилган. /азал беш байтдан иборат былиб, ундан =уйиро=да Мирзо Щы=андийнинг изощи ва йил санаси бор. «Афкор мундаги Зорий Щы=андийму ё бош=аму менга маълум былмади. Мирзо Щы=андий. 20 июль, 1935 йил. +ы=он жомеси, шанба куни». Фикримизча, Зорий вафотидан кейин шоир Мирзо унинг мазкур \азалини о\заки эшитган ва уни ёзиб олган. /азалнинг услуби, рущи, мавзуси жищатидан ва ма=тада Зорий тахаллуси =ылланишига кыра биз уни Зорийга тегишлилиги шубщасиз деб ыйлаймиз.

**БАЁЗ.** Ащмаджон Мадаминов шахсий кутубхонаси. Баёз таркибида Зорийнинг икки \азали мавжудлигини ани=ладик. Баёз унча сифатли былмаган =о\озга майда настаъли= хатида ёзилган. Номланмаган, давр ытиши билан ём\ир, =орларда =олиб уринган. +ылёзма 60 вара=дан иборат, унга кулранг =атти=ро= картондан му=ова =илинган. 56 б сащифада «/азали мулло Зорий эшон» сарлавщали етти байтдан иборат диний-тасаввуфий мавзудаги \азал ырин олган. Бошланиши:

Азал ващдоният дарёсидин =айнаб тошиб келдим...

Охири:

На ким асрори сирримни деб айтиб сызлашиб келдим.

Сащифаларга пойгир =ыйилган. 57 вара=да «Дейдурман» радифли \азали щам диний-тасаввуфий былиб, етти байтни ташкил =илади.

**БАЁЗ.** +АМ. инв.№Р 398. +ылёзма му=оваси сари= рангда, на=шли. Ылчови:15х20 см. Умумий щажми 67 вара= былиб, 1085 мисрани ташкил =илади. Оддий +ы=он =о\озига майда настаъли= ёзувида, =ора сиёщ билан ёзилган. Унда Машраб, Камолий, Умурий, Сай=алий,

Саййидо каби шоирларнинг турли жанрдаги асарлари мавжуд. Баёзнинг 14 а,б вара=ларида Зорийнинг «Этти ёр» радифли лирик \азали учрайди. 15 а,б вара=лардаги \азал саккиз байтдан иборат былиб, шоирнинг ыз отасига мурожаати тарзида битилган. Щар икки шеърда «Щикмати Зорий» сарлавщаси бор.

**БАЁЗ.** +АМ. инв.№19. Му=имий замондошлари =ылёзмалари. Турли =о\озлар. Мущйи, Наййирий, Зорий каби шоирларнинг шеърлари. Матнлар =ора сиёщда ёзилган. Алощида =о\озда Зорийнинг саккиз бандли Хилватий \азалига бо\лаган тахмиси мавжуд. «Мухаммаси Зорий бар \азали Хилватий» сарлавщали тахмис матни бош=а манбалардаги нусхалардан фар=ланади.

**БАЁЗ.** ЫзРФАШИ. инв.№5666. Шоирлардан Жомий, Бедил, Навоий, Фузулий, Хожа Щофиз, Фузулий, Машраб, Амирий, Фур=ат, Бещжат, Зорий ва бош=аларнинг турли жанрлардаги шеърий асрлари настаъли= ёзувида битилган. Матнлар асосан ызбек щамда форс-тожик тилидадир. Щажми 285 вара=. +ылёзма ылчови: 13х21 см.

+ылёзма баёз =атти=, =изил на=шли му=овага олинган. Са=ланиши яхши. Матнлар +ы=оннинг шалдиро= =о\ози щамда дафтар вара=ларига =изил, =ора сиёщларда кычирилган. Баёзнинг котиби, санаси =айд этилмаган. Лекин 263-вара=да 1313 щ.й. саналари мавжуд. Мелодий щисоб быйича 1895-1896 йилларга ты\ри келади. Баёзнинг 239-241-сащифаларида Зорийнинг Лахтин щажви мухаммаси берилган. Мазкур мухаммас ын уч банд (65 мисра)дан иборат былиб, бош=а манбалардаги нусхалардан кыра нисбатан тыли= былгани учун ащамиятлидир. Бу мухаммас матнида бош=а манбаларда учрамайдиган еттита янги банд мавжуд былиб, улар шеър мазмунини янада чу=урлаштиради, мухаммасда во=еалар сюжети кенгро=, во=еалар изчил, деталлар ани= баён этилади.

**БАЁЗ.** ЫзРФАШИ. инв.№ 9971. Бедил, Абдулла Ансорий, Саййидо, Нодим, Щижлат, Зорий ва бош=аларнинг турли шеърий жанрлардаги асарлари жамланган. Матнлар асосан ызбек ва форс-тожик тилида битилган. Тузилиш санаси ва котиби =айд этилмаган. Тахминан ХХ аср охирлари. +ылёзма ылчови: 12,5х20,5 см. Щажми 431 вара=. Баёзнинг 383-387 вара=ларида Зорийнинг Хилватий \азалига бо\ланган мухаммаси мавжуд. 383 вара=да «Лахтин щажви» мухаммасидан икки банд келтирилган. Ушбу матнлар =аламда ёзилган. 385 вара=да сащифанинг чап бурчагида «Щы=андлик Мащмудхыжа Ащмаджон =аламидур» деган ёзув бор. Зорий тахмиси билан «Тазкираи +аюмий»даги матнни солиштирганимизда уларнинг орасида катта тафовутлар йы=лигини ани=ладик. Фа=атгина мухаммас сынгги бандининг иккинчи мисрасида «мисоли чу\з» сызлари тазкирада «ки чун бир» тарзда =ылланган. «Лахтин щажви» мухаммасидан келтирилган икки банд парча матни щам ЫзРФАШИ инв.№5666. баёзидаги матни билан деярли бир хил.

**БАЁЗ.** ЫзФАШИ. инв.№ 11831 //II. Мажмуа икки =исмдан иборат. сари= картондан му=ова =илинган. +ылёзма ылчови: 17х26 см. Матнлар ызбек тилида, настаъли= ёзувида битилган. Котиби ва санаси =айд этилмаган. Биринчи =исм Алишер Навоий \азалларидан иборат. Иккинчи =исмдаги сащифалар ра=амланмаган. Щажми олти вара= былиб, унда Зорийнинг мураббаъси берилган. Мураббаъ «Бисмиллащир рощманир рощийм» деб бошланади. Матнларда баъзи камчиликлар мавжуд. Хусусан, 3-4-бандлар уч мисрали, ын биринчи банд икки мисрадан иборат. «Айтай санони =одир худо\а» деб бошланадиган мазкур мураббаънинг ын иккинчи банди =уйидагича:

Вaслингни куйлаб, щажрингда ылдум,
Мен хаста Зорий иш=ингда куйдум.
Бу Карбалода вобаста былдим,
Тушти жудоли= дарди бошим\а.(1а)

Ушбу банддан кейин яна шу тарздаги шеър давом эттирилган. Щар банди тыртинчи мисраси «Тушти жудоли= дарди бошим\а» деб такрорланувчи =олган матнларнинг щажми 20 банд (80 мисра)дан иборат.

**БАЁЗ.** Ащмаджон Мадаминов шахсий кутубхонаси. Шоир Чархий дастхати билан битилган. «+ул былсун!» радифли лирик \азал ты==из байтдан иборат. Дафтар вара\ига настаъли= ёзувда Чархий томонидан битилган лирик мухаммас беш банддан иборат былиб, сынгги банднинг учинчи мисрасини ы=иш =ийин былгани учун А.Мадаминов тузатиш киритган: «Ул та\офулпешалар хайлигадур (Зорий \улом)». Яна шундай вара=лардан навбатдагисида «Тушубдур

бошима ул оши=е Мажнунни савдоси» мисраси билан бошланадиган лирик \азал (7 байт) ва «Былди-ку!» радифли ижтимоий-сиёсий мавзудаги (10 байт) \азаллар мавжуд.

Келтирилган манбалардаги шоир асарлари щажмидан кыринадики, Зорий ижодий меросини изчил илмий тизимга солиш, тыплаш щамда ырганишни давом эттириш керак.

Мазкур бобдаги тащлил ва далиллардан =уйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Шоир щаётига оид маълумотлар ва =ылёзма манбалар шундан далолат берадики, Усмонхыжа Зорий ыз даврида кызга кыринган ижодкорлардан бири былган щамда асарлари кенг тар=алиб, турли баёзлардан ырин олган. У лирик шеърлар яратиш билан бирга ижтимоий-сиёсий щаётга фаол муносабат билдириб, ыз замонасидаги мущим масалаларни щам =аламга олган. Асарлари шоирнинг щаётлик чо\ларидаё= матбуотда нашр =илинган, =ыши= =илиб ижро этилган.

Зорийнинг щаёти ва ижодини ырганишда П.+аюмовнинг «Тазкираи +аюмий» асари Зорий ща=ида =имматли маълумотларни берувчи асосий манбалардан бири щисобланади. С.Абдулланинг «Шоир Зорий» ма=оласида щам Зорий щаётининг мущим ну=талари =айд этилгани ащамиятлидир. А.Мадаминовнинг Зорий ща=идаги ма=олаларида шоир ижодининг ырганилишига илк уринишлар кыринади. Зорий ижодига доир муносабатлар яна Ш.Юсупов, Р.Тожибоев, М.Худой=улов асарларида билдирилган.

Шоир Зорий щаёти, таржимаи щолини ырганишда щасби щол шеърлари =ышимча манбадир. Ыз щаётига доир чизгилар кыпчилик шоирлар ижодида былганидек, Зорий асарларида щам шундай лавщалар анчагина учрайди. Щасби щол шеърларида муаллиф нафа =ат ыз шахсий щаётини, шу билан бирга давр ижтимоий мущитини щам поэтик акс эттиради. Тавсиф этилган манбалардаги шоир асарлари унинг ижодий мероси кылами кенглигидан дарак беради. +ы=он Адабиёт музейи ва ЫзРФА Шар=шунослик институтида са=ланаётган =ылёзма баёзлар Зорий асарлари жанрларининг ранг-баранглигини кырсатади.

Зорий асарларининг бир =анча баёзларга киритилиши, бир асарининг турли вариантлари мавжудлиги ва котиблар томонидан =айта-=айта кычирилиши, матбуотда намуналар эълон =илиниши щамда шеърларининг хал= томонидanг куйланиши шоирнинг ижтимоий щаётда фаол =атнашганини, унинг асарлари хал==а манзур былганлигини асослайди. Бу эса шоир Зорийнинг давр адабий мущитида ызига хос ырин тутганидан далолатдир.

# II БОБ. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИ

## 1-фасл. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ /ОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Лирик шеър ижодкорнинг оний туй\ул ари ифодаси экан, демак, щар бир лирик асар ызига хос бетакрордир. Таш=и оламдан олган таъсири асосида ижодкорнинг бадиий нияти, \ояси, кайфияти ва щолати у ёки бу шаклда юзага чи=ади. Шундай экан, шеъриятда мазмуннинг етакчи былиши шарт щисобланади. Адабиётшунос А.Щайитметов ты\ри таъкидлаганидек: «Щар =андай адабий жанр ызида илгариги =аламкашларни адабий тажрибасини тыплаган былиб, жанр сощасидаги бу тажрибадан щар =андай ижодкор ыз =обилияти ва ма=садидан келиб чи=иб ызича фойдалана олади»[1]. «Суврати щар =андай» былса-да, «назмда маъно»нинг етакчи былишига буюк мутафаккир Алишер Навоий ыз асарларида алощида эътибор =аратган эди.

XIX аср II ярмидаги адабий щаётда бадиий шакл ва мазмун тара==иёт йылидан борди, ытмиш адабиёт анъаналари ызига хос давом эттирилди. Адабий турлардан лириканинг \азал,

---

[1] Щайитметов А. Навоий лирикаси. - Т.: Фан, 1961.-Б.34.

мухаммас, мусаддас, рубоий, мураббаъ жанрлари етакчилик =илди. Мумтоз шеъриятимиз шаклларидан фойдаланган шоирлар бу жанрлар мазмуни, характери вазифасини ызгартириб бордилар.

Шоир Усмонхыжа Зорий щам ыз ижоди билан ызбек адабиёти ривожига салмо=ли улуш =ышди. Зорий шеъриятининг Лутфий, Саккокий, Атойи, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Щувайдо каби адабиётимиз намоёндаларининг ижодий мактабидан ози=лангани сезилиб туради. Шоир Зорий асарлари ыз даврининг бадиий мащсули былиб, унинг ижодидаги оригинал ташбещ, ёр=ин тасвир ва ызига хос бадиий кайфият ва лавщалар анчагина учрайди.

Шар= шоирларида былгани каби иш=-мущаббат мавзусининг \азалда акс этиши Зорий шеърияти учун щам характерлидир. Шоир Усмонхыжа Зорий щам =айси жанрда ижод =илмасин, бадиий нияти ва \оясини ызига =улай шаклда юзага чи=аради. Зорий мумтоз адабиётнинг =уйидаги жанрларида асарлар яратди:

1. /азал. 2. Мураббаъ. 3. Мухаммас. 4. Рубоий. 5. Мусаддас.

Маълумки, \азал Шар= адабиётида етакчи жанрлардан былиб, унинг асосий мавзуи иш=-мущаббатдир. ХУ асрда \азал жанри Алишер Навоий ижоди ор=али юксак чы==ига кытарилган былса, XIX аср иккинчи ярмида щам ривожланиб янги мазмун билан бойиди. /азалда анъанавий иш=ий мавзу билан ёнма-ён ижтимоий-сиёсий мавзу щам кенг ишланди. Щажвий \азалларнинг кыплаб ёзилишини Му=имий, Мущйи, Зав=ий, Писандий, /арибий, Аваз Ытар, Нодим каби шоирлар ижодидан мисол келтириш мумкин. Зорий ижодида лирик шеърлар билан бир =аторда тасаввуфий мазмунга эга мисралар щам учраб туради. Тасаввуф \ояларининг ифодасида Яссавий, Бо=ир\оний, Щувайдо, Машраб кабиларнинг таъсирини кузатиш мумкин.

Шар=шунос Е.Э.Бертельс, тасаввуф адабиётини ырганмай туриб мусулмон Шар=и маданий щаётини идрок =илиш мушкул эканини ёзган эди[1]. XI-ХУ асрларда яратилган тасаввуфий асарларидагидек сыфиёна \оялар кенг акс этмаса-да, Зорийнинг тасаввуфий дунё=арашини шу ощангдаги асарлари ор=али белгилаш мумкин.

Шоир ижодининг характерли хусусиятларидан бири шеърларининг марказида доимо етук, маънавий бой инсон =алби туради. Хощ иш=ий, хощ ижтимоий, хощ диний мавзуда былсин, барча асарларида шоирнинг орзуси, истаги, умиди баркамол инсон =иёфасини кырмо=дир. Унинг фалсафий дунё=араши быйича =алби мущаббатга ошно былган, иш=дан бохабар инсон ызини англайди, ызлигини топади. Инсоний иш= кечинмалари, оши= маъшу=лик муносабатлари шоирнинг мажозий иш= ща=идаги ыйлари ва туй\уларини ифодаласа, «худога мущаббат», «Мансур иш=и», «нафсдан кечиш» кабилар зикр этилган ыринларда ща=и=ий иш= тал=ин этилади.

Улу\ мутафаккир Алишер Навоий, мажозий иш= =уёшнинг тонгги нурлари былса, ща=и=ий иш= =уёшнинг шу =уёшнинг ызидир, деб фикр билдиради Инсоннинг инсонга иш=и ща=и=ий иш=нинг бир жузвидир. Ёхуд мажозий иш= инсон иш=ининг ибтидоси былса, ща=и=ий иш= интищодир. Адабиётшунос Ё.Исщо=ов Алишер Навоий асарларида иш= масаласини тащлил =илар экан, мажозий иш= ща=и=ий иш==а =арама-=арши =ыйилмаслигини таъкидлаб, шундай ёзади: «...мажозий иш= иш=и ща=и=ийнинг бир кыриниши ёки ща=и=ий иш= йылидаги ызига хос бос=ич сифатида бащоланади. Рущан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ызи айни ща=и=атдир»[2]. Зорий шеърларида щар икки иш= тал=ин =илиниб, шоир иш=нинг хосияти, оши=нинг рущий щолати, иш= сабабли =алб ва рущнинг камолга эришуви хусусида кып тыхталади. Бундай асарлар марказида инсонга эщтиром, уни улу\лаш \ояси туради. Шоирнинг мущаббат лирикасидаги етакчи тимсоллар щам иш=, оши=, маъшу=а, ра=ибдир. Бу тимсоллар ор=али шоир инсоний иш= кечинмаларини образли тасвирлайди.

«Деб айтинг» радифли \азалида у сабога мурожаат =илиб, ёрга ыз изщорларини етказишни сырайди:

Сабо, мундин бориб мащбубима, эй ёр, деб айтинг,

---

[1] Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965. –С.54.

[2] Исщо=ов Ё. Навоий поэтикаси. - Т.: Фан, 1983. –Б.25.

Йылингда мубталоюю сенга арзи бор, деб айтинг. (25б.)[1]

Сабога, тонг насимига мурожаат =илиш мумтоз адабиётимизда анъана былиб, Хоразмий, Навоий, Бобур каби шоирлар ижодида учрайди. Уларда тонг насими гыё оши= ва ёрнинг бир-бирига хабар келтирувчи восита сифатида намоён былади. Навоий:

Эй сабо, щолим бориб сарви гуландомимга айт,
Йи\ларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Зорий \азалида «сабо» образи хабар элтувчи воситагина эмас, балки лирик =ащрамоннинг я=ин щамрози сифатида намоён былади.

Щар =айси ижодкорнинг зикр этилган асарида оши= щолати ва маъшу=а гызаллиги тавсиф =илинади. Зорийнинг ташлилга тортилган мазкур \азали ызига хос во=еабанд сюжетга эга. Лирик =ащрамон оши= \ам ютавериб, ба\ри пора-пора, афгор щолда тасвирланади. У тонг сащарда сабо ор=али ёрга ыз щолидан хабар етказмо=чи. Ёрдан лутфу марщамат кутган оши= мабодо ращм ырнига жабру жафо кырса, бу дунёда юра олиши =ийинлигини таъкидлайди.

Шоир ташбещдан фойдаланиб, хал=нинг жонли сызлашув тилидаги «бошига осмон =улади» иборасини мащорат билан =ыллайди:

Жафоюю жавр ила оши= иши мунда ытар былса,
Тушар бошига гыё гунбади даввор деб айтинг. (26б.)

Айланиб турувчи фалакнинг доимий иши лирик =ащрамонга жабр кырсатишдир. Ёрга ушбу щолатларни баён =илар экан, лирик =ащрамон ёрнинг келишини илтимос =илади, унинг висолидан бещад шод былишини айтади. Бу изщор, баёнларни оши= «мущаббатнома» деб атайди. /азал сюжетидан оши= ыз щолатини мактубга битгани ва уни сабо ор=али юбораётгани маълум былади. «И=рор хати»ни оши= ёрдан тумордек асрашини сыраб мурожаат =илади. Хал=имизда тумор му=аддас бир буюм щисобланади. Шу маънода оши=нинг хати мащбубага му=аддас былмо\и кераклиги =уйидагича тасвирланади:

Мущаббатнома ёзди айлаюб Зорий таваллолар,
Иложи былса =ил\ил быйнунгга туммор деб айтинг. (27б.)

Шоир яна бош=а бир \азалида ёр тасвири ва оши= щолатини образли тасвирлар экан, ёрни «лайливаш», «гулузор» деб атайди. Унингча, дашту далалардаги сувлар сув эмас, оши=нинг =онли ашкидир. Бунда шоир мубола\а ор=али тасвир кучини яна щам оширади. Ушбу \азал тадрижида =изил ранг билан бо\ли= ыринларни алощида таъкидлаш мумкин:

+изорган гул эмас щар бо\ аро бир гулситон ичра,
Туну кун ёрни щажрида чашми хуннисоримдур.(3 а в.)[2]

Кырунса шуълаеким бар= деб они хаёл этманг
Ыт эмас яшнаган жисмимда, мавж урган шароримдур.(4а)

«+изарган гул», «чашми хуннисор», «кыкси до\дор», «ыт», «шарор» каби сифатлашлар ранг жищатидан мос былиб таносуб санъатини щосил =иляпти. /азалда мазкур бадиий санъат шоирнинг \оявий-бадиий ниятини образли юзага чи=аришда асосий усул лардан бири щисобланади. Иш= алангасида ыртанган оши=нинг доимий насибаси \ам, макони вайроналар, улфати \ам, щатто хешу табори – авлод-аждодлари щам кулфатдир. Шоир шундай ташбещ ор=али оши=нинг рущий ащволи ща=ида сыз юритади.

Хал=имизда бирор мущим гап, насищат, ыгитни «=уло\ингга сир\адек та=иб ол» деган ибора бор. У шоир =аламида =уйидагича шаклланган:

Насищат берган эрди чи=ма ращдин неча хыблар,
Алар сызи щамиша менга олтун гушворимдур. (4б.)

Хал= ма=оллари ва иборалар муаллифнинг фикрини ыхшатиш, =иёслаш, хулоса =илиш щамда образли ифода асосида акс эттириш учун мущимдир.

---

[1] Баёз. А.Мадаминов шахсий кутубхонаси. (Кейинги ыринларда А.М. ш.к. =ис=артмасидан фойдаланамиз.)

[2] Баёз. +АМ. инв.№Р 101-159.

Ёру диёрсиз =олган оши= образи Бобур ва Фур=ат ижодлари учун хос былса, Зорийнинг мазкур \азали ма=тасида лирик =ащрамоннинг ыз юртида ща=ирлиги, мусофирлиги таъкидланади. Бу щол, айни замонда, шоирнинг лирик шеърларида щам ижтимоий мотивларнинг сезиларли ырнидан дарак беради:

Бу ерда Зорийи ащ=арнинг элга эътибори йы=,
Мусофирдек юрарман мунда, гарчи ыз диёримдур. (4б)

/азал яратилган даврда Туркистон ылкаси чоризм истибдоди остида эдики, шоир ихтиёри ызида былмаган хал=нинг фожеасини ызига хос акс эттиргандек туюлади бу мисраларда.

Шуни таъкидлаш ыринлики, шоир лирикасида мащбуба доимо идеал ёр сифатида тасвирланади. А.Щайитметов «Навоий лирикаси» асарида: «Шоир (Алишер Навоий-Д.А.) ёр образининг \оявий мощиятини унинг таш=и гызаллиги ор=али очишга интилиши»ни таъкидлаб, «ёр образининг биринчи специфик хусусияти ва энг мущим томони унинг гызаллигидир», деб ёзади[1]. Чиндан щам бу таъриф кыпчилик шоирлар ижодига мувофи= келади.

Зорий тасвиридаги маъшу=а щам зощиран, щам ботинан гызал. Унинг бенищоя камолоти, тенгсиз жамоли сыз ор=али мащорат билан тасвирланади. Ёрнинг сиймоси ы=увчи кыз ынгида ани= гавдаланади. Шоир ёрнинг нафа=ат зощиран гызал былишини, лутфи, сущбати дилбар былиши кераклигини таъкидлайди. «+ийнаманг» радифли \азалида щам ана шу масалалар кытарилади:

+ийналиб жоним тоза ращм айлангки, жоно, =ийнаманг,
Авлиёларни ща=и, эй мажлисоро =ийнаманг. (62 б.)

матлаи билан бошланадиган ушбу \азал ызининг равонлиги, ыйно=илиги щамда ощори тыкилмаган радифи билан ажралиб туради. Кейинги байтларга эса ижтимоий мазмундор фикрлар сингдириб юборилган:

Бу замон мардумлари бир-бирга найрангу фириб,
Пеша солмай зулмни, айланг мувосо =ийнаманг. (63 а.)

Шоир лирикасида анъанавий оши=, маъшу=а тимсоллари билан бирга ра=иб тимсоли щам ызига хос сюжет манзараси яратишда мущим роль ыйнайди. Найрангбоз, фирибгар шахслар оши=нинг албатта зидди, ра=иби. Ра=иб мащбубанинг йылини пойлайди, ыз фириб тузо\и билан уни йылдан урмо=чи былади. Оши==а элтар йылнинг устига мудом тузо= =ыйиб кутади:

Йыл узра =урмиш давомат шум ра=иблар домни,
Донасига =илмайин бир зарра парво, =ийнаманг. (63 а.)

Мащбуба щамиша ма\рур, ви=орли. Унинг юзи =анча оши=лар хайлини хароб =илган. Шоир уни Чин шохининг =изига ыхшатади:

Гул юзингиз ёдида бир нечалар былди хароб,
Чин шощининг =изидек сарвосо, =ийнаманг.(63 а.)

Зорийнинг \азал ва мухаммаслари, мураббаъ ва мусаддасларининг вазни, ощанги, радифи, услуби жищатидан щам ранг-баранг. «+илурсан» радифли \азал ызининг муси=ийлиги, ыйно=и ощанги билан енгил ы=илади. Тасвирларнинг ёр=ин, услубнинг соддалиги жищатидан хал= =ыши=лари рущига я=ин бу \азалнинг матлаи =уйидагича:

Бир \амза била сен мени девона =илурсан,
Ращм айласанг, эй дыстки, щамхона =илурсан[2].

Кейинги байтда маъшу=анинг сунбул сочи тасвирланади:

Рашким келадур сен тарасанг сунбул сочинг,
Сочингни тараб, мащрамингни шона =илурсан.

Мумтоз адабиётда ёр сочининг сунбулга ыхшатилиши анъана. Лекин оши=нинг маъшу=ани таро= (шона)дан рашк =илиши камдан-кам шоирларда учрайдиган лавщадир. Шоир Хилватий \азалига бо\лаган мухаммасида ёрнинг сочини ёзиб бо\да сайр =илишигача былган тасвирни янги лавщалар билан кенгайтиради, ривожлантиради:

---

[1] Щайитметов А. Навоий лирикаси. - Т.: Фан, 1961.-Б. 175.

[2] +АМ. инв.№469. Мирзо Щы=андий архиви. Алощида вара=.

Ни=обин очди-ю айлаб, нигощ таъбимни чо\ этди,
Гощи щижрони бирла =онлу ашкин чун було\ этди,
+аро зулфини фигори лоладек сийнамда до\ этди,
Тун ул гулрущ ёзиб сунбул сочини сайрибо\ этди,
Тамоми рангбы андин, на бо\у чамандандур[1].

Ю=орида келтирилган байтдан оши= табиатининг бир =ирраси очиладики, у рашкчи. У щатто маъшу=ага тааллу=ли жонсиз буюмлардан щам рашк =илади. Шундай былгач, агар маъшу=а инсонларга кыриниш бергудай былса, нима щолат юз беради? Душманга юз кырсатса-чи? Бу щол оши= дилини тамоман вайрон =илади. У ёрни «шощи азизим» деб атаб унга =уйидагича мурожаат этади:

Ращм айлагил щолима, эй шощи азизим,
Фарёду фи\он айласам, аф\она =илурсан[2].

Ёрнинг жафожылиги, оши==а бемещрлиги \азал сынггида таъкидланади. Маъшу=а ра=ибларни ызига сущбатдош =илади-ю, оши=ни эса бегона щисоблаши айтилади.

«Йы=» радифли \азалини щам Зорийнинг шаклий, бадиий изланишларининг самараси сифатида кырсатиш мумкин. /азал =уйидаги матлаъ билан бошланади:

Юзунгни кырмасам, эй ёр, мени бир дам =арорим йы=,
Былуб рози ылумга, бу жащон ичра турорим йы=[3].

Оши= щолати тасвирланган ушбу \азалда зул=офиятайн, тазод санъатлари ор=али шоирнинг \оявий нияти поэтик акс эттирилган:

Ки хощ лутфу вафо =ил\илки, хощ жавру жафо =ил\ил,
Бошим тандин жудо =ил\илки, сендин ызга ёрим йы=. (2а.)

Вафо, жафо сызлари зид маъноли былиб, тазод санъатини юзага чи=аромо=да, айни ва=тда, бу сыз жудо сызи билан бирга мисралараро келиб, ички =офияни юзага келтирган. «+ил\ил» эса байт мисраларидаги ички радифдир. Кейинги байт мисралари ички =офияланган:

Менки =улингдур ылгунча, ылуб тупро==а бот=унча,
+иёмат тонги от=унча бу =улли=дин тонорим йы=. (2а)

Зорий \азалда шаклий изланишлар билан щам ыз мащоратини синаб кырди. Унинг ижодида щам бош=а шоирларда былгани каби \азал-мувашшащ намунаси мавжуд. «Нормущаммаджон» деган шахс номи яширилган \азалнинг 5,6,7-байтлари мавжуд эмас. Буни исм щосил =илишда баъзи щарфларнинг етишмаслигига кыра ани=лаш мумкин.

Маълумки, мувашшащда инсон ёки предмет номи яширилган былади. Лекин мувашшащ номи яширилган шахсга ба\ишланган ёки унга ало=адор былмаслиги щам мумкин. Ызбек адабиётида мувашшащ шаклида ёзилган \азал, рубоий, мухаммас, тыртлик намуналари учрайди. Байтлардаги биринчи мисраларнинг, баъзан жуфт мисраларнинг бош щарфлари ажратилиб ы=илса, киши ёки нарса номи щосил былади. Одатда шеърда яширилган исмни топишга ишоралар берилади, баъзан ишоралар берилмаслиги мумкин. Адабиётшунос олимлар М.Шайхзода ва А.+аюмовлар Фур=ат мувашшащлари ща=ида фикр юритиб, Фур=атнинг кынглига я=ин кишиларига атаб мувашшащ ёзганлиги ва уларга инъом этганлиги, баъзи мувашшащлар ышаларнинг илтимослари билан ёзилган былиши мумкинлигини таъкидлайдилар. А.+аюмовнинг мана бу фикрлари щам характерлидир: «Мувашшащ- \азалда келтирилган сифатлашлар, шоирона тасвирлар кыпро= шар= адабиётига хос анъанавий характерга эга. Мувашшащ шоир мащоратининг бир намойиши»[4].

Зорийнинг мувашшащи лирик \азал былиб, матласи =уйидагича:

---

[1] +АМ. инв.№19. Алощида вара=.

[2] +АМ. инв.№469. Мирзо Щы=андий архиви. Алощида вара=.

[3]Баёз. +АМ. №610. 2 а в.

[4] +аюмов А. Шеърият жилолари. -Т.: Ы=итувчи, 1997. –Б.45.

Наво =илгучилар жоно, гулистонингга =ул былсун!
Щама рангин са=олар лаъли хандонингга =ул былсун![1]

Ёрнинг =ошу киприклари жаллод мисол оши=ни =атл этса щам оши=нинг бу та=дирга ризолиги =уйидагича бадиий акс эттирилади:

Мижанг жаллодини =ошинг нусрат этса =атлима,
Ризо майдонида рущум бу фармонингга =ул былсун!

Зорийнинг \азал-мувашшащи номи яширилган шахсга ба\ишланган эмас. Мувашшащ сынггида исм яширилганига ишора берилган:

Нафосат нурини дарж этти Зорий, гарчи номингга,
Кавокиб шуъласи хуршиди рахмонингга =ул былсун!

Лирик асарларида шоирнинг «мен»и оши= сифатида намоён былар экан, бу образда инсон =албининг иш= йылида чеккан маша==атлари, рущий ащволи, ёрга интизорлиги, илтижоси ва муножоти бадиий тажассумини топган.

Зорий лирикасининг щам \оявий, щам бадиий етук былишида Шар= мумтоз адабиёти анъаналари ва хал= о\заки ижодининг роли мущим былган. Ытмиш салафлар бадииятига хос ифода усуллари, услуб щамощанглиги, бадиий \оя ва фикр йысинига хослик кузатилади.

Лирик мухаммасларда шоирнинг маъшу=а тимсолини акс эттиришида, унинг таш=и =иёфасини батафсил тасвирлашда бу шакл Зорий учун анча =улай имконни беради. Шоир «Фалак даврında, жоно...» деб бошланадиган мухаммасида ёрни лаби лаъл, юзи =изил гул, =ошлари щурларникидек, =адди суман, тани кумушдек, гыё гулдан кийим кийган, бели нозик, кызи оши=ни ылдирадиган жаллод, киприклари ы= каби тавсиф =илади:

Фалак даврида, жоно, эй пари, жисм ичра жонимсан,
Лаби лаълу, юзи гул, щурваш абрукамонимсан,
Суманбар, сиймтан, гулпиращан, нозукмиёнимсан,
Кызи жаллоди оши=куш, ажаб мужгонсинонимсан,
+аю гулшан гулисан, ё щурони жащонимсан?[2]

Ушбу мухаммас ёр тавсифи билан бошланиб, биринчи ва иккинчи мисралардаги сифатларнинг уюшиши танси= ус-сифатни щосил =илган. «Танси= ус-сифат улдурким, бир нимани изма-из келган бир неча сифат била таъбир =илурлар»[3].

Бешинчи мисрада шоир тажощул-ул ориф санъатини =ыллаб, гызал бадиий ифодага эришган. Тажощул-ул ориф шундай санъатки, «сызлагувчи бир нимани билур, аммо бир нукта била ызни билмагандек кырсатур»[4]. Бу ыринда шоирнинг ёрдан ким эканлигини сыраши тажощулул-орифдир.

Шоир ёрни тавсиф =илар экан, тажощулул-ориф санъатидан фойдаланиб, бу тавсифларни таъкидлайди, ёрнинг гызаллигига кучлиро= ур\у беради. Унинг фикрича, маъшу=а =анчалик гызал былмасин, оши= унинг йылида жон фидо этмасин, у бепарво, берган ваъдасининг устидан чи=иши даргумон. Маъшу=а гощ ситам =илади, гощ мещрибонлик =илади. Зорий иш=ий шеърлари учун аввал ёрни тавсифлаб, сынг унга мурожаат этиш характерлидир.

Маъшу=а тимсоли тавсифи, оши= щолати баёни ва иш=нинг =удратини тавсифлаш шоирнинг кыпчилик лирик мухаммас ва \азаллари учун хос. «Былмаса» радифли лирик мухаммасида шоир ушбу баёнларни кенгайтириб, санобар =адли гызал маъшу=ани бо\да учратиб =олиш орзуси ща=ида бо\бонга =арата мурожаат =илади. Щазажи мусаммани мащзуф вазнида ёзилган ушбу мухаммасда оши= кыриниши мубола\али тасвирланган:

Мавж урар хуноба ашким кызларим дарёсидин,
Жон =уши парвоз этарга =асд этар маъвосидин,
Ощким, ылдум гызаллар нозу исти\носидин,

---

[1] Алощида вара=. А.М. ш.к.
[2] Баёз. А.М. ш.к. 47 а.
[3] Щусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ.-Т.: Адабиёт ва санъат,1981. –Б.239.
[3] Ыша асар.-Б.132.

Ин=илоб ылди кынгуллар =ошининг и\восидин,
Тинчимас жону кынгул бир сулщпарвар былмаса(15а.)

Жоннинг =ушга ыхшатилиши ва унинг парвозга тайёр тургани ызига хос ташбещ былиб, оши=нинг жонфидолилиги, безовта рущий щолати тасвирланади.

Лирик шеърлар ичида Зорийнинг Му=имий асарлари рущида ва услубида ёзилган, =офия ва радифи щам айнан былган мухаммас учрайди. Айтиш керакки, давр адабиётида назира, татаббуъ битиш анъана эди. Му=имийнинг «А=лу щуш учди...» бошланмали \азали мувашшащ былиб, у Адолхон исмли аёлга ба\ишланган. Бу мувашшащ мухаммас шаклида щам ёзилган.

Му=имий мухаммаси =уйидаги банд билан бошланган:

То асир ылдим ышал кун сен каби жонона ман,
Заръи щуснинг хирманидин бир теролмай дона ман
Тобакай мундо\ куярман оташи щижрона ман,
А=лу =уш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе =ил, эл ичра былмайин жононаман[1].

Зорий шу услубни са=лаган щолда, «А=лу щуш учти бошимдин, эй пари, девонаман» мисраси мазмунини биринчи мисрага чи=ариб, ундаги мазмунни кучайтиради ва янги тафсилотлар билан бойитади:

Сабру щушум щам кетибдур, телбаман, девонаман,
Пурзиёли\ бобида сен шамъу мен парвонаман,
Булмасал машщури халойи=, чу\здек вайронаман,
/урбат ащлидин былай десанг яна бегонаман,
Бу жамоли наргисингдин ыт била щамхонаман[2].

Му=имий мухаммасида оши= щолати «шомдин то субщидам» ёр щажрида ёнаётган шамга =иёсланса, Зорийнинг лирик =ащрамони ытда ёниб щалок былувчи, «ытга щасрат =илаётган» самандар=ушга ыхшатилади.

Зорий тасвиридаги маъшу=анинг кызлари жаллод, у оши=нинг бор жащонини барбод =илади. Унинг киприклари кескир шамширга ыхшатилмо=да. Шоир тимсоллар яратиш ва ифода усулларини =ыллашда ызига хос йылдан боради. Му=имий газалида оши= ёридан айрили=да тасвирланади. Зорийнинг мазкур \азалида эса лирик =ащрамоннинг ёр сызларидан кынгли =увнаши, демакки, у билан кыриша олгани тасвирланади.

Ю=орида таъкидлаганимиздек, Зорий асарларида аввалги даврларда ытган сыфий шоирлар ижодидаги тасаввуф \ояларининг ифодаси каби сыфиёна =арашлар ани= акс этмаса-да, у ызининг замонаси кишиси сифатида бу йыналишда маълум фикрларни баён =илган. Баъзи мисралардаги тасаввуф тал=инлари анчагина жын. Шуниси эътиборлики, Зорийнинг тасаввуфий шеърларида Инсон ва Ща=, олам ва одам ща=идаги фалсафий =арашлар намоён былади. Хусусан, =уйидаги матла билан бошланадиган \азалида ващдати вужуд \оялари сезилади:

Азал ващдоният дарёсидин =айнаб-тошиб келдим,
Неча парда щижоб у=балардинким ошиб келдим[3].

Шоир =аламга олган ващдоният ты\рисида манбаларда тасаввуфий истилощ сифатида, ващдат - бирлик, яккалик, ёл\излик деб изощланади. «Ща=и=ий маънода бир вощид Ща=дир.»[4] Ващдати вужуд тасаввуфдаги назария былиб, унга кыра Аллощдан таш=ари бирор борли= мавжуд эмас[5].

---

[1] Му=имий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.307.
[2] Баёз. А.М. ш.к. 2 а в.
[3] Баёз. А.М. ш.к. 56 б.
[4] Uludag S. Terimleri sozlugu.-Istanbul, 1991.-s. 552.
[3] Бу ща=да =аранг: Турар У. Тасаввуф тарихи.-Т.: Исти=лол, 1999.-Б.545; Ща==улов И. Тасаввуф ва шеърият. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.-Б.175-178; Кароматов Щ. +уръон ва ызбек адабиёти.-Т., 1993.-Б.50.
[4] Турар У. Ыша асар.-Б.89.
[5] +уръони Карим. Ызбекча изощли таржима. Атоуллощ Мансур таржимаси. - Т.: Чылпон, 1992.-

Ща= таоло инсонни ыз нафасидан яратган. Инсон рущи асосида Ща=нинг нафаси бор. Шу рущ моддий оламда яшаб такомил бос=ичларини босиб ытгандагина «рущ илк яратилган ва=тдаги аслий софлигига =айтади»[1]. +уръони Каримда инсоннинг яратилиши ща=ида шундай оят бор: «У инсонни (яъни одамни) даставвал лойдан яратди. Сынгра уни (инсон =илиб) ростлаб, ичига ыз (даргощидаги) жондан киритди». (Сажда.32:7-9.)[2]

Зорий =аламга олган «ващдоният дарёси» лу\атларда =уйидагича таърифланади: «Дарёи ващдат: Бирлик денгизи. Зоти кибриёнинг тажалли этиши»[3]. Ща= таоло Одамни яратиб, барча мавжудотлардан шарифи мукаррам =илди. Шоир Зорий инсоннинг жаннатда яшагани ва ерга туширилгани ща=ида сыз юритиб, «неча парда щижоб у=болардин» - неча минг олам ичидан келганини айтади. Манбаларда келтирилишича: «Ващдати вужуд: ирода ва мушощадада былганидек, борли= жищатидан щам бирлик =абул =илинган бу бос=ичда Аллощдан таш=ари бирон борли=нинг ща=и=атда мавжуд эмаслиги тан олинган»[4].

Инсон икки асосдан - тан ва рущдан ташкил топган. Унинг рущи юксалишга, тани тубанлашишга мойил. Инсонга ща=нинг нури, нафаси кирган ва=тда унинг мартабаси улу\лашди, оддий тупро=дан азиз хил=атга айланди. Шоир фикрларини давом эттириб, инсоннинг ерда яшаши буюрилганини айтиб ытади:

Тамоми мартабам аълодин аъло эрди андо=ким,
Аносиру арбаа аднога мундо= эргашиб келдим (57 а).

Аносиру арбаа - тырт унсур: сув, тупро=, щаво, олов. Адно- энг арзимас, тубан. Ушбу жисмлардан яралган одам Ща=нинг =удрати билан аъло мартабага эга былди. Ща= таоло барча фаришталарни одамга мусаллам былишга буюрди. Унга фа=ат шайтон быйсунмади. Кейинги байтга эътибор берайлик:

/азоли ишратим бирла тараб-айшим ли=о эрди,
Былиб =исмат чунин андо\ манозилдан тушиб келдим (57а)[5].

Тараб-айш - шодлик, хуррамлик, ли=о - кыриниш, манозил - бу ерда Одам Ато ва Момо Щавонинг жаннатдаги осуда щаётлари назарда тутилмо=да. Ща= таоло Одам Ато ва Момо Щавони шайтон ыз йылига о\дирганидан сынг жаннатдан ерга тушишни буюрган эди. +уръони Каримнинг «Ба=ара» сурасида =уйидаги оят бор: «Бас, уларни шайтон йылдан оздириб масканларидан чи=арди ва айтдик: «Тушингиз (жаннатдан ерга)! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум ва=тгача (амалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсиз»(Ба=ара.2:36)[6].

Кыринадики, Зорий \азалида инсоннинг =андай яралгани, инсонийлик мощияти ва ща=и=ати ты\рисидаги масалаларни =ыйган.

«Дейдурман» радифли \азал щам шоирнинг олам ва одам ща=идаги фалсафий =арашларининг давомидир. Лирик «мен» щар =андай овоз ва щар бир щуснда Ща=нинг жамолини кыради:

На ун келса =уло\има, садойи ёр дейдурман,
На тарзи щусн кырсам, ул рущи дилдор дейдурман[7].

Оламдаги барча ашёларда Ща= жамоли зощир былади. Щар бир инсонда Ща=нинг зарраси бор. Инсон ызини бош=а оламлар ор=али билади. Щадисда щам шундай келтирилади: «Щар бир мымин банда ыз биродарининг кызгусидур. У биродарида бир айбни кырса ызида былган шундай

---

Б.377.

[6] Uludag S. Ыша асар.-S.143.

[4] Турар У. Ыша асар.-Б.145.

[5] +ылёзмада =офия шундай: «тушиб» тарзида келган.

[6] +уръони Карим.-Б.10.

[7] Баёз. А.М. ш.к. 57 б в.

айбни тузатишга щаракат =илиши керак»[1].

Ызгаларнинг савоб-гунощига, маънавиятига, ички оламига масъулият щис =илиш тафаккур одамларига хосдир. Шоир наздида щам бундай хислат \офил эмас, щушёр бедор кишиларда билади. Ызини ва ызгаларни айбу ну=сонлардан поклашга интилиш иш= туфайлидир. Кимки мущаббат йылида жонини тиккан былса, у оши=лар сафидадир:

Мущаббат кыйида щар ким дилу жонини фидо =илса,
Чу оши=лар сафида Мансури бар дор дейдурман (58 а).

Шоир бу ыринда Щаллож номини иш=да собитлик тимсолида келтирмо=да. Манбалардан маълум былишича, Мансур Щаллож =атлидан сынг ердаги дарахтлару ысимликлар, мавжудотлар «Аналща=» деб унинг сызини такрорлаганлар[2]. Шоир щам гыё жащондаги эшитилаёттан щар овозда Ща=нинг садосини эшитади. +уйидаги байтда эса шоир гызал ташбещ билан агар овоз былмаса, най =уру= чыпдир, деган ифодани келтиради:

Кырунг овозни =айдин келур щаргиз бир чыби хушкдур,
Ки, щар тан ичра жондур ул, билинг саттор дейдурман.,(58 б)

Жоннинг вужуд ичидаги щолати, яъни баданнинг рущни ёпиб туриши (саттор - ёпиб турувчи) =уру= чыпдан овоз чи=аётган - найга =иёсланмо=да. Н.Комиловнинг изощлашича: «Най - Аслидан ажралган рущ тимсоли, оши= =алб рамзи. У аслига =араб тинимсиз равишда интилади, нола-изтироблар билан ызлигини ва ыз Роббини англаб боради»[3]. Инсоннинг яшашдан муроди Комиллик экан, бу даражага у аввало покиза ахло= ор=али эришади. Ща= йылига кирган инсон эса, ю=орида таъкидлаганимиздек, бедору щушёр - кынгил кызи очи=, \афлатдан йиро= былади. Зорий =атор асарларида одамларни \офил былмай, атрофидаги во=еалардан огощ былишга ча=иради. /азалларда ахло=ий мавзунинг акс этиши щам Зорий ижоди учун характерли. Инсон ыз-ызини англаши кераклигини =уйидаги байтда тар\иб =илади:

Дило, огощ былгил, чашми тарларни тамошо =ил,
Щама сармаст ыздин - бехабарларни тамошо =ил(55а)[4].

Одамларнинг кызлари ёш, баъзилари дунёвий лаззатлардан сармаст, не щолда эканликларини англамайдилар. Уларнинг кызлари кыр, =уло=лари кар. Бундай маънавий ин=ирозлар щалокатга олиб боради. Шоир мол дунёга мещр =ыйган «дил щажар» - ба\ритош, «шери нарлар»ни тан=ид =илади. Унинг фикрича, а=л-идрокли кишилар яхшилар билан сущбатда былади, ва=тини \анимат билади, ыткинчи нарсалар кетидан =увмайди:

Ызин билган кишига соати сущбат \аниматдир,
Агар идрокинг ылса ращгузарларни тамошо =ил (55 б).

Щувайдо \азалларидан бирида щам Зорий илгари сурган масалалар маълум даражада ыз ифодасини топган. «Андиша =ил» радифли \азалида Щувайдо \ам одамларни бедорлик, яъни =албан ва а=лан уй\о=, щушёр былишга ча=иради. Хусусан, одамларнинг ыз сирри асрорини са=лаши зарурлигини, щар кимни мащрам деб билиш хатолигини айтиб ытади:

Рози дилни айтмагил, щар кимни сен мащрам билиб,
О=ил эрсанг, мащрами асрордин андиша =ил.

Щувайдо ва Зорий шеъриятининг муштарак жищатлари шундаки, щар икки шоир ижодида щам инсоннинг ички маънавий олами камолоти асосий ыринда туради. Инсон камолотида камтарлик, камсу=умлик, фа=ирлик мущимдир. Бу фазилатлар кыпчилик сыфий шоирлар =аламида тавсиф ва тар\иб этилган. Яссавий щикматларида, Щувайдо ва Щазиний \азалларида бу мавзу анча кенг ырин олган. Зорийнинг «Был» радифли \азалида шу сингари комил ахло= масалалари кытарилган:

+ачон дунёга келдинг, хал= аро расвои олам был,
/ариблар остонида итидин доимо кам был (50 б).

Шар= шеъриятида ит хоксорлик, садо=ат тимсолидир. Шоир \азал матласида \ариб, бечоралар

---

[1] Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад.-Т.:Ызбекистон,1990.-Б.81.

[2] Рущдий М.С. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар.-Т., 1995.-Б.104.

[3] Комилов Н. Тасаввуф. К.2. Тавщид асрори.-Т., 1999.-Б.30.

[4] Баёз. А.М. ш.к. 55 а в.

остонасида щатто итидан щам кам былишни, такаббур былмасликни образли ифодалайди. Яссавий эса «Уммат былсанг \арибларга тобе был\ил», - деб \арибликнинг инсонлар учун бир нажот йыли эканини баён этади. «/ариб инсон» яссавийликда комил инсонга му=обил келади»[1].

Хокисорлик, ызини тупро= сифат билиш, фа=ирлик инсон =албида ызгаларга шаф=ат, мещр-мурувватни тарбиялайди. Ызини Ща= олдида ожиз, нотавон щис этиш, худога былган мусалламлик Зорий диний мавзудаги шеъриятининг ма\зини ташкил =илади.

Инсон яшар экан, щаётини ибратли ва мазмунли ытказиши керак, нафсу щавога берилмай яшамо\и лозим, деган хулоса илгари сурилади. Нафспарварлик, бузу= маишат одамни \офил =илади. Шу боис шоир огощликка ча=иради:

Ытарлар бар=дек билсанг агар щою щаваcларким,
Егил у=бо \аминким ылгунингча дийдаси нам был(51 а).

/азалнинг сынгги байтида шоир хаста, бечораларга ёрдам беришга, «хастаю бечораю афтодаларни» кырган защот дардига дармон былишга ча=иради.

Зорийнинг бу тур шеърлари ахло=ий-дидактик мазмунга эга. Нафсни енгиш, салбий =усур ва феълларни ташлаб, маънан покланиш, ызгалар дардини ызиники деб билиш Ща= йылида самимий тоат-ибодат =илиш, Ща= иш=и билан яшаш каби масалалар Зорий шеърларида кызга ташланиб туради.

Охиратни унутмаслик, сынгги кунини ыйлаш, \ариб, бечораларга мещр-шаф=ат кырсатиш кынгил кызи очи= кишиларга хос. Чиндан щам, «Юзаки хушбахтлик, илдизсиз =увонч, сохта интилишларга кыникиш, буларга бефар= =араш ижтимоий щаёт, одамлар ахло=и учунгинамас, шеъриятга щам кони зиёндир»[2]. Зорий эътирофича, =анчадан-=анча шощлар давру даврон суриб ытган былсалар-да, жащон лаззатлари уларга доимий =олгани йы=. Охиратни ёдда тутиш инсонни такаббурликдан, манманликдан =айтаради, мол-дунёга орти=ча щирс =ыйиш, дунёпарастлик бефойда, аксинча, зиён эканини эслатади. Шоир таъкидлайдики, агар энг ю=ори мартабаларга эга былсанг-да, «щафт осмонга етса бошинг» барибир Ща= олдида бандасан. Шунинг учун Иброщим Адщам сингари «ыздин кечиш» зарур. Иброщим Адщам тожу тахт, молу мулкдан кечиб Ща= йылини тутган сыфий. Унинг тимсоли адабиётда фа=ирлик, фоний нарсалардан дилни хориж =илиш - мосуволикнинг рамзи былиб келади. +уйидаги байтнинг мазмун ва \ояси жищатидан Яссавий щикматларига щамощанг, ыхшаш жищатлари кып. Эътибор =илайлик:

Аё Зорий, =аридинг яхшилар доманин ушлаб,
Тур эмди, =очмагил бошингни юз минг тепса щам дам был (31 б).

Ю=оридаги мисраларда яхшилар ор=асидан эргашиб, уларнинг =ошидан кетмаслик, уларнинг назаридан =олмаслик тар\иб =илинади.

Таъкидлаш ыринлики, мухаммас жанрида диний-ахло=ий, ижтимоий-сиёсий мавзунинг ишланиши я==ол кызга ташланади. Бу шеърий шакл ижодкорга тан=идий, щажвий йыналишдаги фикрларни баён этишида щам кенг имкон беради. Зорийнинг биз =ылга киритган асарларининг кыпчилиги мухаммас шаклидаги шеърлардир. Айтиш мумкинки, Зорий ижодида мухаммас салмо=ли ыринни эгаллайди.

Алишер Навоий маснавийни «васе майдон», яъни кенг майдон деган былса, XIX аср II ярмидаги адабиёт учун мухаммас шундай имконни берган.

Шоир ижодида айни=са, мусулмонликнинг фарзи былган щаж зиёрати ща=идаги бирмунча асарлар учрайди. Ыз ватанида ызини мусофирдек щис =илган шоир му=аддас жойларни зиёрат =илишни кызлайди. «Эй, мусулмонлар...» деб бошланадиган мухаммасида муаллиф щижрат =илиш, Каъбани тавоф этиб, айбу гунощлардан покланишни лозим деб билади. Мухаммасда замона щолати ва ащли замон хул=и-атвори мавзуси яна марказда туради. Элда издан чи==ан

---

[1]Яссавий Щожа Ащмад: щаёти, ижоди ва анъаналари.-Т.,2001.-Б.68.

[1] Ща==улов И. Шеърият - рущий муносабат. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б.92.

ахло= масалалари, ота-онага щурмат йы=олгани, одамларнинг бир-бири билан муносабатларидаги ёл\он, хусумат, авж олган бидъатлар, шунингдек, «дононинг боши сарнигун» эканлиги таъсирли мисраларда =аламга олинади. Шоир дунёни гыё =афасга ыхшатади, яъни инсоннинг инон-ихтиёри ызида эмаслигини, балки =улликда кун кыраётганини бадиий быё=ларда тасвирлайди. Мухаммасда бундай адолатсиз щолатнинг мустамлакачилик сиёсати о=ибати былганлигига ишора мавжуд. Шоир таъкидлашича, «дунё мыминлар учун =афас былди». Мисраларнинг «мен» эмас, балки «биз» номидан битилиши щам («юрмадук», «додимизга»...), шунингдек, хитоб-мурожаат рущи щам («дыстлар!») ди==атни тортади:

Дыстлар, мыминга былди ушбу дунё чун =афас,
Шодли\да юрмадук олам ичинда бир нафас.
Чархни айланг тамошо-бозлар ылди магас,
Додимизга етгуридур холи=им фарёдрас,
Ухламай булбул киби айлаб наво, щижрат =илинг (93 б).

Шоирнинг зиёрат мавзусига =айта-=айта мурожаат =илишининг яна бир бош=а сабаби мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар щам эди. Зорийнинг асарларида унинг Каъбага бу =адар талпиниши ва ыша ерда щаттоки «=атъи жон» этишни исташи бир томондан унинг =албидаги диний эъти=оди былса, буни кучайтирган омил сиёсий жараёнлар былди. Кып ыринларда шоир щаж =илишга шароит йы=лигидан жуда афсусланади. Зорий шахсиятидаги \ам-аламлар. армонлар, умиду эъти=од бевосита шеърларида акс этган. Деярли барча диний шеърларининг замирида ахло=ий таълим туради. Шоир ыз ащволоти ва жамиятдаги маънавий муаммоларни =ориши= ёндош =аламга олади.

Каъба ва щижрат мавзуси шу дапрдаги кыпчилик шоирларнинг ижодида кыринарли ырин тутади. Айтайлик, Щазинийда щам бу мавзуга оид мисралар анчагина. Ш.Юсупов ёзганидек, «Щазиний золим зулмидан =утулиш учун ундан узо= узо=ларга - ислом оламининг му=аддас =адамжолари былмиш Маккаю Мукаррама щамда Мадинаи Мунавварага бош олиб кетиш лозим деб щисоблайди»[1].

Ылмайин етсам Мадинага бориб, анда =олай,
То щаётим борича йи\лаб юриб хизмат =илай.
Щар куни мар=адларини гардидан минг ыргулай,
Гар =азо етса, Щазиний остонингда ылай
Жаннат-ул ба=я заминидин насиб этса эгам.

Зорий шу мазмундаги \азалида, худди Щазиний каби «агар бошим Макка остонасига етса, кызларимни унинг тупро\ига хокдон =илай», «пири комил топилса унинг хизматида былай» каби таъсирчан ифодаларни баён =илади:

+айси тил ила бу кун арзим баён =илай?
Токи жащонни кулфати бирла фи\он =илай?[2] -

матлаи билан бошланадиган ушбу \азалга шоир Мущсиний (1860-1917) мухаммас бо\лаган[3]. Зорий \азалига тахмис деб («Бар \азали Зорий») ани= кырсатилган бу мухаммас Мущсиний девони =ылёзмаси таркибидан ырин олган. Мущсинийнинг шу \азалга мухаммас бо\лаши унинг Зорий фикрлари, =арашлари ва орзу истакларига щайрихощ эканидан далолат беради. Зорий сингари Мущсиний щам маънавий-ахло=ий масалаларни кытариб, инсоний фазилатларни улу\лайди:

Одам демангиз, ылмаса мещру мущаббати,
Андин зиёда ылди бащойимни сущбати,
+илманг аниң етимлигига зарра ра\бати,
Мен чекмишам алар ы\лидин кыб мусибати,
Чу\з ылмишамки, =айда боруб ошён =илай (99 а).

---

[1] Щазиний. Девон.-Т.: Маънавият, 1999.-Б.157.
[2] Баёз. +АМ. инв.№Р 101-159. 30 а.
[3] Девони Мущсиний. ЫзР ФАШИ. инв.№ 7392. 99 а в.

Зорий \азалда «=атъи жон» =илиш истагини билдирган былса, Мущсиний бу байтга =ышган мисраларда «бу дунё мымин мусулмонга чощу =афас былганини» таъкидлайди:

Кам тут, ызингни Мущсиний, ер узра щамчу хас,
Сонма халойи= ичра эмас деб щеч кас.
Бу дащр мымин эрга мисоли чащу =афас,
Зорий фи\ону нола =илур Каъбани щавас,
Ща= берса рощ анда боруб =атъи жон =илай.(99 а)

Кыринадики, Мущсиний щам щар бир мусулмоннинг орзуси былган Каъбани тавоф =илишни истаган ва Зорийнинг ушбу \азалидан таъсирланиб тахмис битган.

Зорий замондошларидан Щазиний, Азим Хожа эшон ижодида щам Каъба мавзуси кыринарли ырин эгаллайди. Хусусан, Азим Хожа эшоннинг бир мусаддаси Зорийга маъ=ул ва манзур былганлигидан уни ыз хати билан баёзга киритади. Жумладан, мусаддасдаги =уйидаги банд мисралари Зорий байтлари рущи билан тыла щамощанг:

Карам =ил, андин ытуб, шав= ила Мадина борай,
Юзум бирла югурай, бошим била равза кирай,
Кызум била сув урай, кипригим бирла супурай
Тириклай ылганим лаззатини анда кырай,
Турарга то=атим то= ылди, йылга йы= асбоб,
+улунгга сен ращм эт, мифтащ ул-абвоб[1].

Щазиний мухаммасларидан бирида эса Зорий фикрларига щам мазмунан, щам шаклан монанд мисраларни учратиш мумкин:

Бу замонларда зино бирлан \ино топти ривож
Яхшиларга сабр =илмакдин былак йы=дур илож,
Бу на мушкулдур: мусулмонлар берур мушрикка бож,
Турмайин Фар\она ичра эмди Байтуллощга =оч,
Журм этиб, =илмай надомат, динимиз былди \ариб[2].

Адабиётшунос Ш.Юсупов Щазинийнинг бир мухаммасида «Равзаи покингга келдим, ё расули Мустафо» мисрасига асосланиб, «шоир чиндан щам щаж зиёратида былган» деб хулоса чи=аради. Зорий эса «Йи\ламайму» радифли мусаддасида щажга боролмаганидан щасрат чеккан эди. Шоирнинг фалсафий, диний =арашича, банда щамиша Ща= олдида ажиз гунощкор, Инсон камолга етмо\и учун Ща= олдидаги синовлардан ытиши керак. Уни тубан нарсадан (тупро=) азиз, мукаррамга айлантирган Ща=дир. Инсон ызлигини, инсонийлигини умрининг охиригача йы=отмаслиги керак.

«Эй банда, мещр =ыймаки, дунё вафоси йы=» мисраси билан бошланадиган мухаммас негизида замоннинг ахло=ий мезонлари издан чи==ани масаласи туради. Куфру залолнинг кыплигидан замин тылиб кетди, одамларнинг баъзилари шайтонга дыст, аёлу эркакда щаё =олмади, деб ташвиш чекади шоир. Ёки мана бу бандларга ди==ат этайлик - уларда щамма замонларда мущим былган ахло=ий масалалар =аламга олинади:

Турфа замонки ёши =арига иш ыргатар,
+излар булу\га етмай мардумлара сыз =отар.
Аксар гурущ эл учун охиратини сотар,
Пиру жувон охир ажал шарбатин тотар,
Журмига тыба =илса щаргиз давоси йы=[3].

+андо= замона былдики, эл =олди минг хаёл,
Кыб бадсиришт айлади яхшини поймол,
Аблащ элинда атлас, донода кыщна шол,

---

[1] Баёз. +АМ. инв.Р 101-159. 47 а в.
[2] Щазиний. Девон.-Т.: Маънавият, 1999.-Б.120.
[3] Баёз. А.М. ш.к. 45 б в.

Йы=тур забони нечани демакка =ийлу =ол,
Эмди жащонни изласа, бе=адди дутоси йы=. (46 а).

Мазкур мисраларда ёшларнинг феъл-атвори, кексаларга былган щурматсизликлари, одамларнинг нома=бул ишлар =илиб, охиратини куйдираётганлари таъсирли баён этилади. Шундай йыл тутаётганлар о=ибатда ажал шарбатидан тотади, яъни щалокатга мащкумлиги таъкидланади. Кейинги бандда: «Яхшини поймол, хор-зор =илиб, аблащни атлас билан, донони эса эски, чурук шол билан «сийлаётган» =андо= замон былдики, щеч ким бу ща=да о\из очмайди?» каби жиддий савол =ыйилади. Бу иллатларни бартараф этиш учун дилдан \уборни кытариб, покланишга, Ща=ни танишга, унга чин дилдан тавба =илишга ундайди муаллиф. Чунки «Исломда фитна ва фасод, ты=нашув ва олишув, мущаббатни барбод =иладиган щар бир иш ман =илинади. /ийбат, фис=у фасод, бещуда сыз айтиш, гап тар=атиш, номаъ=ул сызлар сызлаш, айирмачилик, \ав\о гунощдир»[1].

Шоир инсонларни ахло=ига, фазилатлари, ну=сонларига кыра доно ва нодонга ажратади. Нодон кишилар ыз а=лсизлиги ва жощиллиги билан дилга ыт =ыядилар. Бу ытга эса доно кишиларнинг ба\ри куйиб, сызонга айланади:

Лодон киши щаргиз =илур дилни отацшн,
Донони кыринг: сийнаси сызон былди-ку![2]

Тарбиясиз, одобсиз кишилар ло=айд былишади, ыз ащволларидан огощ была ололмайди ва бундан уялмайдилар, кейини, о=ибати нима былади деб ыйламайдилар. Зеро, щар бир щатти-щаракатнинг, гунощу савобнинг ажри бор.

«+очар» мухаммасида щам замон мардумлари, уларнинг феъл-атворлари ща=идаги тан=идий фикрлар ривожлантирилади:

Найлай, замон мардуми бир рост юрмаса,
Доно юзини жону дили бирла кырмаса,
Парвонадек ызин бориб шамъига урмаса,
Яхши сухан они дащонида турмаса,
Бу щам масалки, итлик эшикдан гадо =очар[3].

Тафаккур ащли, доно инсонлар гыё шамга ыхшайди. Ёру\лик тар=атиб, барчага тенг зиё улашади. Замон мардумлари эса парвонадек бу зиёга талпинишлари керак. Агар одамлар яхшилардан инсоний фазилатларни - яхши суханликни ырганмасалар, ити бор щовлидан гадо =очгани сингари атрофдагилар улардан узо=лашадилар. Шоир донони шамга, мардумни парвонага =иёслаб фикрини образли, мощирона ифодалаган. Ирсолу масал санъатининг =ылланиши – «итлик эшикдан гадо =очар» ма=оли эса мазкур бандда ызига хос бадиий ифодани таъминлаган. Такаббур, худбин одамлар ща=ида шундай ёзади шоир:

Аблащ ышалки, олса ызин хал=дин баланд,
Щар ким гапирса Ща= сызини айламас писанд,
Шайтони лаин гарданига ташламиш каманд,
Они билингким охирида былса дардманд,
Келган табиб анга =илолмай даво =очар (24 а).

Шоирнинг таъкидлашича, хал=дан ызини баланд олган, ща= сызини айтган одамга писанд =илмаган такаббур кишининг быйнига шайтони лаин сиртмо= ташлагандир, яъни уни шайтон бош=аради. Бундай худписанд одам, албатта, бирор касалликка чалинади. Агар даво талаб =илиб келгудай былса, бефойда, шайтон уни измига олгандан кейин даво таъсир =илмаслиги ани=. +уръони Каримда шайтоннинг Одам болаларига =иёмат кунигача душман былгани ща=ида =уйидаги оят бор: «У айтди: «+асамки, эмди мени йылдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг ты\ри йылинг устида (Одам болаларини) кутиб ытирурман. Сынгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ынгу сылларидан келиб (ты\ри йылдан оздирурман) ва о=ибатда уларнинг кыпларини

[1] Мащмуд Асад Жышон. Ислом, тасаввуф ва ахло=.-Т., 2000.-Б.27.
[2] Алощида вара=. А.М. ш.к.
[3] Баёз. А.М. ш.к. 23 а в.

(берган неъматларингга) шукр =илган щолларида топмайсан» (Анъом.6:16-17)[1]. Шайтон измидаги инсон гунощ =илишдан =айтмайди. Фоний дунёга мещр =ыйганлар ылимни ёдига келтирмайди. Пай\амбаримиз Щадиси Шарифда шундай деганлар: «Сизларнинг энг яхшиларингиз - ахло=и ё=имли былганингиздир. Ёки: «Мен яхши хул=ларни камолотга етказиш учун пай\амбар былиб келдим»[2]. Сынгги бандда шоир худога мурожаат =илиб, мыминларнинг имонини са=лашни, сынгги кунда -щашрда жаннатни насиб этишини сыради.

Зорий яшаган даврда Туркистонда исломий мущит яксон =илинди. Чор истилочилари Туркистон хал=ларининг маънавий щаёти, динига щам дахл =илдилар. Руслаштириш сиёсати ва буюк давлатчилик =уриш \ояси йылида мустамлакачилар щамма усул ва тадбирларни =ылладилар. Рус бос=инининг жабр-ситамини кырган, во=еаларга гувощ былган шоирлар бу ща=да сукут са=ламадилар.

Зорийнинг «Былди-ку!» радифли \азалида хал=нинг эртаю кеч «дийдаси гирён» эканлиги, бечоращол кимсаларга жащолат =илинаётганлиги, шащар вайрон былганлиги таъкидланади.

/азал мазмунидан +ы=он хонлигидаги о\ир, тащликали вазият, рус истилочиларининг =ир\инлари, ислом динига тажовузлари намоён былади. Шоир мамлакатни руслар босиб олганидан куйиниб, диннинг поймол =илинаётганини таъсирли баён =илади:

Габру жущуд, мушрик эли дин =илди поймол,
Кыргон сари юракда =аро =он былди-ку!

Рус истилочилари хал=ни зулм на жащолатда тутиш, сиёсий ва инсоний щу=у=ларини поймол =илиб эзиш асосида щаракат =илдилар. Щатто масжидларда рус подшоси номини хутбага =ышиб ы=ишни, подшога тинчлик, омонлик сыраб дуо =илишни буюрдилар[3]. Дуо матни чор маъмурлари томонидан ёзиб берилган. Бу дуо матни ва масжид имомларидан Мулла Мирза Мащмудщожи Тыйчибоев бу буйру=ни бажармагани сабабли унинг устидан ёзилган рапорт щужжатлари щам буни тасди=лайди[4]. Чор маъмурлари масжидларга итлар билан кириб ыз щукмронликларини щам намоён =илганлар. Турор Рис=улов шундай ёзган эди: «Приставларнинг щокимлик суришлари шу даражага етдики, улар щатто масжидларга =ын\иро= осиш щаракатида былдилар. Ызларининг тыраликларини ва щукмдорликларини кырсатмо= учун намоз ва=тида масжидга итлар билан кириб келдилар»[5].

Шоир Зорий щамма жойда чоризм аъёнлари щукмронлик =илаётганини таъкидлаб, хал==а зулму зыравонлик =илиб, уларга дунёни зиндонга айлантираётганини ыта куюнч ва юрак дарди билан тасвирлайди:

Щаргиз жащонда лащза ёру\ликни кырмасак,
Олам бу хал= ащлига зиндон былди-ку!

+уллик ва истибдодни зиёлилар ва тафаккур кишилари яхширо= англайдилар щамда унга =арши курашга отланадилар. Ло=айд, сот=ин, ман=урт кимсаларни хал=, ватан та=дири =изи=тирмайди.

Туркистон хал=ларини зиндонга солган чоризм сиёсати зиёлилар =атламини ызига душман санаган ва щалокатга мащкум =илган. Мактаб ва мадрасалар, маърифат ычо=ларининг фаолиятига дахл =илиб, уларнинг =урилиши ва ривожланишига щеч =андай эътибор кырсатмаганлар[6]. Мащаллий бой ва савдогарларнинг мактаб, мадраса =уришига щам =арши былиб, рухсат бермаганлар. +ы=он хонлигидаги урушлар ща=ида тарихчилар шундай ёзадилар: «1873-1876 йиллари +ы=он хонлигидаги ыта дащшатли урушлар, кыпдан кып одамларнинг

---

[1] +уръони Карим. –Т.. 1992.-Б.124-125.
[2] Имом Исмоил ал-Бухорий. Кырсатилган асар.-Б.91.
[3] Ызбекистоннинг янги тарихи. 3 жилдлик. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. К.1. -Т.: Шар=, 2000. –Б.320.
[2] ЫзР МДА № н. - 19 оп. № 1. Д № 9836. Л. № 8.
[3] Щасаний М. Юрт быйнидаги =илич ёки истило. - Т.: Адолат, 1997. –Б.83 .

[6] Зиёев Щ. Кырсатилган асар.-Б.361.

=аршилиги, шащар ва =ишло=ларнинг вайрон =илинишидан сынг хал= оммасининг тинкаси =уриди ва =ашшо=лашди. Щаётнинг барча тармо=лари издан чи=иб, мисли кырилмаган азоб-у=убатлар щукм суриб, =ай\у-алам, кызёшлар щамда =онлар бамисоли дарё каби о=ди»[1].

Зорий ызи гувощ былган ана шундай кулфатларни тасвирлаб, чоризмнинг ылкадаги =ир\инбарот щукмронлигини нищоятда ёр=ин ва лында «хал=нинг бошида тегирмон тоши юргизиш» ибораси билан - чидаб былмас мусибатни бадиий ифодалай олди:

Солмиш ырусе жабру ситам эмди беадад,
Бошга бу кор санги тегирмон былди-ку!

Алощида таъкидлаш лозимки, чор мустамлакачилари ва улар юргизган сиёсатига бундай ыта салбий муносабат ва =атъий =оралов даврнинг бош=а бирор ижодкори меросида кызга ташланмайди. Зорийнинг кескин айблов рущидаги бу мисралари давр шеъриятида алощида ырин тутади, дейилса хато былмайди.

Мустамлака маъмурлари Туркистон хал=ларининг динини, урф-одатларини, миллий =адриятларини поймол =илиши билан жамиятдаги ахло= меъёрларини щам издан чи=ардилар.

Зорий ижодида щаёсиз кишиларнинг гунощга ботиб бораётганлари кып марта таъкидланади. +уйидаги мисраларга эътибор =илайлик:

Бир неча хал= =ыйди шарорат сари =адам,
+илмак гунощ щаёсиза осон былди-ку!

Шарорат - ёмонлик, ёвузлик. Шу йылга =адам босган одам ортга =айтмаса, хатолари, гунощлари кыпайиб бораверади. Бир марта =илинган гунощ, щаёсизликни кейинги гал щам бемалол такрорлайверади. Шоир бу ыринда маънавий поклик ва ахло=ий ты\рилик ща=ида куйиниб, «щаёсизга гунощ =илиш осон» каби щикматомуз фикр билдирмо=да. /азалнинг сынгги байтида шоир ызига мурожаат =илиб, мымин ва кофир кишиларнинг фар=ига етиш шартлигини таъкидлаб ытади:

Маълум былди кофиру мыминнинг фар=иким,
Зорий, бил эмди бу сенга мезон былди-ку!

Давр шоирлари ижодида щам замоннинг ызгаргани, одамларнинг ахло=и ёмонлашганлиги ща=идаги фикрлар кыпчиликни ташкил =илади. Му=имийнинг ын байтли \азалида одамларнинг тинчлиги бузилгани, кечалари уйдан таш=арига чи=олмаётгани, пулдор бойлар кечалари ухлолмай, тащликага тушгани ща=ида ёзади:

Дари\оким, ажойиб турфа бир охир замон былди,
Ики =ыл то ё=ода юрмасанг, ишлар ёмон былди.
Уриб бир неча пирни босмачилар зор =а=шатди
Ки аксар беваю бечоралар бехонумон былди[2] -

«Дар мазаммати замона» сарлавщали мазкур \азал ща=ида адабиётшунос Щ.Болтабоев фикр юритиб, Му=имий «мустамлакачи золимларнинг зырлигини кырсатгани», матндаги «пир» сызи баъзи нашрларда бузиб «ер» деб берилгани устида тыхталади[3]. Хусусан, нашрдаги бу каби «тузатиш»лардан Му=имий ыз асарларида мустамлакачиликни фош =илувчи сатиралар яратганини айтиб ытади. Замонанинг носозлиги ва авж олгам зыравонлик ща=ида Зав=ий щам кучли киноя билан Му=имийга щамфикр эканлигини мана бу мисраларга битади:

Эй Зав=ий, хаста о\зинг кам очиб, ибрат кызинг очгил,
Ажабким, =ыл ё=ода юргудек турфа замон былди[4].

Фур=ат эса уларга тыла жыр эканлигини =уйидагича таъкидлайди:

Я=о ушланг, аё дыстлар, замон турфа замон былди,
Мусулмон хал=имизни феълу щуйи кып ёмон былди,
Адошиб ты\ри йылдин, маъсият сори равон былди,

---

[1] Кырсатилган асар.-Б.357.
[2] Му=имий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.359.
[3] Болтабоев Щ. Ёлланган адабиёт сирлари //ЫзАС.1998, 4 дек.
[4] Ызбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.250.

Вилоят ичра номашруъ иш барча аён былди,
Шарорат ащлига Фар\онамиз доруламон былди[1].

Му=имий ва Зав=ий шеърларида замон нотинчлиги =аламга олинса, Фур=ат мухаммасида ижтимоий иллатлар, маънавий =усурлар, ахло=ий масалалар тан=идий рущда тащлил =илинади. Чиндан щам, Зорий шеъриятидаги ижтимоий йыналиш билан даврнинг етакчи ижодкорлари Му=имий, Мущйи, Фур=ат ва Зав=ийлар мероси ыртасидаги умумийлик, щамощанглик жуда кучли. Бу фикр тасди\ига яна кыплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, Зав=ийнинг «Каждор замона» \азалида хал=нинг бой ва камба\ал таба=аси, яхшилар ва ёмонлар ща=ида сыз юритилади. Щажвгый шоир:

Щеч камба\ал ылмагай =ариндош,
Бойларни биров демас бегона.
Пул былса кифоя, майли душман,
Бепул =арамайди дыст жона.
Зо\у за\ани юрибди озод,
Булбулга =афас берур замона[2]-

деб ёзса, Зорий \азалида даврдаги ызгаришлар, яъни чор щукуматининг мустамлака сиёсати ва бунинг хал= рущияти, ахло=и, маънавиятига турли таъсири масалалари ыртага =ыйилади.

Каримбек Камийнинг «Дилки миллат \амидин =он ылди...» шеъри щам бевосита замоннинг ижтимоий-сиёсий, ахло=ий масалалари ща=идадир. Шоир мустамлака даврида хал=нинг \афлатда эканини, маърифатдан йиро=лиги, одамларда иттифо= йы=лиги, шарму щаёнинг камлиги ты\рисида таъсирчан мисралар битади:

Айлагайлар фасоду фис= талаб,
+олмади щам щаёю шарму адаб,
Щама иш чаппасига кетти =улаб,
Ынгига ол сен ызинг, ё раб,
Дилки миллат \амидин =он ылди,
Бул ажаб охируз замон ылди[3].

Кыринадики, замонанинг ил\ор шоирлари яратган ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърларига хос былган хусусият тан=идий рущнинг устунлигидир. Биз худди шу ижобий фазилатни Зорий меросида щам тыла-тыкис кырамиз.

Зорий замона тан=иди билан чекланиб =олмай, айрим кишиларнинг табиатидаги =усурлари, камчиликлари, иллатларини щам фош =илиб щажвлар яратди. Хусусан, Му=имий ва Зав=ий щажвларидаги сингари очкыз, худбин, ыз шахсий манфаатларини щамма нарсадан устун =ыювчи шахслар тимсолини Зорий ижодида щам учратиш мумкин. Виктор ва Ляхтинлар щажви щамда «Махзум мусича иродати» мухаммасида шоир ыз нафсига банди былга, ор-номусини йы=отган, хал= ичида ыз шармисорлигидан уялмаган шахсни тан=ид остига олади. Шоир махзум мусича деб атаган шахс ызи кыринишидан ювош, беозор, камсу=ум. Аммо унинг =илган ишлари фитна фасод, щамма ишлари гунощ. Махзум мусича ща=идаги щажвий мухаммасни Зорий ёзганидан сынг, С.Абдулла эътирофича, мухаммасни унинг ызига юборади. Мухаммасда «щамма феъли щайвон», лекин ызи инсон махзум тан=ид =илинади. Гап шундаки, махзум мусича ча=ирилмаган тыю маракаларда пайдо былиб, дастурхондаги бор нарсаларни еб тыйгач, =олган-=утганларни щам тугун =илиб йылга тушади. Зорий бу хасис, пасткаш шахс образини щаётий ва жонли тасвирлайди. Киноя, кесати=, фош этиш каби адабий усуллар ор=али махзум мусичага нисбатан ызининг салбий муносабатини ифодалайди. Саёщатга чи==ан махзумни «бировга ул ерда товон былмасмикан», деб киноя =илади. Айтиб ытиш жоизки, номлари зикр этилган

[1] +аюмов А. Шоир Фур=ат. Эссе // Шар= юлдузи. 1986. № 4-5.-Б.142.

[2] Ызбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.249.
[3] Камий К. Дилни обод айлангиз... –Т., 1998.-Б.96.

шоирлар ижодида хал=ни таловчи, очкыз, ызгалар щисобига кун кырувчи, хасис, юл\ич, нощалол шахсларнинг тимсоли яратилган асарлар анча-мунча.

Давр адабиётида мураббаъ жанри Му=имий ижодида ызининг янги бос=ичига кытарилди. Бу шеърий шаклнинг юксак намуналари Яссавий, Машраб, Щувайдо ижоди учун характерлидир. Му=имий мураббаълари щам шакл ва мазмун жищатидан жанр тара==иётига улуш =ышди. Машраб ва Му=имий мураббаълари асосан иш=ий мазмунда былиб, Зорий ижодида щасби хол бу жанрда марказий ырин олди. Жумладан, шоирнинг щар бандда «Щасратимни кимга айтиб йи\лайин» мисраси билан такрорланадиган мураббаси хал= йылида ва услубида ёзилган былиб, инсоний изтиробларнинг тасвирини чу=ур акс эттира олган:

Бу дунёнинг лаззатидин мосувоман,
Щасратимни кимга айтиб йи\лайин.
/ам ханжари бирла кыкси яроман,
Щасратимни кимга айтиб йи\лайин. ( 61 б. )

Шоирлар ижодида баъзан мураббаъдаги биринчи банднинг худога мурожаат этиш билан бошланиши анъанага айланган. Зорийнинг «Тушти жудолик дарди бошимга» мисраси такрорланадиган мураббаъси щажман катта былиб, шоир шахсий щаётидаги муаммолар, =алб изтиробларининг =ую= акс этиши билан алощида ажралиб туради. Анъанавий бошланма эса =уйидагича:

Айтай санони =одир худо\а,
Тушти жудолиг дарди бошимга.
Машгул былайин эмди дуо\а,
Тушти жудоли\ дарди бошимга. (1 а.)

Аввалги асрларда =алам тебратган Машраб ва Щувайдо мураббаларида щам худди шундай мазмундаги бошланмани учратамиз. Машраб:

Щамду санолар айтай худога,
Ёрга етар кун борму ёронлар?
Етгайму додим нозук адога,
Ёрга етар кун борму ёронлар?[1]

Щувайдо:

Арзимни айдим боди сабога,
Еткурса щолим ул дилрабога.
+илса худойим кынглин мулойим,
Ращм айлагайму мен мубталога[2].

Кыринадики, Зорий ыз мураббасини ёзишда мумтоз ижодкорлар анъаналари таъсирида былган. Шоирнинг бу хил асарлари мураббаъ жанрининг шаклан щамда мазмунан ривожланишига туртки былди. Бу давр адабиётида мусаддас жанри мазмун жищатдан тара==ий этишда давом этди. Фур=атнинг «Сайдинг =ыя бер сайёд...» мусаддаси лирик =ащрамон щолатини, озодликка интилган шахс \оясини акс этгирувчи етук асар намунаси щисобланади. Зорий ижодидаги «Кетти ким =олди», «Йи\ламайму», «Найлайин» радифли мусаддаслари ызига хос хусусиятлари билан бу шаклни бойитади.

Кичик шеърий шакллардан рубоий нисбатан кам учрайди. Зорий ижодида форс-тожик тилида ёзилган иш=ий мавзудаги бир рубоий маълум былиб, у =уйидагича:

Ду чашмат щамчу =ассобан =анора басти мужгонро,
Кашида бар сари щар сих жони сад мусулмонро.
Лаби лаъли ту ё=утаст ё =ут аст маржонро,
Ду чашмат айни бодом аст ё дом аст мар жонро (876).

(Мазмуни: Сенинг икки кызинг =ассоб =анораси мисоли. Бу =анoралардаги щар михда юз мусулмоннинг =они бор. Сенинг лаъли лабинг ё=ут ёки маржонга =увват берувчи, тирик жонга

---

[1] Машраб. Мещрибоним =айдасан.-Т., 1990.-Б.269.
[2] Щувайдо. Танланган шеърлар.-Т., 1961.-Б.7.

=увват ба\ишловчидир. Сенинг икки кызинг бодомга щам инсоннинг илиниши учун =ыйилган тузо==а щам ыхшайди.)

Зорийнинг рубоий шаклида щам асар яратгани щамда форс-тожик тилида ижод =илгани унинг истеъдодидан дарак беради. Шоирнинг турли мавзуларда яратилган шеърий асарлари шундан далолат берадики, у анъанавий щамда ыз даврида долзарб былган - ижтимоий мавзуларда асарлар яратди. Мумтоз адабиётимизнинг кыпгина жанрларида баракали ижод =илди.

## 2-фасл. ЗОРИЙ ИЖОДИЁТИ ВА ДАВР АДАБИЁТИДА ЯРАТИЛГАН ПОЭТИК ТУРКУМЛАР

XIX аср II ярми ва XX аср бошларига келиб, мумтоз адабиётнинг мазмун доираси янги-янги – ытмиш шеъриятимизда =аламга олинмаган мавзулар билан янада кенгайди, ривожланди ва бойиди. Давр адабий щаётининг хос белгиларидан бири шундаки, бир неча хал=чил ижодкорларнинг ижодий ташаббуси билан замона щаётида рый берган =атор ижтимоий-сиёсий во=еа-щодисалар билан бо\ли= долзарб мавзуларда бир неча шеърий туркумлар пайдо былди[1]. Шу жуда мущимки, ылкада рый бераётган ижтимоий-сиёсий ызгаришлар, хонликдаги жиддий во=еалар Зорийнинг щам назаридан четда =олмаган ва у щозиржавоблик билан бу во=еаларга ыз муносабатини билдирган. Асосан ижтимоий-сиёсий мавзудаги бу шеърий туркумлардан кыриш мумкинки, бир мавзу, бир \оявий-бадиий йыналишда турли жанр ва шаклларда яратилган бу асарлар давр ижодкорларининг ызаро якдиллиги ва ягона позицияда турганликларини англатади.

Зорий, Му=имий, Мущйи, Фур=ат, Ибрат, Зав=ий, Нодим ва бош=а =атор ижодкорлар томонидан ёзилган асарларни =уйидаги шеърий туркумларга ажратиб тасниф этиш мумкин:

1. +ы=он хонлигининг сынгги щукмдори Худоёрхон ва унинг фожиали та=дири ща=идаги туркум.
2. 1898 йилдаги Андижон =ыз\олони («Дукчи эшон во=еаси») мавзуидаги шеърий туркум.
3. Гимназия хусусида маърифатпарварлик йыналишидаги туркум.
4. Товламачи Виктор ва Ляхтинларнинг ифлос =илмишларини фош этувчи щажвий туркум.
5. Ылкага поезд келиши ща=идаги туркум.
6. От, бурга, печь, пашшалар ща=идаги юмористик туркум.
7. Машщур хонанда Макайлик таърифидаги туркум.
8. Андижон зилзиласи ща=идаги туркум.
9. «Найлайин» радифли мусаддас туркуми.

Зорийнинг ушбу туркумлардан тырттасига доир асарлар ёзгани унинг ижтимоий щаёт во=еаларига щозиржавоб былганлигини кырсатади. Бу туркумларнинг еттитаси ижтимоий-сиёсий мавзуда былиб, «Найлайин» радифли мусаддас лирик шеърдир.

Бундан таш=ари «Лой», «Бурга», «От», «Сигирим», «Пашшалар» радифли щажвий-тан=идий рущдаги асарлар щам ёзилдики, уларни шоирларнинг ызаро ижодий муносабатлари самараси сифатида бащолаш мумкин.

Мазкур туркум шеърларнинг ёзилиши хусусида адабиётшуносларнинг турли муносабатлари мавжуд. /.Каримов, Щ.Раззо=ов, А.Абду\афуров, Щ.Болтабоев, Р.Тожибоевларнинг ма=ола ва илмий ишларида эътиборга молик фикрлар билдирилган. Хусусан Щ.Болтабоевнинг «Ёлланган адабиёт сирлари» ма=оласида шу давр адабиётига доир «Дукчи эшон», «Пашшалар» сингари туркумлар ташлил этилади. Жумладан, Му=имийнинг Дукчи эшонни фош этувчи махсус асар ёзмагани асослаб берилади. «Чунки шоир сатирик меросининг ызи англатиб турибдики, у дастлаб тан=ид =аламини мамлакатга бос=инчилик ва мустамлакачилик олиб келган чор амалдорларига ва щарбийларига =арши =аратган. Унинг мустамлакачилик сиёсатини фош =илган «Во=еаи Виктор», «Вексель» сингари =атор асарлари бунга гувощ»[2].

---

[1]Абду\афуров А. Мущйининг «суддан щам олдинро= чи=арган щукми»// ЫзАС. 1997, 5 сент.

[2] Болтабоев Щ. Ёлланган адабиёт сирлари //ЫзАС. 1998, 4 дек.

Адабиётшунос «Дукчи эшон» ща=ида асарлар ёзиш чор маъмурларининг топшири\и былганини, бу топшири= кыпро= Зав=ий зиммасига тушганини фактлар ор=али ани=лайди.

+ы=оннинг сынгги щукмдори Худоёрхоннинг тахтдан кетиши, аянчли та=дири хусусида «Афсуснома», «Дари\нома» каби мухаммаслар ва марсия ощангидаги шеърлар яратиш анъанага айланди. Бундан таш=ари хон саройи тавсифига ба\ишланган шеърлар щам бир туркумга бирлашади. Мазкур туркумдаги шеърларни мазмун жищатидан уч гурущга ажратиш мумкин:

1. Худоёрхон саройи тавсифига ба\ишланган шеърлар.
2. Худоёрхоннинг тахтдан кетиши муносабати билан яратилган шеърлар.
3. Худоёрхон вафотидан кейин ёзилган асарлар.

+ы=он хонлиги ща=ида ыз даврида бир =анча асарлар щам ёзилди. Хоннинг +ы=онда =урдирган щашаматли ырдаси ща=ида замон шоирлари бир неча =асидалар, мухаммаслар, таърих ва манзумалар битганлар. Бу асарларда ырданинг эътибор жалб =иладиган даражада баланд, щашаматли, гызал на=шлар билан безатилгани, ички ва таш=и щовли, юздан орти= хоналарнинг жищози, безаклари, ырданинг бо\и, щовузи ща=ида сыз юритилади. Зорийнинг худди шу мавзуга ба\ишланган мухаммаси «Тавсифи ырдаи олийи Худоёрхон» деб номланиб, ын икки бандни ташкил =илади. Шоир ырданинг таърифини батафсил келтиради. Бундай =асри олийнинг овозаси заминдан етти осмонга етди, деб мубола\а =илади. Ырда дарвозасининг то=ига ёзилган таърих ща=ида щам Зорий сыз юритади[1].

Ниёз Мущаммад бинни Ашур Мущаммад Щы=андийнинг «Тарихи Шощрущий» асаридаги Худоёрхон ырдасига ба\ишланган =асидаси щам шу туркумдаги асарлар сирасига киради. +асиданинг сынгги байтида =уйидаги таърих берилган:

Файзи =асри щама шащ бу =аср аро зощир,
Бу фажщ ила таърихи: «файзи =усур»[*]

Ырданинг дарвозаси чинордан ясалган былиб, унга нафис ё\оч ыймакорлиги билан на=шлар берилган[*].

Ниёз Мущаммаднинг =асидасида ырданинг =урилишидан тортиб хоналаригача, хоналардаги жищозлардан то деворлардаги на=шларгача–ырданинг ичию таш=ариси бирма-бир тавсифланади. Ырда дарвозаси ща=ида =уйидагича ёзилади:

+урилди давлат эшигию гунбази олий,
Сафою сай=алидинким =ыполмас эрди туюр.

Ниёз Мущаммад мазкур =асидасида ырда хоналарини тавсиф этишда тил ожиз эканини айтиб, уни жаннат уйларига =иёс этади. +аср деворларининг кунгураси то\ чы==иларидек баландлигидан худди Сулаймон тахтидек щаммага машщурдир, деб ёзади.

Саломхонанинг ыша ва=тдаги жищозланиши ща=ида эса Зорий =уйидагича тасвирлаган:

Хусусан былди анго бир ажойиб турфа бангола,
Палос ырнига солмишлар мовут- чун очилган лола.
Камардур анга бангола хазинадур буд щола,
Фаровон айласун давлатларингиз сад щазор сола,

---

[1]Шоир тилга олган ва ырда пешто=ининг чап томонига битилган таърихни Худоёрхон ёздирган былиб, асли =уйидагича:

Тарозандаи на=ши Бещзодсоз,
Чу орост бар лавщи коши тароз.
Маро гуфт: «Таърих на=шам гы,
Ба фармони Саййид Худоёр гы».

Бу тыртликнинг сынгги мисрасидан абжад щисоби быйича щижрий 1287, мелодий 1869-1870 йиллар, яъни ырданинг =урилган ва=ти чи=ади.

[*] «Файзи =усур» ибораси – абжад щисоби быйича 1287 га тенг, бу щижрий йил мелодий щисоб билан ырданинг =урилиш ва=ти 1869-1870 йилларга ты\ри келади.

[*] Ва=т, =уёш, =ор ва шамоллар дарвозага ыз таъсирини кырсатган. 1956 йилда Ызбекистон хал= рассоми, ё\оч ыймакорлиги устаси +одиржон Щайдаров дарвозани =айта тиклади.

Эрур мангола щам они ичинда дурри якдона (70 б).

Зорий мухаммасда «ажойиб хыб иморатга» «=ыёлмасдур магар хиштини устаи Щироти» деб ёзади. Ырда таркибида щаммомнинг =урилиши, Пылодий номи билан аталган щовуз ща=ида эса =уйидаги =айдлар бор:

Ясаб бир щафзи Пылодий сувининг бошиму кавсар,
Ани тошга кесилар хал=ига монандаи шаккар,
Овозасига =илиб сархушлар чун гунбази ащзар,
Назар солгай Абу Бакру Умар Усмон ила Щайдар,
Аларнинг щурматидин фатщи нусрат бир мусулмона(72 а)

Зорий ырданинг катта-катта =исмлари былган шащнишинхона, саломхона, щаммом, щовуз, кабутархона, бо\ларнинг тасвирига кыпро= тыхталади. Ниёз Мущаммад Щы=андий =асидасида эса хоналарнинг ички =иёфаси кыпро= намоён былади. Зорий мухаммасида щам бо\ таърифидаги бундай бинога нисбатан «жащон ичра бундай файзосор йы=» деган фикр билдиради.

Мухаммаснинг сынгги бандида шоир шундай гызал =асрни омон са=лашни худодан сыраб, валилар посбон былишини, \аму ранжу аламлар подшощдан узо= туришини ва шощнинг сощиб=ирон былишини тилайди. «Жащоннамой» муаллифининг ёзишича, хитой меъморчилиги санъатидан хабардор усталар дарщол бино лойищаси быйича дарвоза, аркнинг таш=и щовлиси, сащни, хазиналар са=ланадиган омбор, созандалар хонаси, \азна, ошхона, отхоналарнинг ырни белгиланади. Ырданинг \арбий томонида аёллар хонаси - хон щарами жойлашган эди. Унинг атрофида =ышинлар учун казарма ва икки щовузи билан бо\ жойлашган. Шыро даврида ырданинг иккинчи ярми, щовузлар бузиб ташланган.

Зорий ва Ниёз Мущаммаднинг ырда тавсифига ба\ишланган асарларининг ащамияти шундаки, ырда =урилган даврда асли =андай кыринишга эга былгани, тузилиши ва бош=а тафсилотлар ызининг бадиий тажассумини топган. Бу каби асарлардан щаётий, ани= маълумотларга эга былиш мумкин*.

Худоёрхоннинг катта ы\ли Андижон щокими Насриддинбек ва унинг Андижондаги иморати, давлати, салтанатига ба\ишланган мухаммас ва =асидалар щам мазмунан бир туркумга бирлашади.

Зорий баёзининг таркибида «Насриддинбекни Андижонда иморатлари тавсифидур» деб номланган олти бандли мухаммас мавжуд. Мухаммас бешинчи бандгача хоннинг тавсифи, мадщи билан давом этади, олтинчи бандда хоннинг урушга тайёр =уролларининг =удрати ща=ида сыз боради. Мухаммас мазмунан тугал эмас, унинг кейинги бандлари Насриддинбек иморатлари хусусида былиши мумкин. Бу бандлар баёз сащифаларидан тушиб =олган.

Адабиётшунос /.Каримов маълумотига кыра «Насриддинбек даргощида маълум шоирлар тыдаси тыпланган ва улар алощида, муста=ил адабий щаракатчилик яратишга интилганлар, Насриддинни ва унинг салтанатини улу\лаш билан шу\улланганлар»[1]. Олим М.+орахыжа ы\лининг «Тарихи жадидаи Тошкент» асаридан =уйидаги парчани келтиради: «Андижон шоирларининиш =асиданомаларики, девон бошидан охиригача Саййид Насриддин номларига ба\ишланган эди. Шу девоннинг охирида эса Хожи Мущйи =асидалари бор. Бу =асидалар олий щазрат буйру=ларига биноан девоннинг охирига тиркалган эди». Насриддинбекка ба\ишланган «+асойиднома», ёки «+асидалар девони» бизгача етиб келган эмас. Маълум былишича, Мущйи 1875 йиллар атрофида щаж сафаридан =айта туриб, Хыжанднинг Мащрам мавзеида Насриддинбек билан учрашиб, ыша 74 мисрадан иборат катта =асидани ёзиб ы=иб берган. Насриддинбекка =асида ёзган шоирлардан шащрисабзлик Мирза Олим Мушриф =асидаси

---

* Бугунги кунда ырда давлат мущофазасига олинган былиб, Фар\она вилояти ылкашунослик музейи щисобланади. XIX асрнинг сынгги йирик меъморий обидаси былган Худоёрхон ырдаси севимли зиёратгощлардан биридир.

[1] Каримов /. Ызбек демократ шоири Му=имий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс. К.1-2. - Т.: 1961.-Б.78 .

=уйидаги банд билан бошланади:

Гавщари зотингда, шохо, щеч ну=сон ылмасун!
Мулки жощингда щаводис шарри имкон ылмасун!
Офтоби давлатинг зулматда пинхрн ылмасун!
Жами кынглинг даври жавридин пинщон ылмасун!
Чарх фармонингга кирмокдин пушаймон ылмасун!

Зорийнинг мухаммаси =уйидагича бошланган:

Мен забон очтим сенинг хамдингга, Парвардигор,
Бандаи пышида сирри сенга , ё Раб, ошкор,
Жумла олам подшощисен кариму кирдикор,
Хоним тахтида =илгил то =иёмат бар=арор,
Эмди тавсифи муборакни дейин ул шащриёр.

Бундан кейинги бандларда шоир Абу Бакр Сидди=, Умар Усмон, имом Щасан, имом Щусан номларини тилга олиб, уларнинг шощга мадад былишини тилайди. Муаллиф Насриддинбекка Сулаймон пай\амбарнинг узугини худоим ато =илсин, щашрда расулимиз шафоат =илсин, ислом бар=арор былсин сингари орзуларни билдиради. +уйидаги мисраларда эса Насриддинбекнинг щокимиятни =андай бош=ариб, эл ащволига =андай муносабатда былгани ща=ида баъзи фикрларни у=иш мумкин:

Андижон шащринда кыб эл салтанат тахтин =уруб,
Ызга шощлар кырмаган давлатни шахзодам кыруб.
Беваю бечораларни арз ила додин сыруб,
Хощ фа=иру, хощ \ани шому сащарлар ылтуруб,
Тинмайин айлар дуо жамиъ си\ору то кибор (97 а).

Мавжуд маълумотларда келтирилишича, Насриддинбекнинг ызи щам ижод билан шу\улланган. Шащзода тахаллуси билан шеърлар битган[1]. Унинг бир шеъри «Тазкираи +аюмий»да келтирилади. Насриддинбек Андижонда щоким былиб турганида маданият, санъат, адабиётга щомийлик =илган. Унинг ызи отасига ба\ишлаб =асида ёзган.

Насриддинбекнинг Андижондаги ва +ы=ондаги сиёсий фаолияти тарихий, адабий манбаларда бир =адар ёритилган[2]. Афсуски, у щукмронлик учун =анча курашмасин, чор щукумати томонидан енгилади. Ушбу во=еа давр ижодкорлари томонидан =аламга олиниб, уларнинг кыпчилигида хоннинг та=дирига =ай\уриш, афсус-надоматлар, хоннинг ытмишидан чекаётган азоб-изтироблари акс эттирилади.

Худоёрхон ырдасига ба\ишланган асарлар хоннинг учинчи щукмронлиги даврида (1865-1875) ёзилган былса, Худоёрхон ща=идаги «+ыши=лар» туркумидаги асарлар хон тахтидан кетгандан кейино=, бир =исми эса хон умрининг охирларида Аф\онистонда Каррух мавзеида вафот этганидан сынг ёзилди. Бу «+ыши=лар»нинг учтаси 1888 йилда «Записки Восточного Отделение Императорского Русского Археологического общества» тыпламида Н.Остроумов томонидан нашр этилди.

«1886 йил декабрь ойи» деб имзо чекилган, яъни Н.Остроумов шу даврда «Айрилдим» радифли мухаммасни топиб, уни «Записки»да нашр этгани ва мухаммас муаллифини номаълум щисоблаганини, аслида унинг Зорий =аламига мансублигини айтиб ытган эдик. Худди шу радифдаги Зав=ийнинг щам мухаммаси мавжуд былиб, у «Записки»да нашр этилган эмас.

Зорий ва Зав=ийнинг мухаммаслари мазмунан ыхшаш, бири иккинчисини тылдиради. Щар иккала шеърнинг щам ызига хос жищатлари бор. Муаллифлар Худоёрхон шахси, та=дири ва =илган ишларига бир-бирига я=ин ну=таи назардан =арасалар щам, хулосалари ызгача.

Зорий, биринчидан, Худоёрхоннинг ички изтироблари, ыйлари, пушаймонларини чу=ур

---

[1] +аюмов А. Талон тарож сиёсати =урбони // Миллий тикланиш.-1999. 2 февр.

[2] Зиёев Щ. Туркистонда Россия тажовузи ва щукмронлигига =арши кураш. - Т.: Шар=, 1998.–Б.332-359; Ызбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. К.1. -Т.: Шар=, 2000.–Б.14.

лиризм билан тасвирлаган былса, иккинчидан, рус бос=инчилари зулми остида =олган Туркистон хал=ларининг ащволини ы=увчига тагматн ор=али етказмо=чи былади. Шуни таъкидлаш ыринлики, сынгги ызбек хонининг мусофирликда тортаётган у=убатлари, чекаётган пушаймонлари Зорий томонидан ёр=ин акс эттирилади. Худоёрхоннинг =атъиятсизлиги, шахсиятпараст ва =ыр=о=лиги сабаб у хал=ни чор щукмдорларига ташлаб =очган эди. Зав=ийнинг шу мавзудаги «Демиш хон» номли мухаммасини адабиётшунослигимизга Щошимжон Раззо=ов олиб кирди. Зав=ий мухаммасида баённинг хон тилидан «мен» деб берилиши, ызини ызи тан=ид =илиш услуби жищатидан ажралиб туради. Ыз айбларини ошкора тан олаётган хоннинг и=рорлари =уйидаги мисраларда акс этади:

Суруб давлат \урурин юрту элдин бехабар былдум.

Ёки:

Чи=ордим бидъат ишларни хазина тылса шояд деб.

Ёки:

Кауфманга муроса деб =илурдим ошноли\ни
Шариатга солиб ращна =илардим бещаёли\ни.

Ызининг хатолари, =илган нотые\ри ишлари учун мусофирликда хор былиб жазоланаётган хон тилидан бу ишларга «=илмиш-=идирмиш» деган хулоса якун =илинади. Ытмишда =илган хатолари, нома=бул ишлари учун афсус чекиб, ызини айбдор деб щисоблаётган шахс рущияти Зорий мухаммасида очиб берилган. +илмишидан «юртга шыру шарр туширган», «кып нарсаларга ма\рур былиб Худони унутган» щамда «а=лу адлини бой берган» хон фа=ат ызинигини эмас, хал=ни щам «ырислар домига тушириб, гирифтори =афас» =илган эди:

Умр ытди, худоё, =илганим щою щавас былдум,
Щамият =олмади, душман алинда чун магас былдум,
Мажозий подшощ эрдим, ща=и=ат урди, хас былдум,
Ыруснинг домига туштум, гирифтори =афас былдум,
Ытубон бул гариблик гыиё жонимдин айрилдим.

«Записки»да Н.Остроумов сызбошиси ва рус тилига сызма-сыз =илинган таржимаси билан нашр =илинган мухаммаслар ща=ида адабиётшуносликда А.Абду\афуров, Ш.Юсуповлар ыз тад=и=отлари да алощида тыхталганлар. Адабиётшунос Ш.Юсупов Котиб ва Фур=атнинг мухаммасларини ызаро солиштириб =уйидагича фикр билдиради: «Котиб мухаммасини ы=игач, хон атрофида тузук, инсофли, илм-маърифатли одамлар умуман былмаган экан-да, деган тасаввур =олади. Фур=ат эса хоннинг маишатпарастлиги ва щашаматга ычлигидан ички норозилик билдиргани щолда, унинг атрофида Ибн Сино, Афлотун тахлитидаги ащли донишлар, валоят щосил этган яхши эшонлар щам былганлигига эътиборни =аратади. Бу ор=али Фур=ат маишатга муккасидан кетган, щою щашамга ыч щукмдорни унинг атрофидаги энг зукко билимдонлар щам ин=ироздан са=лаб =олишга =одир эмас, деяётгандек туюлади»[1].

Худоёрхоннинг аянчли та=дирига =ай\уриб, унинг тилидан ёзилган мухаммас Фур=атнинг кейинчалик та=дирида рый берган айни щолатига мос келади:

+абул айлаб худо бу тавба бирла ощи зоримни,
Яна Фар\онага бир йыл етургайму гузоримни,
+увонса нотавон кынглум, кыруб ёру диёримни,
Дуогыйлар ичинда яхши билган эътиборимни,
Дари\о, Фур=атидек дийда гирёнлар =аён =олди?

Давр шоирларидан Мущаммад=ул Мущаммадрасул ы\ли Мущаййир щам ушбу йыналишда «Мухаммас бар щоли хони марщум ин аст» сарлавщали саккиз банддан иборат мухаммас ёзган. Мухаммас сарлавщасидан унинг хон вафотидан сынг ёзилганини билиш мумкин. Мухаммасда исломий шариатга кыра марщумлар ща=ида салбий сызлар айтилмаслиги ну=таи назаридан Худоёрхоннинг =илган солищ ишлари тилга олинади:

+илай деб жаннатосо бystoн бо\ ырдусин,

[1] Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фур=ат.-Т., 1995.-Б.61.

Санаб кавсар фиро\и гулшан ичра щар лаби жысин,
Йи=иб анда жащон шамшод щадди бирла гулрысин,
Бащойи Руми Рай сонди аларни холи щиндусин,
Иморат щар тараф гыёки бир тарщи Эрам чекти.

Мазкур мухаммаснинг бош=а шу туркумдаги мухаммаслардан кескин фар=данадиган жищати бешинчи бандда хоннинг кырган туши ва бу тушга таъбир тополмай, пинщон алам чеккани айтилади. Тушнинг таъбири хон салтанатининг таназзулидан дарак берган былиши мумкин.

Кыруб бир щавллик туш, ёд айлаб дор ила гийрин,
Кынгулда тыхтатолмай сырди кырган тушни таъбирин,
Мудаббир айгали ожиз былуб айларга тадбирин,
Тасалли бергали кыргузди тахрир ила ташририн,
Шащим ушбу сабабдин дилда пинщон юз алам чекти.

Хулоса =илиб шуни айтиш мумкинки, бу туркумга кирадиган мухаммасларнинг барчасида щам алданган ва пушаймон чекаётган хоннинг щолати эътиборга олиниб, сыз юритилади. Зорий, Фур=ат асарларида хонга ачиниш туй\улари акс этса, Котиб мухаммасида хон атрофидаги шахсларнинг фитналари ва элнинг тар=о= ащволи тасвирланиши, Зав=ий мухаммасида ызини ызи тан=ид =илиш ва фош этиш устунлик =илади. Мущаййир асарида эса хоннинг =исматидан бош=алар хулоса чи=арсин, деган мазмун -даъватни сезиш мумкин.

Шеъриятда Худоёрхон та=дири мавзуси шу билан якунланмайди. Давр шоирлари бу мавзуни =айта-=айта =аламга олганлар. Зорий ижодидаги «Кетти, ким =олди» мусаддаси щам айнан шу мавзуга ба\ишланган. Мусаддас мазмунига кыра у хоннинг вафотидан сынг ёзилган. Саккиз банддан иборат былган мазкур мусаддасда бу ыткинчи дунёдан пай\амбару азиз авлиёлар ытиб кетгани, Нущ, Айюб пай\амбарлардан щам асар =олмагани, Мусо, Исо, Юсуфу Зулайщолар, Одам Атою Момо Щаволар, Рустам, Доро, Искандарлар щам ытиб кетганлари баён =илинади. Щатто олиму фузалолар Афлотун, Су=рот, Сулаймон, Золу Лу=монлар щам ылимга чора тополмай ытиб кетишгани айтилади. Шундай улу\ шахслар сингари Худоёрхон щам «\урбат аро кирди» деб хулоса =илинади сынгги бандда:

Яна кетти Худоёрхонам ыз беку диёридии,
Кириб \урбат аро былди жудо хешу таборидин,
Бу кулфатлар, билинг, ыз хал=имизни кору боридин,
/ам ила =олмади Зорийни жисмида мадоридин,
Алардек шощларни дийдаси тар кетти - ким =олди?
Щама щасрат била хотир мукаддар кетти - ким =олди?[1]

Зорийнинг яна «Айлайин бир =исса...» деб бошланадиган мухаммасида щам Худоёрхон ва унинг ы\илларининг Фар\онадан чи=иб бораётганликларида йылда учраган маша==атлари ты\рисида баён =илинади. Ты==из банддан иборат ушбу мухаммас «Йи\ласам» радифи билан муаллифнинг хон ва унинг я=инларига щамдардлик рущида ёзилган. +уйидаги мисраларга ди==ат =аратайлик:

Юрдилар бек неча йил гурбат аро неку фиол,
+айда турса кыб, вале, ташвишдурлар пурмалол,
Риз=ини ул шащрдин олди худои лоязол,
Тушти Тошкент ичида ыткарибон мощу сол,
Тахту бахту а=рабосидин жудога йи\ласам[2].

Неча кун ёттилар кыргани келди табиб,
Рангини кырди: «Ращм айласун сенга щабиб»,
Эшитиб бул сызни шащзода бечора \ариб,

---

[1] Баёз. А.М. ш.к. 40 а в.
[2] Баёз. +АМ. инв. № 674. 66 а в.

Найлайин, дам ылумга бериб  былмас фириб,
Умрини =илган хазон боди сабога йи\ласам (66 а,б).

Мухаммаснинг кейинги бандларида фарзандлари билан хайрлашаётган хоннинг сынгги сызлари берилади: «Со\инурман гар сафар =илсам, юзунгга термулай», «Эмди дардимдин халос ылсам сенинг =адринг билай» каби таъсирчан мисралар хон тилидан айтилган.

Худоёрхон ща=идаги шеърларнинг умумий хусусиятлари шундаки, бу шеърларда ылкага бостириб келган рус мустамлакачиларининг зыравонлик сиёсати ва мащаллий низоларнинг кучайиб, хонликда юзага келган тартибсизликлар тасвирланади. Щар бир шоир тасвир объектига ызига хос йыл билан борганини ю=орида таъкидлаган эдик. Демак, бу туркумга бирлашадиган асосан мухаммас жанридаги шеърлар ва асарлар айни замондаги во=еаларни акс эттириб, давр маданий щаётида ызига хос ырин тутади.

Чор  истилоси Туркистондаги ижтимоий-маданий, и=тисодий щаётнинг щамма сощаларини буткул ызгартириб юборди. Рус капиталистлари ылкадаги бой савдогарлар билан ало=а ырнатиб, сармояларини ривожлантириш йылида турли щийла-найранглардан щам =айтмадилар. Ижтимоий-сиёсий щаётнинг савдо-соти=, тижорат сощасида +ы=онда рый берган во=еа адабиётимиз тарихида «Щажви Бектурбой» сарлавщаси билан етиб келган. Виктор (талаффузда Бектур) во=еасига ба\ишлаб ёзилган щажвлар Му=имий, Зав=ий, Мущйи, Зорий, Рожий, /урбат, Писандий каби ижодкорлар =аламига мансуб былиб, унда фирибгар, муттащам, ол\ир, щийлагар шахслар - Викторлар тан=ид =илинади. Ушбу щажвий туркумга бирлашадиган шеърларга /.Каримов, А.Абду\афуров, Щ.Раззо=ов, Р.Тожибоевлар ыз муносабатини билдирганлар. Чоризм ва мащаллий амалдорларнинг =ора =илмиш лари, пул, бойлик орттириш йылидаги фирибгарлик, ноща=лик, юл\ичлик фаолиятлари акс этган бу щажвларга сабаб былган во=еа =уйидагича:

Москвадаги ака-ука Каменскийларнинг +ы=ондаги идораси бош бош=арувчиси Виктор Дмитриевич Ахматов шащарда йигирма йилга я=ин мащаллий бой, савдогарлар билан савдо муомаласида былади. Уларнинг ишончини =озонгач, бойлар ва савдогарларнинг жуда кып пулларини ызлаштириб юборади. Ишлаб турган конторадан ыттиз минг сым =арз олиб, уни ва=т ытиб 300 мингга етказади. Камомад ми=дори неча сым былишидан =атьи назар, жазо бир хил былишидан хабар топган Виктор щеч нарсадан тап тортмайди. Виктор Ахматов таъмагир бой ва очкыз савдогарларга Европадан мол келтириб бераман деб, пулларини йи\иб олади. Ахматовга ишонган «жабрдийдалар», ва=т ытгач, ыз ща=ларини талаб =ила бошлаганларида, Виктор ыз =арзларини контора щисобига ытказиб, сохта паспорт билан Тифлисга жынаб кетгани аён былади. Бир =анча ва=тдан кейин =ылга олинган товламачи В.Ахматов иши судда кырилиб, у 1,5 йилга =амалади[1]. Шу во=еага изощ ва Му=имийнинг «Щажви Бектурбой» мухаммаси Н.Остроумов томонидан «Записки»нинг IX томида ызбек ва рус тилига сызма-сыз таржимаси билан нашр =илинади.

Адабиётшунос А.Абду\афуров Н.Остроумов берган изощга кыра «Му=имий бу асарни во=еа содир былгандан кейино= щозиржавоблик билан тезликда яратган», деб ты\ри =айд этади[2]. Демак, ношир, ыз таъкидига кыра, асарни 1891 йил июлда кычиртириб олган былса, ушбу асар бу муддатдан аввалро= ёзилган. В.Ахматов суди 1892 йил августда былиб ытади. Икки йилга я=ин =очо=ликда юрган фирибгар ызлаштириб юборган пуллар ундирилганми йы=ми, бу ща=да маълумот йы=.

Давр адабиётида мощиятан Виктор =илмишига монанд яна бир товламачи Ляхтин ща=ида щам бир неча щажвий асарлар яратилган. Жумладан, Зорий меросида «Лахтун щажви» сарлавщали мухаммас былиб, у 1895-1896 йиллар орали\ида тузилган баёз таркибида бош=а манбалардаги нусхаларидан кыра щажман катта ын уч банд шаклда учрайди.

Ляхтин щам Виктор Ахматов сингари товламачи фирибгарлардан былиб, Тошкентдаги уддабурро бойлардан щисобланган. У ща=да =уйидаги маълумотлар бор: У «саноат корхоналари:

---

[1]Абду\афуров А. Ызбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.142-143.
[2] Кырсатилган асар.-Б.144.

ё\ ва пахта тозалаш заводлари очган, типография-литографиялар бунёд =илган, Туркистоннинг турли шащарларида савдо контораларида мол сотган юл\ич ва ол\ир капиталист эди. У янги босиб олинган ылкада бойлик тыплаш учун щамма усуллардан фойдаланиб иш кырган колонизаторларнинг типик вакили эди»[1].

Виктор ва Ляхтинларнинг фирибгарликлари давр жамоатчилигида катта шов-шув =ыз\атган ва =атор ижодкорлар ди==атини тортган. Шу нарса эътиборга лойи=ки, айрим ижодкорлар бу во=еаларни щажвий йыналишда бадиий тасвирлашга =айта-=айта мурожаат этганлар. Жумладан, Му=имий меросида Виктор шахсияти ва =илмишларини фош этувчи учта шеър ва Ляхтин ты\рисида бир щажвий \азал учрайди. Щар иккала келгинди товламачи Зорийнинг щам хажвияларида аёвсиз фош =илинди. Шоирнинг ыткир тан=ид ва кучли киноя рущи устувор былган мухаммасида бош=а ижодкорлар асарларидагига нисбатан Ляхтин шахсияти ва ифлос кирдикорлари ты\рисида тафсилотлар кыпро= учрайди.

Шоир мухаммасидан, масалан, =уйидаги мущим маълумотларни олиш мумкин:

Ляхтин ыз сармояларини янада кыпайтириш ма=садида Тошкентдан +ы=онга келади. Виктор ор=али былса керак, мащаллий бой ва савдогарлар, судхырлар билан тил топишиб, уларнинг пулларини =арзга ёки фоиз билан =айтаришга олади. У ён атрофдаги шащарлар, масалан, +ы=он, Андижон бойларидан пул ола бошлайди. Охири унинг =арзлари 600 юз минг сымдан щам ошиб кетади. Аммо ишлари юришмай, ызи «синади». Ляхтинга пул берганлар ыз пулларини =айтаришни талаб =илганларида, шоир айтгандай, у «тилини гунг, =уло\ини кар» =илади. Ляхтин иши судда кырилганми, пул берган кимсалар ыз пулларини =айтариб олганларми - бу ща=да маълумотга эга эмасмиз.

Зорий мухаммасда Виктор сингари синиб, ызгалар ща=ини «гум» =илган хасис ва фирибгар Ляхтиннинг щажвий тимсолини мащорат билан тасвирлайди. Ляхтин фирибгарликда ыз щамтово\и Виктордан щам ызиб кетади.

«Записки»даги маълумотга =араганда Виктор Ахматов конторадаги камомадни 300 мингга етказади щамда махаллий бойлардан жуда кып пулларни ызлаштирган былса, Ляхтин ундан икки баробар кып - 600 минг сымни «щазм =илиб юборади».

Р.Тожибоев Виктор во=еаси билан =изи=иб, «Суддан олдин чи=арилган щукм» ма=оласида во=еа тафсилотларига кенгро= тыхталади[2]. Муаллиф во=еани синчиклаб ырганиб, унга ыз муносабатини щам билдирган. Виктор Ахматовга пул бериб синган бойлар ща=ида шундай ёзади: «Биров минг сым берган, бош=а ын минг сым, яхшигина =ый 4-5 сым былган ыша замонларда минг, икки минг сым катта пул эди-да». Мазкур хулосаларга кыра, Виктор Ахматов, шу жумладан, Ляхтиннинг щам =анчалик устамон ва фирибгар былганини ва сармоясининг =ай даражада эканини фараз =илиш мумкин.

Ма=оладан сынг Р.Тожибоев «Записки»даги Остроумов нашр этган мухаммаснинг тыли= нусхасини та=дим эттан[*].

Адабиётшунослар ыз асарларида ты\ри таъкидлаганларидек, ижодкорлар фа=ат фирибгар Викторнигина эмас, унга алданган ла=ма бойлар, таъмагир савдогарларни щам щажв остига олдилар. Жумладан, Му=имий шундай мисраларни битган:

Щиссат щарис деганлар хушомадгый нечаси,
Машваратни бобинда бордур эрур нечаси.
Молу мато щимматлик сенга берди а=часи,
Сенга берган одамлар нодон экан Бектурбой[3].

Мухаммасда во=еага шоирнинг тан=идий муносабати щам акс этган. Мусулмонларнинг

---

[1] Каримов /. Ызбек адабиёти тарихи.-Т.: Ы=итувчи, 1975.-Б.120.
[2] Тожибоев Р.Суддан аввал чи=арилган щукм // Ватан.-1996. № 12.

[*] Мухаммас илк бор адабиётшунос А.Абду\афуров томонидан 1956 йилда «Шар= юлдузи»нинг 8-сонида нашр =илинган эди.
[3] Му=имий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.360.

хор былганидан, фирибгарлик, хиёнат, алдов авж олганидан шоир «юрак-ба\рим =он былди» деб ёзади. +уйидаги бандда щам, Му=имий ызининг ахло=ий =арашларини акс эттирган. Бунда шоир одамларни инсофли, диёнатли былишга тар\иб этади:

Былмас дуо ижобат бета=вою бетоат,
Кырмас жаннат юзини щар кимда йы= диёнат,
Мымин =уллар =илмайдур омонатга хиёнат,
Арзон эмас беиллат, щиммат эмас бещикмат,
Ноинсофу бетавфи= олган экан Бектурбой.

А.Абду\афуровнинг таъкидлашича, «Му=имийнинг «Щажви Бектурбой» асари мащаллий амалдорларнинг очкызлигини, таъмагирликларини, фойда ор=асидан =увишларини, ащмо=ликлари ва гылликларини фош =илувчи, даврнинг ахло= нормаларини тан=ид этувчи тарихий айбномадир»[1]. Му=имий «Щажви Бектурбой»да Викторни +ы=ондаги «машщур шайтон» деб атайди. Иккинчи мухаммасида эса Виктор атрофида парвона былган бойларнинг ащволларига кыпро= эътибор =аратади. Бу ла=ма бой ва савдогарлар, масалан, Карим охун, +осим даллоллар Викторни пир деб этагидан ушлаб, бор будини сотиб, пулини унга бериб =ыйганлар. Щатто «емай, ичмайки берди икки =ыллаб хал= дунёсин» деб ёзади шоир. «Дар шикояти Лахтин» \азалида Му=имий ушбу фикрларни ривожлантириб киноя, кесати= ощангида фирибгар шахсни щам ла=ма бойларни щам тан=ид =илади:

Емай, ичмайки берди икки =ыллаб хал= дунёсин,
Иложи былса еб кет, бир тийин хам берма, жон Лахтин.

Темир санду= дебон хыб мыътамад билган кишиларга,
Кетар ща==инг агар берганда бир =опдин сомон, Лахтин[2].

Зорийнинг мухаммасида алданиб, пулидан айрилган кимсалар шундай кулгили тасвирланадики, улар ыта ла=ма былганлигидан Ляхтинга ызларининг «ададсиз а=ча»ларини хурсанд былиб берадилар, уларнинг =аторида пул дардида овора былган эскифурушлик билан шу\улланадиган шахслар щам бор. Ляхтин щатто ночор одамларнинг щам пулини олишдан ор =илмаган.

Бо\у ро\ларини сотиб, пулини фирибгарга тут=азган кимсалар щоли танг былиб «энди нима =иламан» деб бош =ашлайверганидан, шоирнинг образли ифодаси билан айтганда, «со\ тирно= =олмайди». Ташвиш тортаверганидан «ич-этини еди» иборасини шоир янада кучайтириб, «жисмида ё\ =олмагунча ич- этини еди» деб ифодалайди. Зорий щаётий =иёс ва хал=она иборалар =ыллаб, бадиий тасвир кучини янада оширган:

Сенга пул бердилар сотиб тегирмон, бо\лар =олмай,
Аларни дастида бош =ашлагудек со\ тирно\лар =олмай,
Едилар ич-этин жисмида =итмол ё\лар =олмай,
Кетиб шащбоз щайли, келди сендек зо\лар =олмай,
Ыюнчи модаларга жуфт ылуб ёввойи нар Лахтин[3].

Айёрлик илмида Камакдан щам ытадиган Ляхтинни шоир «Агар Бектур йы=олса, анга былгил щамсафар Лахтун» деб ёзади. Ляхтинни тасвирлашда =уйидаги бандда ыткир киноя =ылланган:

Тан олма гарданингга, а=линг ылса, бир мирини щам,
Иложи былса, боз ол, а=часин =ыйма, жирини щам,
Отанг щам келса асло =илма рыйи хотирини щам,
+ылига бермагил танзил дебон учдин бирини щам,
«Пашол» деб,ты\ри келганларни кыксидин итар, Лахтин(67 а).

Ляхтин шу =адар ориятсиз, му\омбир шахски, щатто ыз отасини щам алдашга =одир,

[1] Абду\афуров А. Ызбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.145.
[2] Му=имий. Кырсатилган асар.-Б.368.
[3] Баёз. ЫзРФАШИ инв.№5666. 240 а в.

шахсий манфаат юзасидан щеч кимнинг пулини =айтариб бермайди. Му=имий фирибгар Ляхтинга пул бериб алданган кимсаларга =арата «бер деб =истаманг, жон саломат былса пул топилади, аммо Ляхтин пул олганидан тониб фирибгарлик =илса керак» мазмунида мисралар битади. Зорий эса Ляхтинни му\омбирлик билан «кыру кар» былиб олишини кучли киноя билан тасвир этади:

Ышал судхырлар пул =исташиб, сенга дучор ылса,
Жавоб этгил аларга санду=ингда а=ча бор ылса,
Олиб бермак кишининг пуллари сен хал==а ор ылса,
Нетарсан, бермасанг бошингга шафканг эмди тор ылса,
Тилингни гунг =илиб, гышингни =илгил анга кар,Лахтин.(239)

Ляхтинга пул бериб, до\да =олган кимсаларнинг щолини Зорий санъаткорлик билан акс эттиради. Одатда ноилож ащвол, батамом умидсизлик «жони бы\зида турибди» ибораси билан ифодаланади. Зорий ушбу хал= иборасини =уйидагича =ыллайди:

Недин бечоралар тушти пули сендек фалокатга,
Кетиб а=ча =ылидин, еттилар ылмаклик холатга,
Рама=да жони =олди, учради быйла фалокатга,
… … … … … … … … … … … … … … … … … … … … … … … …*
Сен ыл, Бектур щам ылсун, тез кет суйи са=ар Лахтин.

Шоир Ляхтинга =арата киноя билан, сендан хомтамаъ былганларга шаф=ат =илсанг быларди, бундай ишларни =илмаганингда хал=да щурмат кырардинг, энди былар иш былди, бориб пулдорлардан мущлат сырагин, дея маслащат беради. Шу ыринда «болта тушгунча тынка дам олар» хал= ма=олини =ыллаб, Виктор сингари сенинг щам жазо оладиган ва=тинг келади, деган фикрни ифодалайди:

Авалдин хомтамалар ащлини =илсанг эди иззат,
Берурди яхшилар, сабр айласанг, ын йилгача фурсат,
Мунингдек =илмасанг, бу хал=дин кыргай эдинг щурмат,
Былар иш былди эмди, ол, бориб пулдордин мущлат,
«Дам олгай кунда то бошига келгунча табар», Лахтин (676).

Зорий мухаммас сынггида замон бойлари омонат, улар эрта ё индинга синади, деган ишонч билдириб, щаётда нималарни \анимат билиш кераклиги ща=ида мулощаза юритади. Катта шов-шувларга сабаб былган Виктор во=еаси шоир Мущйи ижодида щам акс этган[1]. Унинг «Дар мазаммати Бектур» деб номланган мухаммаси каттагина щажмда - ын ты==из банддан иборат былиб, унда «содда ызбек хал=ини» алдаган Виктор бойнинг =илмишлари щажвий йыналишда баён =илинади. Шу билан бирга фойда кырищ умидида Викторга «мущаббат айлаб, у гыё шощ былса, унга мулозим былмо==а тайёр», «зощирда бойсуврат, тащ=и= аро гадойлар»нинг ночор ащволлари ва мунофи=ликлари тан=ид =илинади. Мол дунёга щирс =ыйган, закотни унутган, диний амал-шартларга бефар=, охиратни ёд =илмаган кишиларнинг аянч =илмишлари кырсатилади:

Хусрони молу дунё сабт ылмаса азалда,
Нечун сафар щазарда щам бащру бар жабалда.
+ай мазщаб ичра жоиз бордур бу не милалда,
Эй сощибони хусрон, ётиб турар мащалда,
«Оллощ» демай, дединглар, беихтиёр «Бектур».

Зав=ийнинг «Во=еаи Бектур» асарида фирибгарга адданган ыша шахсларнинг айримлари - +осимжон, Мусажон, Карим охун, Мавлон номлари билан зикр =илинади. Бу таъмагир бой ва ла=ма савдогарлар Викторни «пир» деб билганларини шоир кулги остига олади:

---

[1] Мущйининг ушбу мухаммаси ЫзР ФАШИнинг +ылёзмалар жам\армаси инв.№5736 да са=ланади. Мухаммас илк бор А.Абду\афуров томонидан «Мущйининг «суддан щам олдин чи=арган щукми» ма=оласи билан бирга «Ызбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1997 йил 5 сентябрь сонида эълон =илинган.

Щама а\ниёи замонлармиз,
Сощиби дунёи калонлармиз.
Олтину кумушни шиор этганлар,
Щаён деб диёнат, ащди кетганлар.

Щошимжон Раззо=ов «Зав=ийнинг щаёти ва ижоди» номли тад=и=отида бу асарга алощида тыхталиб, =уйидагича ёзади: «Зав=ий бу шеърида метрополия капиталистларининг вакили сифатида Виктор бойни олиб, уни мащаллий бойларнинг пири, устози, уларга йыл-йыри= кырсатувчи, шу билан бирга булардан му\амбирро=, фирибгарро= деб кырсатади»[1].

Зорий ва Му=имий, Мущйи ва Зав=ий шеърларида бойларнинг бир нечасининг номлари айтиб ытилган былса, шоир Писандий мухаммасида 28 та ном =айд этилади[2].

Писандийнинг мухаммаси щажман катталиги (36 банд - 180 мисра) ва во=еаларни батафсилро= ёритганлиги билан бу туркум шеърлар ичида ажралиб туради. Шоир «синган» бойларнинг =иёфаси, феъл-атвори, =илган ишлари, =усурлари ва иллатларини шундай тасвирлайдики, очкызлик ва худбинлик, хасислик о=ибати шундай былади-да, деган хулоса пайдо былади ы=увчида. Масалан, шоир тасвирида, макр-щийла =илган, лекин алданган Ниёз кыса, Бектурга ызини бой кырсатган, аммо аслида «тезак чой» ичиб, тумшу\и ё\ кырмайдиган хасис +осимбой, судхырлик ма=садида пул йи==ан щожи Собир, бойликка ружу =ыйган Абдужаббор, /уломжонлар Бектурбойга мулозим былишга тайёр таъмагирлардир. Худди Зорий мухаммасидаги сингари Карим охун, Божонбой, +осимбой, Носир кабиларнинг тимсоллари ишонарли ва мащорат билан тасвирланади. Мухаммас бощдан-оё= щажв ва юмор билан су\орилган.

Бу туркум ижодкорлари тасвирлаган кыпчилик ла=ма ва хасис шахслар ААбду\афуров =айд этганидек, миллий адабиётдаги Гобсек, =ори Ишкамба тимсолларини эслатади[3]. Бу бойларнинг феъл-атворларининг умумий ыхшаш жищатлари хасислик, =айси йыл билан былса-да, пул жам\ариш, бойлик орттириш. Аммо, щар бир шахснинг бу йылдаги уринишлари, щатти-щаракатлари ызига хос. Писандий, масалан, 28 савдогарнинг ана шу щатти-щаракатини ва бунинг натижасини бирма-бир таърифлаб щар бир хасис тимсолини яратади. Шеър ор=али алданган бойларнинг щолати манзарасини ы=увчи я==ол тасаввур =илади. Алданганини билиб =олган Назар кыр юролмай =олса, Мираброрнинг «томо\идан сув ытмай» =олади, «Мирщожибой касал, деб эшаклари щанграшади», Абдуращмоннинг кыз ёшларидан «ерлар лой». былади ва.щ.к. Шоир щар бир исм олдидан шундай ла=аб ёки сифат =ыйиб айтадики, бу номлар ыша шахс ща=ида щажвий бащо - маълумот беради. Мисол учун, Ниёз кыса, бещамият Собир, Карим кал, Божонбой гырхыр, Назар кыр, Абдуращмон лыли, ёл\oнчи Хожи Сидди=, нодон Хайриддин кабилар.

Шоир асосан очкыз савдогарларни тан=ид =илар экан, шу билан бирга фирибгар Викторнинг кирдикорлари, феъл-атворини фош этиб боради.

Маълумки, дызах дейилганда энг кучли ыт, бе=иёс даражадаги олов тушунилади. Шоир Викторнинг =илмишларини гыё дызах хумдонига щарорат солди, деб тасвирлайди. Викторнинг алдовлари, фирибгарлигини шоир кучли киноя билан фирибгарлик «шарбат»и деб атайди:

Номига акс эрди ёл\oнчи хожи Сидди=,
Бектурни шарбатидин тотди бу бе=аноат.

Виктор, Ляхтин ща=идаги асосан мухаммас жанрида ёзилган туркумдаги шеърларнинг барчасида фирибгарлик, ёл\он, судхырлик каби иллатлар =ораланади, товламачи, щам ла=малик =илиб, фирибнинг тузо\ига тушганлар тан=ид ва кулги остига олинади. Исломда судхырлик =атти= =ораланиши, омонатга хиёнат =илмаслик кераклиги Му=имий, Мущйи, Зорий асарларида таъкидланади.

1902 йил 2 (16) декабрь (рамазон ойининг 14 куни сешанба) эрталаб соат $10^{00}$ да Андижонда рый берган зилзила даврнинг яна бир мущим ижтимоий-сиёсий во=еалардан бири былди. Бу табиий офатга ыз муносабатларини билдириб, бир =анча ижодкорлар шеърлар ёзишди.

[1] Раззо=ов Щ. Зав=ийнинг щаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т.: 1953. –Б.73.
[2] Асрлар нидоси. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. –Б.158-160.
[3] Абду\афуров А. Ызбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.145.

Табиий офат давр шоирларини, жумладан, Зорийни щам ло=айд =олдирмади. Ындан орти= ижодкорларнинг турли жанрдаги асарлари «ТВГ» сащифаларида 1903 йил январидан май ойигача эълон =илиб борилди. Газетада бу ща=да хабарлар, янгиликлар, ма=олалар щам чоп этилган. Маълумотларга =араганда, зилзила жуда кучли былиб, шащар ичи ва атрофдаги бинолар бузилган. 5 мингдан орти= киши ылган[1]. Газетада босилган ма=олаларда шащар ащолиси бошига тушган мусибат о=ибатлари, щодисадан кырилган зарар ва талофотлар хусусида сыз юритилади. Шу во=еага ба\ишлаб, шоирлардан Му=имий, Мущйи, Ибрат, Камий, Зорий, Насимий, Щазиний, Писандий, Щамза, Саидабдулмажид Шав=ий, Фаёз, Хатмий, Дабирий, Шощий, Мирсолищ Мирзощидбой ы\ли, =ози Ращимхыжа эшон, Олим Нурийлар бу фалокатдан чу=ур зарар кырган оддий хал= ащволига ачиниб, ызбек ва тожик тилларида мухаммас, \азал, манзума, таърихлар яратдилар. Булардан Зорий, Щазиний, Писандий, Щамзаларнинг асарлари газета сащифаларида учрамайди. Зав=ийнинг бу хусусда шеър ёзгани ща=ида щам маълумотлар йы=. Рый берган табиий офатни тасвирлаган ижодкорлар ыз асарларида о\ир ащволда =олган элга =ай\уриб, \амларига хайрихощ былдилар.

Зорий меросидаги «Во=еаи Андижон» сарлавщали ын банддан иборат мухаммасида бу табиий офатдан =ай\уриш, афсусланиш туй\улари жуда кучли ва таъсирчан акс этган. Шоир зилзила тафсилотини келтиришдан аввал, Андижоннинг айни замонгача былган кыркам ва ободлигини тасвирлайди:

Былдиму озод \амидин, ё раб, олон Андижон,
Мамлакатлар ичра эрди, чунки, заркон Андижон,
Мундо\ обод ылмагандур щеч даврон Андижон,
Ногощон =илди худо якбора фармон Андижон,
Амри ща=дин ул замон ер ылди ларзон Андижон (17а).

Шундай обод шащарда нима сабабдан зилзила былиб, щамма ё= тупро==а айланишини шоир куйиниб =айд этиб, сабаби Ща=дан ызгага маълум эмас, деб ёзади. Аммо, аввалари щалол, покдомон, хушахло=ли кишилар исти=омат =илганлиги, намозхон, эъти=одли шайхлар, порсолар, мутта=ий сощибдуолар тоат билан мещнатда кун кечирганлари, эндиликда эса ахло=-тарбия на эъти=од бузилганлигидан, щаром ишлар авж олганидан шащар вайрон былгани тасвирланади. «+айси ёмон феълимиз бу балони келтирди?» - деб савол =ыяди шоир:

Бор эдилар ул диёра неча =утби авлиё,
Шайхи сажжоданишинлар покдомону порсо,
Гышаларда ылтурарди мутта=ий сощибдуо,
+айси бадафъолимиздин келди бош узра бало,
Ташлади \абро ышал дам былди найрон Андижон (18а).

Зорий зилзила пайтидаги одамларнинг боши ёрилиб, =ыли синиб, жон са=лаш умидида турли ё=ларга =очганларини жуда жонли ва таъсирчан тасвирлайди.

Шоир айни ва=тдаги табиатни щам тасвирлаб, «ой куйиб, офтоб тутилгани», ём\иру =ор неча кунлаб тинимсиз ё\иб, «хал= зеру туроб» былганини надомат билан айтиб ытади. Мухаммас сынггида шоир бу жазони худо юборгани ва мушкулни щам ызи осон =илажагига умид билдиради. Вайрон былган шащарнинг обод былишини тилаб, яратувчидан Фар\онани омон са=лашни илтижо билан ытинади.

Замонанинг йирик шоирларидан Му=имийнинг «Тарихи зилзилаи Андижон аз мавлоно Му=имий Щы=андий» асари щамда бош=а шоирларнинг шу мавзудаги асарлари ща=ида И.Мыминов /.Каримов, А.Абду\афуров, Л.+аюмов, А.Жалолов, Щ. Ызганбоевлар Р.Тожибоевлар эътиборга молик фикрларни билдирганлар[2].

---

[1] Мыминов И. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.-Б.233.

[2]Мыминов И. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.-Б.233; Абду\афуров А. Ызбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.40; +аюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.-Б.164; Жалолов А., Ызганбоев Щ. Ызбек маърифатпарварлик адабиётининг тара==иётида ва=тли матбуотнинг ырни.-Т.: Фан,1986.-Б.32-33; Тожибоев Р.

Академик И.Мыминов «ТВГ» сащифаларида босилган Олим, =ози Ращимхыжа эшон, Камийларнинг шеърлари мазмунига тыхталади. Му=имийнинг шу манзудаги асаридан парчалар келтириб, «юксак поэзия намунаси былиб, ыз мощияти билан XX аср бошларидаги ызбек адабиёти ва ижтимоий тафаккурига янги, демократик \оялар олиб киради», деб ёзади. /.Каримов бу асарни Му=имий асарлари тыпламида нашр этди. А.Абду\афуровнинг илмий асарида Му=имийнинг манзумаси шарщланиб, зилзиладан зарар кырган шащар ащолисига руслар томонидан ёрдам берилгани ща=ида сыз юритилади:

Шощдин агар етмаса имдод чун,
Эрди раиятга нищоят зиён.
Шаф=ат айла борди ярим подшощ,
Щозир ышал зилзила былгон замон.

Му=имий зилзила рый берган жойларни бориб кырган ва унинг сабабларини «пахтага щирс =ыйган» бойларнинг «юртга касофатлари теккан»идан деб билган. Адабиётшунослар ты\ри таъкидлаганлари дек, шоир во=еаларни реалистик тасвирлайди. Шоирнинг офатни тангри юборгани учун бунга таъна =илиш хатодир, деган фикрлари Зорий мисралари мазмунига щамощанг:

Ногощ итоб айласа, берур дигар,
Щожат эмас, лашкару тири камон.
Таъна хато, ушбу мусибатларин,
Рызи азал котиби ёзган экан.

Шеърнинг сынгги байтида зилзила ва=ти таърих ор=али берилган:

Жон бошина зилзила =асд айлагач,
Тарихин а=л айди: «дари\ Андижон».

«Дари\ Андижон» таърих моддаси былиб, муаллиф ишорасига кыра «жон боши» -«жим» ис=от =илинса, сызларнинг ра=амлар йи\индиси 1320 щижрий, 1902 милодий йил щосил былади. .

Таърих =ылланиши Ибрат, Нурий асарларида щам учрайди. Мущйининг «Щы=андлик шоири номдор, сощиби и=тидор мавлоно щожи Мущйи афандининг Андижон шащри хусусида дилсызона абётлари» сарлавщали ын ты==из банддан иборат мухаммаси босилган[1]. Мухаммасда зилзилагача обод былган шащар «фазоси жаннат», «щавоси махмур», «саёщатчилар унга мубтало», «Туронзамин ичинда ободликда машщур» дея тавсиф этилади. Хусусан, хал=ининг сощибщунар, тижоратчи, ишбилармон щамда «шарорат билмайдиган мусулмон» деб ёзади. Мущйи щам бош=а шоирлар сингари «бу бало =иёматдан нишон, уни Ща= юборди, бу бизга берилган танбещ» деган фикрлар билдиради. «Баъзи бир одамлар туфайли шу офат рый берди», - деювчи шахсларга =арата битилган:

+илманг аларга тущмат нисбат бериб шарорат,
Бещуда айламангиз ылганлара ща=орат,
Эй, \афлат ахли, юрманг бир лащза бетащорат,
Шайтон магар =илибдур сиздин щаёни \орат,
Бещуда таън этарсиз асрор Андижона.

мисралари Зорийнинг =уйидаги фикрларига монанддир:

Таънага тил очманглар, барчада ващима бор,
Ухламай шому сащарлар тавба дермиз неча бор,
Хавфимиз будирки, щоло фис= ылубдур ошкор,
Ращм этиб кечгайму шояд журмимиз парвардигор, .
Айлагай эрди ызи мушкулни осон, Андижон.

Мущйи худди кыпчилик ижодкорлар каби бу фалокат ызгаларга ибрат былсин, одамлар, кызни очинглар, \афлатда юрманглар, тавбаю дуо =илиб, тоат-ибодатда былинглар каби

---

Андижон зилзиласи +ы=он шоирлари назмида // Адабий мерос.- 1998. № 3-4.- Б. 68-73.

[1] «ТВГ». 1903. №3.

насищатларни баён этади.

«Хыжандлик Мир Солищ Мирзощидбой ы\лидин» сарлавщали 34 байтдан иборат манзумаси худога мурожаат билан бошланган, сынгра худонинг инсонни ерга туширгани, Лут пай\амбар во=еалари тилга олинади. Муаллиф зилзила сабабларини «шариат офатга дучор» былганидан бу фалокат рый берди, Ща= амрини тутмаганларга парвардигор \азаб =илди, деб кырсатади[1]. Бу тасвирлар Зорий мухаммасида былганидек реал акс этган. Зорий мухаммасида «пиру жавон» дод деб, бешикларда гыдаклар йи\лаб, «=из она, ы\ли отанинг фур=атида дарднок» былиб, кып мусулмонлар том остида =олганлиги тасвирланса, =уйидаги Мирсолищ Мирзощидбой ы\лининг манзумасида зилзила натижасида иморатлар =улаб, жону щайвонот тупро= остида =олгани =уйидагича тасвирланади:

Андижондин ызга ерлар мунчалик тебранмади,
Ер ёрилди тебраниб, гыё =иёмат ошкор.

Бо=мади ы\ул отога, =из онодин бехабар,
Бир-бирин кырмай алар йи\лар эдилар зор-зор,

Бу балодин =олмишини ранг рыйи заъфарон,
+абрдин чи==ан кишидек бош-оё= гарди \убор.

Тошкентлик маърифатпарвар шоир Каримбек Камий щам щажман йирик, 56 мисрали мусаддас битиб, Андижон ащлининг бошига тушган бу кулфатни зыр =ай\у билан тасвирлайди. Бу шеър «Андижоннинг во=еоти хайратафзои мотами хусусида тошкандлик шоир Каримбек Камийнинг мусаддас услубида айтгон шеъри» сарлавщаси билан нашр этилган[2]. Камий щам Зорий ва бош=а шоир лар сингари Андижоннинг аввалги обод ва маъмурлигини щамда айни ва=тда эса ер =имирлаб, худди =иёматдаи нишон бераётгандек ёки инти=ом олаётгандек, деб фикр билдиради. Бу офатни муаллиф «щайратафзои мотам» деб атайди:

Андижон ащлини мундо\ щайратафзо мотами,
Бошига тушган балою мещнату ранжу \ами.
До\и щасрат =ыйди кынглига жамиъи одами,
Жуз ризою сабрдин йы= ызга чора, эй Камий,
Ал-амон, бу зилзила офатидин, минг ал-омон,
Са=ла ыз лутфинг била, эй щоли=и кавну макон

Бу мавзуда яратилган шеърлар сирасида бош=а шеърий турлардан щам намуналар маълум. Масалан, шоир ва матбаачи Исщо=хон Ибратнинг ын уч банддан иборат таърих мусаддасида зилзила тафсилотларини реал тасвирлаган:

Былди яна хал=ни уй=усида,
Яъни ышал кечани бир пысида.
Баъзи сарир баъзиси болусида,
Баъзи эди базмни кычасида.
Кетти бино боши тащпо ылуб,
Тарих анга «зилзила \абро ылуб[3].

Ибрат подшо имдод учун шащарни обод =илишга иёнат берганини щам бир неча бор таъкидлаб ытади. Мусаддасдаги «зилзила \абро ылуб» жумласи таърих моддаси былиб ундан 1320 щижрий (мел.1902) йил келиб чи=ади.

Шоир Абдуллощхон Насимийнинг 29 байтдан иборат бутун шеър рущи ва дардли мундарижасини я==ол ифодаловчи бечора андижонлик» радифли манзумаси зилзила туркумидаги шеърлар ичида я==ол ажралиб туради. Мазкур манзума ыз даврида машщур

---

[1] «ТВГ». 1903. №3.
[2] «ТВГ». 1903. № 4.
[3] «ТВГ». 1903. № 9.

былган[1]. Унда одамларнинг очу ялан\оч, бир парча нонга мущтож =олиб =ийналгани, ота-оналарнинг болаларини излаб тополмаёт ганликлари акс эттирилади. Шоир ночор ащволда =олган кишиларга тез ва=тда ёрдам бериш зарурлигини таъкидлайди. Ички =офиялар билан битилган, тил ва рущ жищатидан нищоятда содда ва самимий былган байтлар эсда =оларли ва таъсирчан:

Ул хасталарга ёрон лозим эмасму эщсон,
Бу хилда былса сарсон бечора андижонлик.
Том остига босилган, \ам дорига осилган,
Кырмай жащонни ылгон бечора андижонлик.

Бош=а бир =атор намуналарда былганидек, Насимий щам зилзиладан зарар кырган шащар ащолисига берилган ёрдам ща=ида махсус тыхталишни лозим топади:

Еткурди нонни ортуф, \айрат =илиб пристуф,
Берди аларга бир туф бечора андижонлик.

+ырбоши былмасун кам, щар дам учун дийда нам,
Шаф=ат этибди у щам бечора андижонлик.

Насимий шоир Мущйи сингари халойи==а =арата «ким бунга сабаб былди, дея таъна =илманг «шулдур ризои холи=» каби фикрлар билдиради.

Мущйи ва Насимийларнинг бу мавзудаги асарлари ща=ида адабиётшунос Р.Тожибоев =уйидаги фикрларни билдиради: «Мущйининг «Андижона» радифли мухаммаси, Насимийнинг «Бечора андижонлик» радифли \азали щамда Му=имийнинг «Тарихи зилзилаи Андижон» шеъри муаллифларнинг мазкур дащшатли щодисадан олган таассуротлари ва азоб у=убатда =олган щамюртларига нисбатан хайрихощликларини акс эттирган»[2]. Адабиётшунос Му=имий асаригина нашр =илинган былиб, бош=а шоирларнинг шу мавзудаги асарлари газета сащифаларида =олиб кетаётганини таъкидлаб, Мущйи ва Насимийларнинг асарларини илк марта чоп эттирган.

Шоир Нурийнинг 15 банддан иборат мухаммас зилзила о=ибатида уйсиз =олган одамларнинг дод фарёди, =ий-чуви эшитилгани, шащар вайрон былгани ща=ида тасвирлар бор. Бу офатга Ща=нинг иродаси сифатида =араб, сабр =илишдан ызга илож йы=, дейди у[3].

Мухаммаснинг сынгги бандида =уйидагича таърих келтирилади:

Сырсалар таърихини Нурий, не бергайсан жавоб,
Рызани ын олтиси эрди, дедилар, шайху шоб,
Кун тулуйи явми сешанба эрур, эй мушкноб,
Былди \ар=об Андижон валлощи аълам биссавоб,
Андижон бошини сырсанг щам ёмон былди дари\[*].

Андижон зилзиласига хал=нинг турли тоифасига мансуб кишилар щам муносабат билдирганлар. «Самар=анд шащридаги русски-китайски бонканинг тилмочи Абдуллощ Исматуллощ ы\ли хыжандлик Фаёз тахаллусликнинг ёзган шеъри» сарлавщаси остида ын бир банддан иборат мусамманида муаллифнинг аидижонликлар щолига чин дилдан =ай\ураётгани («Андижонлик холига йи\лар самодин то самак», «Дийдаи инсоф илан бо=санг алар афъолига» каби мисраларда) акс этади. Муаллиф андижонликларнинг кулфати бизга щам мотамдир, деган фикрни айтиб щамдардлик билдиради:

---

[1] «ТВГ». 1903. № 8.
[2] Тожибоев Р. Андижон зилзиласи +ы=он шоирлари назмида // Адабий мерос.- 1998. № 3-4.- Б. 68.
[2] «ТВГ». 1903. № 2.
[*] Ушбу таърих щижрий 1320 (мел. 1902)йил былиб, Нурий мухаммас сынггида «1320нчи мощ шариф рамазон» деб изощ келтирган. «Ы=иш китоби» (Эски ызбек ёзуви намуналари.-Т., 1994.- Б.38.)да эса «\ар=об» сызи таърих дейилиб, 1303 щижрий йил (мел. 1885) Андижонда зилзила былган» тарзда хато берилган. Аслида эса «Андижон» ва «дари\» сызлари таърих моддаси былиб, биринчи сыздаги «алиф» ис=от =илинса, 1320 щ.й. щосил былади.

Андижонлик щолига =он йи\ласанг щам кам эрур
Ким, аларнинг щоли зори бизга щам мотам эрур.
Щар бирини бошида юз кыщи +офи \ам эрур,
Ул дили мажрущларга хайрингиз мащрам эрур,
Дам \анимат, деб эшитгон былсангиз, шул дам эрур,
+исса кутащ, ким =ышулса, хайрга одам эрур,
+илмасун мащфи нищон ащлини щар пир ёшига,
Ким, киёмат былди =оим андижонлик бошига[1]. Тошкентлик =ози Ращимхыжа эшоннинг 14 банддан иборат мухаммасида зилзила жуда =атти= былиб, ер неча кунлаб =имирлагани, одамларнинг том остида =олиб ун каби эзилгани тасвирланади. Муаллиф император Николай подшонинг Андижон шащрига шаф=ат айлаб, 50.000 минг ионат тайин этганини щам айтиб ытади[2].

+ози Ращимхыжа щам зилзила сабабларини элда инсоф, диёнат камайганидан бу офатни Ща= таоло юборди каби фикр билдиради. Баъзи ижодкорлар бу мавзуда бир эмас, бир нечалаб асарлар ёздилар.

Шоир Щазиний ижодида Андижон зилзиласи мавзусида икки мусаддас былиб «Гунощимни худоё...» деб бошланадиган мусаддас етти банддан иборат. Щар банд охирида

Ызинг ращм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дор ул мулкни Тошканд, Андижон янгли\ хароб этма[3],-

байти такрорланади.

Иккинчи мусаддасда щам муаллиф худога мурожаат =илиб, Фар\онани омон са=лашини сырайди. Мусаддас олти банддан иборат. Шоир мусаддасда худонинг =ащри билан зилзила рый бергани ва одамлар бу офатни охир замондан дарак деб билганлари ща=ида ёзади. Зорий щамда бош=а шоирлар сингари Щазиний щам эртаю кеч дуо =илиб, Ща=дан панощ сырашни, тавба =илишни тар\иб =илади:

Эртаю кеч, шому сабо айланг, биродарлар, дуо,
Бошимиз\а \ойибидин Ща= юбормасдин бало,
Тавба айлаб, эй биродарлар, тиланг Ща=дин панощ,
Кеча-кундуз ухламай йи\лар Щазиний дер: «Худо».
Сохлагил Фар\онани бул илтижонинг щурмати,
Андижон янгли\ хароб этма дуонинг щурмати. (151 б.)

Шоир Писандийнинг шу мавзудаги «Таърихи зилзилаи шащри Андижон» шеъри +ы=он Адабиёт музейи жам\армасидан топилди[4]. Бу шеър маснавий шаклида ёзилган былиб ын етти байтдан иборат. Зорий сингари Писандий щам зилзила тафсилотларини бирма бир тасвирлайди. Писандий маснавийсида щукм-хулоса кескинро= былиб, «шарорат, зино, =имор =арор топгани учун худо шундай фалокатни юборди», «ким шариатни поймол =илса охири шундай заволга учрайди» каби фикрлар щукмрон. Зорий мухаммасининг сынггида худодан омонлик сыраган былса, Писандий шащар вайрон былиб ер остида турли касофатлар =олгани, бу вайронагарчиликдан шоир афсус чекаётганини таъсирли мисраларда баён =илади. Шоир зилзила талофотларини тасвирлаб, бу офат хал=да инсофу диёнат, щаёю щиммат йы=олганидан рый берди, деган хулоса чи=аради. Писандий шеърида щам зилзиланинг рый берган йили таърих ор=али берилган.

Щамзанинг Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган шеъри унинг илк асарларидан щисобланади. 13-14 ёшларда былган ёш шоирнинг Зорий, Му=имий, Мущйи, Насимийлар сингари зилзила сабабларини замонада ёмонлик кыпайиб, ночорлар о\ир ащволда =олганидан деб кырсатиши эътибор тортади:

---

[1] «ТВГ». 1903. № 5.
[2] «ТВГ». 1903. № 6.

[3] Щазиний. Девон.-Т., 1999.-Б.147.
[4] Писандий баёзи. +АМ. инв. №169. 8 б, 9 а в.

Ёмонлар пул туфайли эътибор олди диёр ичра,
Фа=ир, бечоралар =олди фи\ону ощу зор ичра[1].

Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган барча асарлар шуни кырсатадики, муаллифларнинг щаммаси бу офатдан =атти= =ай\урганлар ва ызларининг ачиниш, надомат, афсусларини турли тарзда ифодалаганлар. Бу туркумга бирлашадиган шеърларнинг умумий хусусиятлари =уйидагича: Аксарият шеърларда зилзиланинг а) тасвири; б) сабаблари; в) о=ибатлари баён этилади. Кыпчилик шеърларда зилзиланинг сабаблари замондаги ахло= меъёрлари бузилгани, шариатнинг поймол былганлиги деб кырсатилади. Аммо оддий хал=ни - ночор ащволда турган одамларнинг щаммасини шу айб билан =оралаш ноты\рилиги таъкидлаб ытилади. «Лекин бу туркум шеърлардаларда Андижон зилзиласига =андай сабаблар кырсатилганидан =атъий назар, уларда оддий мещнаткаш хал= бошига тушган бу кулфатга ачиниш, щамдардлик билдириш щисси ани= сезилиб туради. Шунинг учун щам бу туркум шеърларни бемалол хал=чиллик ну=таи назаридан туриб яратилган асарлар сифатида бащолаш керак», дейилади адабиётлардан бирида[2]. Му=имий, =ози Ращимхыжа эшон, Ибрат, Абдуллохон Насимийлар асарларида расмий щукуматдан берилган ёрдам ща=ида сыз юритилади.

Зорий мухаммаси бу туркумда кыринарли ырин тутади. Хусусан ундаги етакчи \оя - туркум учун хос былган, Му=имий, Мущйи каби йирик ижодкорлар олга сурган \оя билан тыла щамощанг. Бу туркум щам биз ю=орида сыз юритган туркумлар каби давр ижодкорларининг, жумладан, Зорийнинг давр ижтимоий муаммоларига, хал= щаёти ва дарду щасратларига бенищоя я=инлашганини, кыпчилик бошига тушган офатни ыз кулфати, ыз о\ри\и сифатида =абул =илганлигини, хал= билан щамдард былганлигини кырсатади.

Шеърий туркумлардан яна бири «Найлайин» радифли мусаддас шаклидаги асарлар былиб, аввал эслатиб ытганимиздек, бундай шеър намуналари хал=да =ыши= сифатида ижро этилган. Бу туркумни ташкил этувчи асарлар ыз мундарижаси, рущи ва йыналишига кыра ю=оридаги барча туркумлардан фар= =илади. Зорий ва Нодимнинг бир вазн, бир услуб, бир радифда ёзилган мусаддаслари маълум. Зорий мусаддаси етти банддан иборат. Нодимнинг мусаддаси эса нисбатан катта - ын икки бандни ташкил =илади. Бир вазн, бир =офия ва радифда, бир ощангда яратилган иккала мусаддаснинг ыхшаш жищатлари яна шундаки, щар икки муаллиф =ыллаган бадиий санъатлар, тимсоллар бири иккинчисини тылдиради. Чиндан щам, Зорий мусаддасининг мана бу бошланма банди:

Дащр ичинда шых гулрухсор, сенсиз найлайин,
Илтифотинг былмаса, изщор, сенсиз найлайин,
Щажр ила доим таним афгор, сенсиз найлайин,
Кырмасам щолим былур душвор, сенсиз найлайин,
Ёр, сенсиз найлайин, дилдор, сенсиз найлайин,
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайин (48 б).

Нодим олтилигининг биринчи банди билан щар жищатдан тыла ощангдош эканлиги исбот талаб =илмайди:

Эй аниси хотири афгор, сенсиз найлайин,
Водийи щасратда =олдим зор, сенсиз найлайин.
Эй саропо, нози гулрухсор, сенсиз найлайин,
В-эй дуогыйипарвар \амхор, сенсиз найлайин,
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайин.

Зорий мусаддасида ёрнинг таш=и =иёфаси, гызаллиги, жамоли, фазилатлари кып бор =аламга олинади. Лирик =ащрамон – оши= ёрга илтижо билан мурожаат =илади. Шунинг

---

[1] Ызбек адабиёти тарихи Ж.5. - Т.: Фан, 1980.-Б.387; +аюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.-Б.86; Шу муаллиф: Щамза. Эссе.-Т., 1989.-Б.12.

[2] Жалолов А., Ызганбоев Х. Ызбек маърифатпарварлик адабиётининг тара==иётида ва=тли матбуотнинг ырни.-Т.: Фан,1986.-Б.33.

баробарида ыз ащволидан щам сыйлайди. Нодим мусаддасида эса оши= щолатига кып ырин ажратилган. Ёрнинг ба\ритошлиги, бемещрлиги, щол сырмайди ган жафожылиги тасвирланади. Зорий:

+ай чаманларни гулидурсан, аё сощибжамол,
Ухламай шому сащар васлингни айларман хаёл,
Найладинг, щолимни душвор этдинг, эн мушкин \азол,
Остонингга бориб, бошим =илайму поймол,
Ёр сенсиз найлайин дилдор, сенсиз найлайин,
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайин.

Нодим:

Марщамат билмассан, эйки мещрибон, сен ба\ритош,
Дарду щижронинг била кыздин тыкармен =онлу ёш,
Нола -щамдам, дард мащрамдур, жигар =оним - маош,
Бошима бир соя сол, эй сарви рухсори =уёш,
Ёр, сенсиз найлайин, дилдор, сенсиз найлайин,
Етгали васлингга мен иочор, сенсиз найлайин.

Зорий ва Нодимнинг бир жанр, бир услуб, бир =офия ва радиф, бир йыналиш, бир вазнда ёзган мусаддаслари ижодий щамкорликдан дарак беради. Шу даврда ижод =илган бош=а шоирларда щам шу тарздаги шеърларнинг яна учраши эщтимолдан щоли эмас. Туркум шеърларнинг ёзилиши давр адабий мущитидаги ынлаб ижодкорларнинг ижодий щамкор ва щамфикр былганидан далолатдир.

Зорий шеърлари ва давр ижодкорлари яратган туркум асарлар хусусида =уйидаги хулосаларни умумлаштириш мумкин:

- Зорий ижодининг мавзу доираси кенглиги, ижтимоий-сиёсий лирикасининг давр учун мущим былганлиги, асарларининг поэтик хусусиятлари жищатидан миллий адабиётимиз тарихи сащифаларида сезиларли ырин тутади.

- Зорий мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирди ва ызига хос шеърияти билан XIX аср II ярми ва XX аср бошларидаги ызбек адабиётига муносиб щисса =ышди.

- Шоир асарларининг марказида аввало, инсон щамда ыз замонасининг ахло=ий, ижтимоий-сиёсий масалалари туради. Жамиятдаги во=еа-щодисаларга щозиржавоблик билан муносабат билдирган шоир ижтимоий-сиёсий жищатдан мущим мавзуларда асарлар яратди. Бу асарларидан бири Худоёрхон та=дири мавзусини =аламга олган шоир шундай туркум шеърларнинг майдонга келишига асос солди.

- Давр адабий щаётида анъана былган мавзуларда ёзилган асарлар жанри, услуби, рущи, йыналиши жищатидан бир-бирига я=инлиги боис бир неча туркумларга бирлашади.

- Зорийнинг ушбу туркумларга мансуб асарлари бадиий ифодаси, услуби, \ояси, мазмуни билан шу туркумларнинг мущим щал=асини ташкил =илади.

- Зорий асарлари хал==а манзурлиги боис унинг асарлари куйга солинди, катта давраларда ижро этилди, замондошлари ва дыстлари томонидан бир =анча баёзларга кычирилди. Мущсинийнинг Зорий \азалига бо\лаган мухаммаси унинг меросининг кенг тар=алгани ва шущрат тутганидан дарак беради.

## Х У Л О С А

XIX аср иккинчи ярмида чор Россияси =урол кучи билан Туркистон ылкасида ыз щукмронлигини ырнатган эди. Истибдодга =арши чи==ан маърифатпарвар ызбек шоирлари жамиятдаги ижтимоий-сиёсий во=еаларни, хал=нинг о\ир ащволини, турли ызгаришларни, щаётда юз бераётган салбий щодисаларни тан=идий рущда ща==оний тасвирладилар. Маърифатпарварлик адабиёти вакиллари зулм-зыравонликни, жащолатни, адолатсизликни, мустамлака сиёсатини =атти= =ораладилар, озод шахс эркини, хал=нинг сиёсий озодлигини ыз асарларида куйладилар, бахтли жамиятни орзу =илдилар. Айни=са, маданий марказлардан бири +ы=он шащридаги адабий щаёт вакилларининг ижодий-ижтимоий фаолияти ыз мундарижаси ва кылами билан жиддий эътиборга лойи=.

+ы=онда адабий щаракатчилик мавжуд былиб, бу ерга Фар\она водийсидан ва унинг атрофларидан щам шоирлар, шеърият мухлислари йи\илар эдилар. Му=имий, Мущйи, Фур=ат, Зав=ий каби ил\ор шоирлар =аторида, Зорий, Ёрий, +орий, Нисбатий, Мущаййир, Наййирий, Рожий, Писандий, /арибий сингари ижодкорлар давр адабиётига ыз ижодлари билан мущим щисса =ышдилар. Улар анъанавий иш=ий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий ва диний-ахло=ий мазмундаги асарлар яратдилар. Улар ыз асарларида мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга щаётдаги ижтимоий-маънавий масалаларни щам =аламга олдилар. Шу адабий мущитда ижодий камол топган Усмонхыжа Искандархыжа ы\ли Зорий истеъдодли лирик ва щажвчи шоир сифатида ранг-баранг жанрларда асарлар яратиб, ызига хос адабий мерос =олдирди. Шоир Зорий Туркистон ылкасида рый бераётган зиддиятли ижтимоий-сиёсий во=еаларни ыз кызи билан кырди. Асарларида мустабид тузум сиёсатининг жащолати, зулми, адолатсизлигини холис бащолаб, бадиий тасвирлади. Унинг асарлари бир жищатдан шоир щаётини ырганишда ишончли манба былса, унинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги асарлари, айни замонда давр щаётини ырганишда щам ишончли щужжат даражасида ащамиятлидир.

Усмонхыжа Зорий гызал лирик асарлар ёзиб, мумтоз адабиёт анъаналарини ызига хос давом эттирди. У баркамол инсонни, маънавий фазилатларни, борли= гызалликларини, шахс эркини куйлади. Лирик шеърларида шоирнинг =ащрамони ёрнинг жабру жафоларига сабру =аноат =илувчи садо=атли чин оши= тимсолида намоён былади. Зорий маъшу=а тимсолини яратишда ва тавсифлашда бадиий мащорат билан ызига хос образли ифодалар, бадиий кайфиятлар яратди. Висол шодликлари, щижрон азоблари тасвирланган шеърларда шоирнинг инсонга мущаббати ва щаётга былган умидли нигощи кузатилади. Унинг шеъриятига бадиий мащорат, хал=она нут= ва самимийлик хосдир.

Шоирнинг оши=она шеърларида Ща= иш=и щам куйланади. Бундай ыринларда шоирнинг олам ва одам, щаёт мазмуни ва мощияти ща=идаги фалсафий =арашларини щам англаш мумкин. Инсон шаклланиб борар экан, у Комиллик по\оналарига покиза ахло= ва ща=и=ий иш= ор=али кытарилади. Шоирнинг ахло=ий-таълимий асарларида одамларни ызлигини таинишга, щушёрликка, огощликка даъват бор. Зорий ызи яшаган даврдаги ижтимоий муаммоларни =аламга олиб, замонада издан чи==ан ахло= меъёрларини таъкидлаб кырсатади. Бундан кыринадики, шоир жамиятдаги муаммо ва масалаларга ыз муносабатини билдирган. Хусусан унинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги асарларига хос хусусият тан=иднинг устуворлигидир. Шоирнинг щажвий асарларида щам шу хусусият етакчидир. Чоризм олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг хал= бошига о\ир кулфатлар келтирганига ишора этувчи мисраларнинг мавжудлиги Зорий дунё=арашининг хал=чил мощиятини равшан кырсатади. Чор мустамлакачиларининг ылкада олиб борган зыравонлик сиёсатларини, мещнаткаш эл бошига келтирган кулфату мусибатни, зулму жафони бадиий ифодалашда Зорий, айтиш мумкинки, ыз замондош ижодкорлардан ортда =олмадигина эмас, балки, олдга щам ытиб кетди. Жумладан, =уйидаги байтда шоир чор амалдорлари «элга сон-сано=сиз жабру ситам солдилар; уларнинг =илмишлари хал= бошига тегирмон тоши былди-ку!» дея наъра тортади:

Солмиш ырус жабру ситам эмди беадад,
Бошга бу кор санги тегирмон былди-ку!

Диний-тасаввуфий, ахло=ий-таълимий асарлар яратишда Зорий шеъриятининг мавзулари кенг былиб, =уйидагича тасниф =илинди: иш=ий, ижтимоий-сиёсий, щажвий, диний-тасаввуфий, диний-ахло=ий.

Шоир щажвий асарлар битишда Му=имий, Фур=ат, Зав=ийлар =аторидан ырин олган былса, диний-тасаввуфий, диний-ахло=ий мавзуларда яратган асарлари билан Яссавий, Щувайдо, Машраб, Щазинийлар йылидан борди. Щажвий шеърлари учун ижтимоий тузум иллатлари щамда щаётдаги реал баъзи бир шахсларни тан=ид =илиш характерли хусусият щисобланади. Щасби щол ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърларида эса даврдаги мавжуд муаммолар, зиддиятлар акс эттирилади, зулм-зыравонлик, истибдод, замона иллатлари =ораланади.

Мумтоз адабиётда кызга ташланган бир мавзу, бир йыналиш, бир ощангдаги асарлар битиш давр адабиётида устувор анъаналарга айланди; ижтимоий-сиёсий ва щаётий-тарихий мавзуда бир неча шеърий туркум яратилди. Бу ижобий щодисада Зорийнинг кыринарли роль ыйнаганлиги, алощида хизмати борлигини унинг бой мероси далиллайди. Улар асосан ижтимоий-сиёсий мавзуда былиб, бу туркумлар бир неча ынлаб ижодкорлар томонидан яратилди. Щажман йирик шеърий туркумлардан Худоёрхон та=дири мавзуси, Андижон зилзиласи, Викторбой щажвияси кабилардир. Хусусан Худоёрхон мавзусини Зорий биринчилардан былиб =аламга олди ва шу рущдаги =атор шеърларнинг майдонга келишига асос солди. Н.Остроумовнинг берган изощига кыра Зорийнинг шу мазмундаги мухаммаси хал= томонидан ижро этилган. Давр адабиётида яратилган бундай туркумлар шоирларнинг ижодий щамкорлигидан далолат беради. Зорий, Фур=ат, Зав=ий, Котиб, Мущаййир кабиларнинг хоннинг аянчли та=дири ща=идаги мухаммаслари уларнинг щамфикр, маслакдошлигини кырсатади.

Зорий шеъриятининг соддалиги, хал= о\заки ижодига хос шаклларнинг =ылланилиши, бадиий ифоданинг равон ва ихчам, образлилиги, \оя-мундарижанинг хал=чиллиги ва баёндаги самимийлик асарларининг кенг шущрат тутишига омил былди. Шоирнинг катта бадиий мащорат билан ифода этган асарлари ыз даврида хал==а манзур былиб, =ыши==а айланган кыпчилик томонидан ижро этилган, хал= орасида севиб ы=илган.